

KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL

2021, №2



Hurmatli jurnalxonlar!

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririysi sizni
o’zaro hamkorlikka taklif etadi.**

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal
2021-yil, 2-son

Muassislar:

Oliy va o'rta maxsus ta'limgazalar
Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi
boshqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta
tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV
Bosh muharrir o'rinnbosari: SH.QURBONOV
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

Tahrir hay'ati:

Z.Y.XUDOYBERDIYEV, R.X.JO'RAYEV,
A.Q.JALALOV, A.R.XODJABAYEV,
J.SH.SHOSALIMOVA, A.NABIYEV,
A.A.HASANOV, H.SIROJIDDINOV,
K.M.GULYAMOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlari
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dessertatsiyalar
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani
Universitet ko'chasi, 2-uy
Tel.: 90-979-75-89; 94-677-90-32;

E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri
kelmasligi mumkin.
Tahririyatga yuborilgan maqolalar tahrir etilmaydi
va egasiga qaytarilmaydi.
Jurnaldan ko'chirib bosinganda "Kasb-hunar ta'limi"
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 10.06.2021-yil.
Bichimi 60x84 1/8

Bosma tabog'i 10. Adadi 60 nusxa.
Buyurtma "PROFIEDUPPRESS" MChJ
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Sirg'ali tumani,
Yangi Sirg'ali ko'chasi, 18-uy.

МУНДАРИЖА

МАЛАКА ОШИРИШ

Курбонов Ш.Э., Нуридинов Б.С. Малака ошириш курсларида ўкув машғулотини ташкил этишининг маъруза шакли самародорлигини ошириш йўллари 2
Бегимқулов З.А. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигитини оширишнинг долзарб вазифалари 5

ПЕДАГОГИКА

Эргашев Ш. Теоретические основы совершенствования профессиональной ориентации в системе непрерывного образования 9

Гулямов К.М. Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш – замонавий таълимнинг долзарб муаммоси сифатида 13

Туракулов О.Х., Ҳалимов Ў.Х. Бўлажак мутахассисларнинг касбий билим, кўнишка ва малакаларини шакллантирища мутахассислик фанлар негизида математика 17

Мамаражабов О.Э. Таълим тизимини модернизациялаш шароитида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда замонавий ёндашуввлар 19

Исаков А.Ю. Педагогика коллекларида амалиётларни замонавий таълим талаблари асосида ташкил этишда тизимли ёндашув 22

Qarshiboyev Sh.E. Texnik oliv ta'limgazalarida talabalarning maxsus kompetentsiyalarini shakllantirish 26

МЕТОДИКА

Анаркулова Г.М. Использование педагогических технологий как составная часть методики обучения при подготовки специалистов в высших учебных заведениях 30

Ўринов У.А. Бўлажак мутахассисларда амалий кўникамларнинг ривожланганигини аниқлаш кўрсаткичлари 34

Tulanova D., Ishanova Ch. Ibtidoiy davr san'atini o'rganishdagi asosiy omillar 39

Уматалиев З.А. Мактабгача таълим ташкилотлари учун бўлажак тарбиячиларнинг ахборот – коммуникация технологияси бўйича тайёргарлигини ошириш 41

Буваев В. С., Умаров Х. Т. Миллий анъана ва қадриятларини тиклашда ўзбек кулолчилик мактабларининг ўрни 44

Абидова Д. Ўқувчиларнинг интеллектуал компетентлигини шакллантирища ривожлантирувчи таълим технологияларининг ўрни 47

Адилов Б.Б. Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетенцияларини шакллантирища ахборот технологияларидан фойдаланиш методи 50

Parmonov A.A. Talabalarning kasbiy kompetensiyalarini shakllantirishda axborot-texnik ko'nikmalarining roli 54

Атажанова Д.Б. Мехнат бозорида ёшларнинг ижтимоий фоллигини ошириш заруряти 60

Курбонов Б.Қ. Импорт таркибини оптималлаштиришнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти 63

Мавлонов Н.Ш. Ракамлаштириш мухитида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ахборот компетентлигини оширишда компетентли ва тизимли-ахборотли ёндашув 64

Камбарова Д. Профессионал таълимда ўрта тиббий ходимларни амалий фаолиятга тайёрлашнинг моҳияти ва муаммолари 67

Асрәев З.Р. Техник механика" фанидан электрон дарслик асосида ўқитиш тизимини шакллантириш 71

Хайитов Ш.Н., Ўринов Й.М. Замонавий ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларида бандликнинг маъмурий ва бозор ёндашувлари 74

Хушбакова З.Б., Мусаев О.М. Таълим тизимида ислоҳотлар, миллий таълим тизимининг ҳалқаро таълим стандартларига интеграция килиш истиқболлари 78

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ЎҚУВ МАШГУЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЪРУЗА ШАКЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Ш.Э.ҚУРБНОВ - ПИКҲТБҲПКҚТ ва УМОИ бўлим бошлиғи, п.ф.д., профессор
Б.С.Нуридинов – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бўлим
прокурори, п.ф.н**

Аннотация: Мақолада таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланилиб келинаётган ўқитишнинг маъруза шакли тавсифи, бу борада педагог олимларнинг фикрлари ва қарашлари, маъруза шаклининг афзалликлари ва камчиликлари ҳамда унинг самарадорлигини ошириш йўллари баён қилинган, шунингдек тегишли таклифлар ва хуносалар берилган.

Калит сўзлар: ўқитиш шакли, ўқитиш методи, маъруза, ўқув материали, ўқув предмети, ўқув машғулоти, малака ошириш, тингловчи, бинар, уйғуллаштириш.

Аннотация: В статье раскрываются вопросы применения лекции как формы обучения в учебно-воспитательном процессе, её характеристики, положительные и отрицательные стороны, различные взгляды и научные интерпретации ученых, также пути повышения её эффективности.

Ключевые слова: формы обучения, методы обучения, лекция, учебный материал, учебное занятие, повышение квалификации, слушатель, бинар, интеграция.

Annotation: The article describes the lecture form of teaching, which is widely used in the educational process, the views and opinions of pedagogical scholars, the advantages and disadvantages of the lecture form and ways to increase its effectiveness. Relevant suggestions and conclusions have been made.

Key words: form of teaching, teaching method, lecture, teaching material, subject of study, training, professional development, trainee, binary, integration.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида айниқса, олий таълим муассасалари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари (катталар таълимида) ўқув жараёнида ўқув машғулотларини ташкил этишнинг маъруза шакли кенг қўлланилади. Бироқ, сўнгги вақтларда мазкур ўқитиш шакли жиддий танқидларга учрамоқда, бунга асосий сабаб сифатида ўқув машғулотларида маъруза қўлланилганда ўқитувчи томонидан таҳсил олувчиларга тайёр билимлар етказилиши, бунда тингловчилар пассив бўлиши, уларда мустақил фикрлаш, тизимли таҳлил, креативлик, нотиқлик каби мұхим кўнималар ривожланмаслиги, ўқув материалининг тингловчилар томонидан ўзлаштирилганлигини аниқлаш имкони мавжуд эмаслиги, ўқув материалини етказишида бир хил қолипдаги ёндашув, қайта алоқанинг таъминланмаслиги каби камчиликлар иддао қилинмоқда. Шундай бўлсада, маъруза тарафдорлари ҳам кўпчиликни ташкил қилиб, улар мазкур ўқитиш шаклининг қўйидаги ижобий томонларини таъкидлашади:

ўқитишнинг тизимлилиги;

ўқув материали тартибланган ва мантиқий жиҳатдан тўғри узатилиши;

ўқув жараёнини ташкил этишнинг қулайлиги;

маълумотлар, тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар рационал равишда тақдим этилиши;

қисқа вақт ичидаги ўқув ахборотларининг тингловчиларга етказилиши;

ўқитувчи томонидан вақт ва аудиторияни бошқаришнинг қулайлиги;

ўқитувчининг эмоционал жиҳатдан кучли имкониятларини ишлатиши мумкинлиги;

кўп сонли тингловчилар аудиторияси жалб этилганда ресурсларнинг тежалиши ва бошқалар.

Авваламбор, маъруза – ўқув машғулоти шаклими ёки ўқитиш методими?, деган ўринли саволга жавоб топишимиш зарур. Бу борада ҳам қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлиб, айrim амалиётчи педагоглар маърузани ўқув машғулоти шакли дея таъриф берсалар, бошқалари маърузани ўқитиш методи сифатида талқин қилишади. Бизнинг фикримизча, ҳар икки талқин ҳам маълум маънода тўғри, сабаби бутун ўқув машғулоти давомида фақат маъруза қилинса, бу – ўқув машғулоти шакли, агарда ўқув машғулотининг айrim босқичларида бошқа ўқитиш методлари билан бир қаторда назарий тушунчаларни таҳсил олувчиларга етказиш усули сифатида қўлланилса, бу ўқитиш методи ҳисобланади.

Биз ушбу мақолада маърузани ўқув машғулоти шакли сифатида унинг самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида фикр юритамиз. Бунда биз анъанавий таълимда қўлланиладиган, ўқитувчи монологидан иборат бўлган, узундан-узун маърузани назарда тутмоқчи эмасмиз. Юқорида таъкидланганидек, маъруза ўқитиш шакли сифатида қатор камчиликларга эга бўлгани ҳолда ундан бутунлай воз кечиш мақсадга мувофиқ бўлмади. Айниқса, катта аудиторияларда, шунингдек, мавзуга оид етарли даражада касбий билим, кўникма ва тажрибага ҳамда аниқ мақсадга эга бўлган катта ёшдаги тингловчилар аудиторияси учун ўқув машғулотининг маъруза шаклини қўллаш яхши самара бериши кўпчиликка маълум.

Россиялик олимлар М.В. Чередникова, Е.В. Евлопова, ва Е.В. Гнатышиналар маърузанинг қуидаги турларидан фойдаланиш ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашини таъкидлайдилар [1]:

- муаммоли маъруза;
- маъруза-маслаҳат;
- маъруза-пресс конференция;
- икки кишилик маъруза;
- маъруза - сұхбат.

Муаллифлар мазкур маъруза шакларининг барчасида ўқув машғулоти давомида тингловчиларнинг фаол иштирок этишлари таъминланишини мисолларда илмий-услубий жиҳатдан асослаб беришган.

Илмий изланишларимиз ҳамда педагог олимларнинг кўп сонли тадқиқот ишларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, маъруза самарадорлигини ошириш учун унга тингловчиларнинг мавзуга оид билимларини олдиндан ташхислаб олиш, кўргазмалилик, интерфаоллик, мантиқлилик, муаммолилик, рефлексивлик каби элементларни қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тингловчиларнинг мавзуга оид билимларини ташхислаб олиш. Ўқитувчи ўқув машғулотига тайёргарлик кўришида тингловчиларнинг курс бошланишида ўтказилган кириш тест синовлари натижаларини таҳлил қилиши, ўзининг ўқув предмети(мавзулари) бўйича тингловчиларнинг заиф томонларини белгилаб олиши ва маърузада инобатга олиши лозим. Ёки ўқув машғулоти бошланишида тингловчиларга мавзу бўйича таянч билимларга оид саволлар бериш ёхуд ақлий ҳужум методи орқали улардаги мавжуд билимларни аниқлаб олиши мумкин. Бунда, маъруза аниқ мақсадга қаратилади ва тингловчиларда монтирация юзага келади.

Маърузанинг кўргазмалилиги. Бунда ўқитувчи Power-Point ёки бошқа тақдимот дастурларидан фойдаланиб маърузани олиб бориши, маъруза давомида мавзуга оид қисқа муддатли видеороликлар намойиш қилиши ва ундаги муайян ўқув обьекти ёки вазиятни тингловчилар билан биргалиқда муҳокама қилиши мумкин.

Маърузанинг интерфаоллиги. Маъруза давомида тингловчиларга мавзуга оид саволлар бериш, уларнинг тажрибаларини, фикр-мулоҳазаларини тинглаш ва тингловчилар муҳокамасига ташлаш орқали уларни фаоллаштириш.

Маърузанинг мантиқлилиги. Маърузани мантиқий якунланган бир нечта алоҳида қисмларга (масалаларга) бўлиб олиниши, маълумотларнинг мантиқий тўғри кетма-кетликда берилиши, маърузанинг алоҳида қисмлари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш, мантиқий кетма-кетликка риоя қилиш, бир фикрдан бошқа фикрга сақраб ўтишга йўл кўймаслик, муҳим ва унча муҳим бўлмаган нарсаларни фарқлаш.

Маърузанинг муаммолилиги. Маърузани мантиқий якунланган бир нечта алоҳида қисмлари (масалалари)нинг ҳар бири учун муаммо қўйиш ва мазкур муаммолар ечими бўйича маърузани ташкил этиш.

Маърузанинг рефлексивлиги. Маърузанинг мантиқий якунланган ҳар бир қисми (масаласи) бўйича тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш, ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилиш, зарур ҳолларда қўшимча ва тўлдиришлар қилиш ҳамда хуласаш.

Маъруза шаклининг самарадорлигини ошириш йўлларидан яна бири **бинар** машғулотларини ташкил этиш ҳисобланади. Бинар лотинча “bis” сўзидан олинган бўлиб, қўшалоқ деган маънени билдиради. Бинар дарси – бу битта тушунча, мавзу ёки ҳодисани ўрганишда бир вақтда бир нечта ўқув предметларини ўқитишини бирлаштирувчи ўқув машғулотининг ўзига хос интеграциялашган бир туридир [2].. Унинг моҳияти шундаки, бирор мавзу ёки обьект ўрганилаётганда унинг мазмунини ёритишида бошқа бир фан ёки ўқув предметига оид тушунчалар, билим ва кўникмалар жалб қилинади. Бунда муайян ўқув предмети бўйича бир ўқитувчи томонидан ўтказилаётган машғулотда мавзу ўқув материалига мазмунан алоқадор бўлган бошқа ўқув предмети ўқитувчиси иштирок этади, яъни бинар машғулотларини ташкил этиш.

лотларида икки ёки ундан ортиқ үқитувчи ҳам иштирок этиши мумкин.

Белоруссиялик тадқиқотчи Е.А.Забелинанинг фикрича назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлашда бинар машғулотларининг ўрни жуда бекиёс. Мутахассислик фанларини үқитишда назарий ўқув предмети үқитувчиси билан мазкур мутахассислик бўйича ишлаб чиқариш таълими устасининг биргалиқда ўқув машғулотини олиб бориши таҳсил олувчиларда ўзлаштирилаётган назарий билимларини ўша заҳотиёқ амалиёт билан боғлаш имконини беради [3].

Бинар машғулотлари фанлараро алоқадорликни амалга оширишнинг самарали шаклларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари бинар дарс табиатига кўра лойиха шаклларидан биридир. Одатда ушбу лойиха фанлараро ички ва қисқа муддатли бўлиб, бир муаммони ечиш учун турли соҳа (фанлар, ўқув предметлари)даги билимларни уйғулаштириш ҳамда назарий билимларни амалда қўллаш имконини беради [4]. Бинар машғулотларини мақсади ва мазмун-моҳиятига кўра қуидаги турларга ажратиш мумкин:

икки ёки ундан ортиқ ўқув предметлари ёки модулларини бир нафар үқитувчи томонидан интеграциялаб үқитиш;

икки ўқув предметини иккита үқитувчи биргалиқда үқитиш;

бир дарсда иккита бир-бирига боғлиқ бўлган мавзуларни үқитиш;

бир ўқув предмети ёки модулини үқитувчи ва амалиётчи (эксперт) биргалиқда үқитиш.

Бинар машғулотлари маъруза шаклининг самарали турларидан бири сифатида қуидаги афзалликларга эга:

икки нафар үқитувчининг иштироки бутун машғулот давомида тингловчилар диққатини ўзига тортиши ва уларда мотивациянинг юқори даражада бўлишини таъминлайди;

tinglovchilararda mavzu ёки ўрганилаётган

объект ҳақида ҳар томонлама яхлит тушунча ва билимлар шаклланади;

назарий тушунчалар билан амалиёт уйғунлиги таъминланади;

tinglovchilar дунёқарашининг кенгайиши, уларда қиёсий таҳлил, умумлаштириш ва хулоса чиқариш кўникмаларини ривожланишига замин яратади;

ўқитувчиларнинг ижодкорликлари ва ўзларини намоён қилишлари учун кенг имкониятлар яратилади;

ўқитувчилар ўртасида ўзаро ижодий ҳамкорлик муҳити шаклланади ва бошқалар.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари бинар машғулотларининг ижобий жиҳатлари билан бирга қуидаги камчилик томонлари мавжудлигини кўрсатди:

ўқув машғулотлари жадвалини тузища муаммоларни юзага келиши;

бинар машғулотини ташкил этиш технологиясининг мукаммал ишлаб чиқилмаганилиги;

ўқитувчилардан узоқ муддатли тайёргарлик талаб қилиниши;

икки ўқитувчининг шахсий, психологияк хусусиятлари ва услубий тайёргарликларидағи номутаносиблиқ ҳолатлари мавжуд бўлиши;

tinglovchilar bilim va kўnikmalarini baҳolashdagi muammolar va boшқalarni;

Умуман олганда, бинар машғулотининг юқорида қайд этилган камчилик жиҳатлари унинг анъанавий үқитиш шаклларига нисбатан самарали эканлигини инкор қилмайди. Шу боис мазкур үқитиш шакли педагогик амалиётда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, үқитишининг маъруза шаклини замонавий үқитиш шаклларига алмаштириш эмас, балки мазкур үқитиш шаклини интерфаол үқитиш шакллари ва методлари билан уйғулаштириш орқали унинг самарадорлигини янада ошириш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Евлова Е.В., Гнатышана Е.В., Чередникова М.В. Методика преподавания правовых дисциплин: учеб.-метод. пособ. / - Челябинск : Цицеро, 2016. - 149 с.
- Крупина Е.А. Бинарный урок – как одна из форм реализации требований федеральных государственных образовательных стандартов / Специалист, 2018 №1.
- Забелина Е.А. Бинарное учебное занятие как средство повышения уровня качества образовательного процесса / Международный научно-популярный журнал Мастерство online, 2016 №1;
- Ашурова С.Ю. ва бошқалар. Таълим методлари ва уларни маҳсус фанларни үқитишда қўллаш имкониятлари: методик қўлланма. Т.: ЎМҚҲТ тизими кадрларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти. 2014 й. 81 б.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРВАЗИФАЛАРИ

БЕГИМҚУЛОВ ЗАРИФ АХМАДОВИЧ

Ўз. Р. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада кадрлар малакасини ошириш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишга янгича муносабатни шакллантириш, малака оширишдан кейинги фаолиятда мустақил таълимнинг ўрни ҳамда унинг самарали усуллари юзасидан фикр-мулоҳазалар берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим, кадр, билим, малака, кўникма, жисмоний тарбия, спорт, педагог ходим, касбий компетентлик, таълимдаги испоҳотлар, малака ошириш тизими, илғор педагогик технологиялар.

Аннотация: В статье дается отзыв о специфике системы повышения квалификации, формировании нового подхода к повышению профессиональной компетентности учителей физической культуры, роли самостоятельного образования в послевузовской подготовке и его эффективных методах.

Ключевые слова и понятия: образование, кадры, знания, навыки, умения, физическое воспитание, спорт, педагогический состав, профессиональная компетентность, реформы в образовании, система обучения, передовые педагогические технологии.

Abstract: The article provides feedback on the specifics of the system of professional development, the formation of a new approach to improving the professional competence of teachers of physical education, the role of independent education in postgraduate training and its effective methods.

Keywords and concepts: education, personnel, knowledge, skills, abilities, physical education, sports, pedagogical staff, professional competence, reforms in education, training system, advanced pedagogical technologies.

Янги Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълимий испоҳотлардан кўзланган мақсадлардан бири – баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, мазкур мақсаднинг тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимини қайта шакллантирилиши, унинг мазмунини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда янгилаш асосида таъминланади.

Бугунги давр талаби умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси замон билан ҳамнафас бўлиб, ўз касбий лаёқатини узлуксиз такомиллашиб бориши лозимлигини тақозо этмоқда. Замонавий фикрлайдиган, юқори савияли, ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай оладиган кадрларни етиштириш бугунги кун талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонида “...узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессонал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” каби жуда жiddий вазифалар белгилаб берилган. Бу соҳада қи-

линиши лозим бўлган қатор вазифалар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Мазкур фармон таълим тизими раҳбарлари олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни кўяди [2].

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаш борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қиласди [1].

Бу тизимнинг ажралмас қисми сифатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларга таълим бериш, уларни тарбиялаш, етук инсон қилиб шакллантириш тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ҳамда юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган педагоглар зиммасидадир. Педагогларнинг касбий тайёргарлиги ўрта маҳсус ёки олий таълим муассасаларида ўқиш билан чекланмасдан, балки кейинчалик қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида мунтазам равишда давом эттирилади.

Республикамиз ҳукумати томонидан бу масалага доимий равишда эътибор қаратил-

моқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 658-сон қарори катта аҳамиятга эга бўлди, дейишумкин.

Мазкур қарор билан тасдиқланган “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом”да давлат мактабгача таълим муассасалари жисмоний тарбия инструкторларини, умумтаълим мактаблари ва академик лицейларнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг кафедра мудирларини ҳамда жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, спорт фаолияти йўналишлари бўйича раҳбар ва педагог кадрларни, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари, спорт мактабларининг раҳбар кадрлари, инструктор-методистлари ва тренерларини ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби белгиланган [3]. Амалдаги тартибга биноан жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар, шу жумладан умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ҳам беш йилда камида бир марта малака оширишлари шарт.

Таҳлиллар узлуксиз малака ошириш жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш бугунги кун талаблари даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Кузатишлардан маълум бўладики, бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган ақсарият жисмоний тарбия фани ўқитувчилари тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, фанга доир янгиликлар билан фақат даврий равишда беш йилда бир марта малака ошириш курсларида ўқиш жараёнидагина танишиш билан чегараланиб қолмоқдалар.

Амалиётдан маълумки, ҳар бир педагог кадр даврий равишда беш йилда бир марта малака ошириш курсларида ўқиш билан че-

гараланиб қолмасдан, тизимли равишда ҳар кун, ҳар доим ўз фанига ҳамда баркамол авлод тарбиясига доир, кундалик ахборотларни мунтазам ўрганиб, ўз фаолиятига тадбиқ этиб бориши лозим.

Мустақил ўқиб билим орттириш – таълимнинг раҳбар, педагог ва мутахассис кадрлари томонидан касб маҳоратини оширишга, касбий лаёқатини ва илмий дунёқарашни кенгайтиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг ўз лавозими ва мутахассислиги бўйича янги билим, кўнишка ва малакаларни узлуксиз равишда мустақил ўзлаштиришини назарда тутади [4]. Аслида ўқитувчининг мустақил мутолааси узлуксиз равишда ўқиб билим орттиришнинг энг самарали усууллардан биридир. Соҳага оид журнал ва газеталардаги янгиликлар билан доимий равишда танишиб бориш, янги нашр этилган адабиётларни мутолаа қилиш, касбий маҳоратини ошириш учун зарур билимларни ўзлаштириш, методик маҳоратини ошириш, педагогик ва психологик билимларини бойитиш ўқитувчининг мустақил ўқиш жараёнидаги асосий вазифалардандир.

Мустақил ўқиб билим орттириш жараёни умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг мамлакатимиз халқ таълими ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида янгиликлар билан қуроллантириб, уларни мустақил ўзлаштиришлари, касбий маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари сари методик жиҳатдан йўналтиради. Шунинг учун ҳам улар ўз устида мунтазам ишлашлари, касбий маҳоратларини доимий ошириб боришлари учун малака ошириш курсидан кейинги самарадорликни таъминлаш учун беш йиллик истиқбол режаларини тузиб, шу асосда педагогик фаолиятларини давом эттиришлари лозим.

Ўқитувчининг ижоди ҳамма вақт маълум тажрибага асосланади. Чунки, ижодкор киши доимо нимагадир интилиши керак. Ўқитувчи илғор усуулларни эгаллаши ҳамда уни ўз фаолиятида қўллаш йўлларини излаб педагогика, психология ва таълим методикасининг ютуқларига мурожаат қиласди. Ижодий ишлайдиган педагог ўзгалар тажрибасини таҳлилсиз, тўғридан - тўғри қабул қилмай, ўз тажрибаси билан таққослаб, кейин унинг илғор томонларини қабул қиласди. Педагоглик касбининг ўзига хос хусусияти тўғрисида гапирав эканмиз, унинг моҳияти, асосан билим, касб-хунар ўргатиш эканлигини, шунга кўра, унинг ўзи доимо ўқиши шартлигини алоҳида тақоролаш лозим. Ўқитувчи касбининг мана

шу хусусияти, унинг муттасил равишда ўз устида ишлашини, мустақил билим олишини тақозо қиласди. Унинг фаолияти муваффақиятли бўлишининг гарови—узлуксиз равишда ўз устида ишлашдир [5]. Жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамкаслари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ижодий ўрганиши, амалиётидаги қўллай олиши ва дарслик ва методик журнал ва адабиётларни мустақил мутолааси орқали узлуксиз билим, кўникма ва малакасини ошириб бориши таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Малака оширишнинг такомиллашган турлари ва шаклларидан бири бўлган педагог кадрларни мустақил таълим олиш ва малакасини ошириши умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия ўқитувчилари учун бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Мустақил малака ошириш – узлуксиз таълим тизимининг ҳамма бўғинларида мунтазам амалга ошириладиган, ҳар бир раҳбар ва мутахассис педагогнинг билим ва кўникмаларни тезкорлик билан мустақил равишда чуқурлаштириш, янгилаш ва маданий савилярини кенгайтиришга йўналтирилган фаолиятдан иборат [6]. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбар ходимлари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг ижтимоий-ахлоқий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, уларнинг узлуксиз малакасини оширишларига жиддий эътибор қаратишлари зарур. Бироқ бу жараён мажбурий амалга оширилмай, ўқитувчилар мустақил равишда педагогик фаолиятга киришлари лозим.

Умумий ўрта таълим мактаби жисмоний тарбия фани ўқитувчиси мустақил таълим олиш жараёнида соҳага оид қўшимча адабиётларга мурожаат қиласди, ўтилган мавзуларни таҳлил қилиб, қайта кўриб чиқади, дунёда юз берадиган глобал жараёнлар, таълим соҳасидаги инновациялар, зарурий методик тавсиянома, қўлланма ва тегишли меъёрий ҳужжатлар билан танишади, дарс ва машғулларга тайёргарлик кўриш асносида малака ошириш курсида таҳсил олган давридаги ўрганган маъруза матнлари, ишланмалар, тақдимотлар, янгиликлар, илғор тажрибалар устида тизимли ишлайди, илмий-оммабоп, жисмоний тарбия ва спортга доир даврий нашрлардан фойдаланади.

Ўқитувчилар томонидан мустақил равишда узлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг мураккаблашиб, кундан-кунга кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда муассаса маъмурияти уларнинг ташаббускорлиги ва ро-

лини ошириб бориши зарур. Шунда мустақил таълимга кўникма ҳосил қилган ўқитувчи фақат умумий ўрта таълим мактаби маъмурияти ёки методика кенгаши раҳбари томонидан узлуксиз малака ошириш жараёни учун белгилаб берилган вазифаларни бажарибгина қолмай, ўзининг касбий ўхтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия ўқитувчилари ўз касбий маҳоратини оширишлари учун узлуксиз равишда мустақил малака ошириш жараёнида қўидагиларни ўрганиб бориши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг соҳага оид қарорлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрарлари, амалдаги Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳалқ таълими ҳамда жисмоний тарбия ва спортга оид қарорларининг мазмун-моҳияти;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг қарорлари ва буйруқлари билан тасдиқланган соҳага тегишли бўлган меъёрий ҳужжатлар (низом, йўриқномалар);

- методик қўлланмалар, республика газета ва журнallарида ҳалқ таълими ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тизимида оид янгиликлар.

Шунингдек, иш фаолияти жараёнида қўидаги жиҳатлар ниҳоятда муҳим:

- Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиалларининг тегишли кафедралари профессор-ўқитувчилари билан илмий-услубий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- ўз соҳаси бўйича рўй берадиган ахборотларни турли манбалардан, шу жумладан, ОАВ сирасига кирувчи интернет тармоғидан олиш, уларни ўқувчиларга тушунадиган кўринишда ифодалаши, улардан машғулот жараёнида самарали фойдаланиш;

- ўтказиладиган дарс ва машғулотлар жараёнига замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг назарий ва амалий асосларини қўллаш;

- илғор тажрибага эга бўлган жисмоний

тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш;

- илмий-амалий конференцияларда ўз мақолалари билан иштирок этиш;

- оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш;

- жисмоний тарбия ва спортга оид газета ва журналлар ҳамда бадиий адабиётларни мутолаа қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, умумий ўрта таълим мактабларида фаолият юритаётган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўз-

ларининг касбий ва педагогик маҳоратини доимий равишда ўстириб бориши, мутахассислиги, ўқитиш методикаси бўйича билимларини кенгайтириши, назарий ва амалий билимларини янгилаш, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини пухта ўзлаштириши зарур. Албатта, мазкур талаблар фаолиятини давом эттираётган ҳар бир педагогдан ўз устида қунт билан ишлаш, тинимсиз изланиш, энг илғор педагогик технологияларни дадил ўзлаштириш ва такомиллаштиришни талаб этади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Таълим тўғрисида” (янги таҳрири). 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузурида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 658-сон қарори.
4. Абидов Б.К. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг янги босқичи / “Замонавий таълим” журнали, 2014 йил №9, 58-бет.
5. Олимов Ш.Ш., Ахметжанов М.М. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг айрим йўллари. “Развитие науки и технологий” Научно-технический журнал. 2016 йил №4, 118-бет.
6. Пўлатов Ш.П. Мустақил таълим олиш ва малака ошириш йўналишлари. Xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish: strategiyalar, innovatsiyalar va ilg'or tajribalar. Respublika ilmiy-amaliy konferensiysi materiallari. – Samarqand viloyati XTXQTМОНМ, 2019. - 24 b.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОРИЕНТАЦИИ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

ШАРИПБОЙ ЭРГАШЕВ

Доцент Наманганского инженерно-строительного института

Аннотация: В статье отражены проблемы непрерывного образования в учреждениях образования, рассмотрены факторы, определяющие спрос на рабочую силу и влияющие на предложение рабочей силы. В статьеделено внимание подходам к формированию социальной и профессиональной мобильности учащихся учреждений общего среднего образования.

Ключевые слова: профориентация, рынок труда, профессиональная мобильность, профессиональный выбор, социальное партнерство.

Annotation: In the article reflects the problems of continuing education, considers the facts that determine the demand for labor and affect the supply of labor. The article focuses on the approaches to the formation of social and professional mobility of students of general secondary education institutions prep.

Key words: career guidance, labor market, professional mobility, professional choice, social partnership references

Развитие человеческой цивилизации в мире характеризуется сложными и противоречивыми процессами и тенденциями. Достижения в области науки, техники и инженерии служат для радикального улучшения качества жизни людей, в то же время создавая социальные, экономические, культурные, материальные и другие условия для их жизнедеятельности, удовлетворяя при этом личные потребности и интересы.

В нашей стране проводятся системные реформы по формированию содержания образования на основе дуальной системы интеграции науки и производства. При обеспечении реализации приоритетов Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, таких как «разработка механизмов оценки качества образования, повышение доступности и эффективности образовательных услуг» и «масштабная подготовка и переподготовка по необходимым специальностям» важную роль играет формирование у учащихся целостных и систематических интегративных знаний, профессиональных навыков и компетенций, и диагностическая оценка результатов обучения. В связи с этим профессиональное образование требует изучения состояния профессиональной подготовки специалистов и производственного персонала, исследования их профессиональных компетенций по специальностям и направлениям производства, разработки и внедрения на практике инновационных методов педагогической диагностики.

В данной статье расширена классификация вопросов, установленных в новой редакции Закона Республики Узбекистан от 24 сентября 2020 года «Об образовании», Указе Президента Республики Узбекистан от 6 сентября 2019 года №УП-5812 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования», в целях организации дуальной системы обучения в профессиональном образовании постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан. Среди них рассмотрены:

теория – на базе образовательной организации, практика-дуальное обучение, проводимое совместно на рабочем месте учащегося;

семейное воспитание и самостоятельная учеба;

обучение и воспитание взрослых и др.;

вопросы, связанные с внедрением государственных образовательных стандартов и требований, учебных планов и программ в образовательный процесс, экспериментальной и инновационной деятельностью в сфере образования [1].

Основной целью государственной программы Узбекистана является дальнейшее повышение эффективности использования трудового потенциала в соответствии с потребностями развития экономики.

В рамках реализации Государственной программы предполагается решение следующих задач:

стимулирование экономической активности незанятого населения;

интеграция в трудовую сферу целевых групп населения, нуждающихся в социальной поддержке: молодежи, инвалидов, граждан, освобожденных из исправительных учреждений уголовно-исправительной системы Министерства внутренних дел, длительно неработающих граждан и др.;

повышение конкурентоспособности рабочей силы;

снижение дисбаланса между спросом и предложением рабочей силы;

совершенствование механизмов регулирования рынка труда и информационно-методическое сопровождение деятельности государственной службы занятости населения.

В рамках мероприятий Государственной программы органы государственного управления, имеющие в подчинении учреждения образования, призваны обеспечивать информацией студенческую и учащуюся молодежь о возможности трудоустройства, в том числе в свободное от учебы время [2].

В последнее время учреждения общего среднего образования ориентировали своих выпускников в основном на учреждения высшего образования. Такое профориентационное направление совпадало с желанием подавляющего большинства родителей и устремлениями самих учащихся и привело к недостатку кадров рабочих профессий.

Качественная профориентационная подготовка должна и может обеспечить успешность граждан страны, а как результат – эффективность экономики государства, усиление его позиций на мировой арене.

Всем известно, как непросто сегодня выпускникам найти свое место в профессиональном сообществе в условиях сложившейся конкуренции. Очень часто молодые люди теряются в огромном количестве профессий и не могут остановить свой выбор на одной из них.

Важно задуматься о соответствии своих способностей, склонностей, состояния здоровья требованиям выбиряемой профессии. К тому же, квалификация, указанная в дипломе, должна не только нравиться, но и быть востребованной к моменту окончания учреждения образования. Для этого необходимо учитывать ситуацию на рынке труда своего региона: изучить сведения о наличии вакансий и численности безработных, познакомиться с оценкой самых востребованных

профессий и специальностей.

Важнейшими факторами экономического роста и развития являются человеческие ресурсы – работники с профессиональными навыками и знаниями. С этой целью правительством страны за последние годы принят ряд мер, направленных на создание условий для наиболее эффективной занятости населения.

Сбалансированность спроса и предложения на рынке труда зависит от многих факторов.

Факторы, определяющие спрос на рабочую силу:

число вакантных рабочих мест;

трудно заполняемые вакансии;

динамика потребностей в сотрудниках на новые рабочие места / организация новых рабочих мест;

динамика текучести кадров и т. п.

Факторы, влияющие на предложение рабочей силы:

динамика численности трудоспособного населения;

структура трудоспособного населения по полу, возрасту;

миграция работников.

Важно помнить, что выбор профессии тогда удачен, когда работа доставляет человеку удовлетворение от деятельности. Это означает, что она соответствует физическим и духовным способностям человека, его интересам, знаниям и умениям [3].

на дополнительное обучение молодых специалистов на рабочем месте;

- компенсацию результатов их некачественного труда;
- выплату пособий безработным гражданам;
- психологическую реабилитацию безработных и поиск для них новой работы;
- содержание штата и помещений социальных служб для безработных.

Для качественной организации предпрофессиональной подготовки очевидна необходимость обращения к проблемам профессиональной ориентации учащихся, которые являются значимыми в странах с высокой психологической культурой.

Профориентация представляет собой системную деятельность, включающую целевые установки, задачи, принципы, формы, методы, критерии эффективности, уровни, направления, аспекты и другие системно- и структурообразующие элементы.

На эффективность профориентации влияет множество различных объективных и субъективных факторов. Эта система трудно поддается организации и управлению. При неизменной общей цели конкретные цели и задачи каждой школы зависят от потребностей кадров в тех или иных профессиях, степени остроты этих потребностей, от возможностей и условий в данном регионе или городе. Успешная реализация поставленных целей и задач в значительной степени зависит и от качества работы по каждому из этих направлений [4].

Формирование социальной и профессиональной мобильности учащихся учреждений общего среднего образования. Если предыдущие поколения приобретали профессию на всю жизнь, то нынешнее должно быть готово к смене профессиональной деятельности и обладать профессиональной мобильностью, поскольку быстро меняются производственные условия. Так, в соответствии с развитием общества профессия не выступает больше как центр, вокруг которого разворачивается жизненный цикл человека, а как одна из возможных форм социальной адаптации и самореализации личности. В современных условиях профессиональная мобильность является характеристикой, без которой невозможна полноценная реализация личности в обществе. Современный человек, чтобы почувствовать себя успешным, должен быть профессионально мобильным. Закладывать основы профессиональной и социальной мобильности необходимо в школьном возрасте. Главной целью системы образования становятся подготовка и воспитание не только интеллигентной, высокопрофессиональной, творческой личности, но и создание условий для воспитания личности, готовой к профессиональной мобильности, личности гибкой, умеющей быстро приспосабливаться к любым изменениям, самостоятельной, инициативной. Динамичные структурные изменения в сфере занятости обусловливают потребность в повышении профессиональной квалификации и переподготовке работников, т. е. их профессиональной мобильности.

Определение «профессиональная мобильность» традиционно включает в себя способность специалиста менять профессию, место и род деятельности. В то же время динамика общественной жизни вносит свои корректиры в данное понятие, не ограничивая профессиональную мобильность рамками

одной отрасли и рассматривая возможность профессиональной и личностной самореализации в любой сфере социально – экономической деятельности. Подобную готовность будущий специалист может приобрести в образовательной системе, которая сама обладает характеристиками мобильности. В силу жесткости организационной структуры система общего среднего образования не способна к быстрому перестраиванию. Следовательно, для того чтобы получить выпускника, готового к освоению различных профессий, готового осваивать новые знания на протяжении всей жизни, способного работать в изменяющихся социально-экономических условиях, необходимо создавать, осваивать и развивать новые концепции и технологии формирования профессиональной мобильности в рамках сложившейся образовательной структуры [5].

Главная идея концепции понимания сущности психологических основ профессиональной мобильности личности объединяет три взаимосвязанные аспекты: методологический, содержательный (социально-психологический), инструментальный.

Методологический аспект представляет собой взаимосвязь и взаимодействие научных подходов к решению исследуемой проблемы, а именно:

аксиологического, актуализирует мотивационно-ценостную сферу человека как движущую силу формирования личностно-профессиональных качеств, где профессиональная мобильность является элементом внутренней структуры личности, который выражает ее субъективное отношение к общественно значимым ценностям профессиональной деятельности;

компетентностного, ориентированного на формирование деятельностно-ролевых характеристик (знаний, умений, навыков, отношений, опыта) и профессиональной позиции специалиста как интегративного личностного образования, отражает готовность личности к профессиональному росту, овладение приемами самореализации в рамках новых видов профессиональной деятельности;

личностно-деятельностного, основанного на диалектическом сочетании задач профессиональной подготовки специалиста с его индивидуальной траекторией самореализации и развития личностно-профессиональных качеств, среди которых интегративной является профессиональная мобильность [6].

Содержательный (социально-психоло-

гический) аспект, включает систему философских, социологических, психологических, культурологических, социально-психологических дефиниций, положенных в основу раскрытия содержания феноменологии профессиональной мобильности, понимания данной категории как своеобразного личностного ресурса, лежащего в основе эффективного преобразования окружающей среды и личностью самой себя; системного многоуровневого явления, которое требует интегрированного, междисциплинарного подхода к исследованию; внутреннего (мотивационно-интеллектуально-волевого-адаптационно-коммуникативного) потенциала личности, лежащего в основе гибкой ориентации и деятельностного реагирования в динамических социальных и профессиональных условиях в соответствии с жизненными установками, обеспечивающего готовность к изменениям и реализацию этой готовности в собственной жизнедеятельности; детерминирующего профессиональную активность, субъектность, творческое отношение к профессиональной деятельности, личностное развитие, способствующие эффективному решению профессиональных проблем.

Инструментальный аспект предусматривает разработку организационно-методического сопровождения формирования профессиональной мобильности специалиста на этапе его переквалификации, социально-психологических технологий, направленных на обеспечение положительной динамики определенного процесса, обоснование критериев, показателей и степени сформированности профессиональной мобильности студентов в контексте их профессиональной переподготовки.

Основными методологическими тезисами исследования психологических основ профессиональной мобильности личности могут служить следующие:

- сочетание субъектного подхода с запросами общества (сконструированная модель картины мира не должна противоречить общественным запросам и моделям);

- профессиональная мобильность как интегративное качество личности может проявляться в поведенческом, когнитивном и интегративно-личностном компонентах;

- профессиональную мобильность целесообразно исследовать во взаимосвязи с профессиональной идентичностью;

- профессиональная мобильность высту-

пает механизмом социально-психологической адаптации личности.

Профессиональная мобильность рассматривается:

- как основа эффективного реагирования личности на вызов современного общества, своеобразный личностный ресурс, который лежит в основе действенного преобразования окружающей среды и самого себя в ней;

- системное многоуровневое явление, требующее интегрированного, междисциплинарного подхода исследования;

- внутренний (мотивационно-интеллектуально-волевой) потенциал личности, что лежит в основе гибкой ориентации и деятельностного реагирования в динамических социальных и профессиональных условиях в соответствии с собственными жизненными позициями, обеспечивает готовность к изменениям и реализацию этой готовности в своей жизнедеятельности (готовность личности к современной жизни с ее многоаспектными факторами выбора).

Интегративным признаком становления профессионально мобильного специалиста выступает стойкая готовность личности к динамичной профессиональной деятельности, которая предопределяет совокупность черт и характеристик как самой деятельности, так и ее субъекта.

Концептуальные основы процесса формирования профессиональной мобильности будущих работников закладываются в учреждении образования на учебных занятиях по трудовому обучению, при изучении гуманитарных и естественнонаучных учебных предметов. Однако, используя весь педагогический потенциал учебных предметов для формирования основ профессиональной мобильности личности, мы будем иметь только теоретически подготовленного молодого человека, не готового к профессиональной мобильности в реальных условиях. Сочетание теоретической подготовки и организованных социальных практик в реальных условиях – вот главное условие формирования социально-профессиональной мобильности [7].

В заключении можно сказать, что комплексный анализ научно-педагогических работ, посвященных исследованию проблем профессионального ориентации в системе непрерывного образования, показывает, что на сегодняшний день по-прежнему существуют противоречия и тенденции, определяющие его развитие. С этой точки зрения одна из

важнейших проблем заключается в том, что в традиционной парадигме профессионального образования сегодня профессиональная подготовка инженеров на всех уровнях его развития (начальный, средний, высокий) количественно не соответствует потребностям. Одним из выходов из этого конфликта является-

создание дуальной системы образования, обеспечивающей единую методологическую основу для подготовки специалистов профессионального образования, способных обеспечить новое качество профессионального образования.



Используемая литература:



1. Закон Республики Узбекистан от 24 сентября 2020 года «Об образовании»
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 6 сентября 2019 года №УП-5812 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования»
3. Ш.Эргашев На пути к образованному человеку (классный час для 7-9-х классов). «Школа и жизнь» научно-практический журнал, 2004 г. № 4
4. Ш.Эргашев Профессиография и понятие профессии. «Школа и жизнь» научно-практический журнал, 2005 г. № 2
5. Ш.Эргашев Организация профессиональной ориентации в школах: опыт Узбекистана. Образование через всю жизнь. Теория и практика непрерывного образования: Труды международного сотрудничество. Том 2. Санкт-Петербург 2008. 122-127 с.
6. Тидеманн Б. Дуальная система – немецкая форма профессионального образования // «Образование и наука», 2011, № 6, с. 112-123.
7. Ашурова С.Ю. Профессиональная компетентность как объект оценки // Молодой ученый. – 2012. - № 4. – С. 414-417.

КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ – ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ СИФАТИДА

К.М.ГУЛЯМОВ

**Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти,
педагогика фанлари номзоди**

Аннотация. Ушбу мақолада компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш муаммосининг таълим амалиётидаги ҳолати ҳақида сўз боради. Шунингдек, компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мамлакатимиз педагогика фанининг бугунги кундаги энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги далиллар асосида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: амалий санъат, нақш, нақошлиқ, бўлажак амалий санъат ўқитувчилари, анъана, хунарманд, мактаб.

Аннотация. В статье рассматривается состояние проблемы подготовка будущих учителей прикладного искусства к профессиональной деятельности на основе компетентностного подхода. Также подробно освещен совершенствование системы подготовки будущих учителей прикладного искусства на основе компетентностного подхода является сегодня одной из самых актуальных проблем педагогики в нашей стране.

Ключевые слова: прикладное искусство, узор, роспись, будущие учителя прикладного искусства, традиция, ремесленник, школа.

Annotation. This article discusses the state of the problem of training future art teachers for professional activities in educational practice on the basis of a competency-based approach. It is also detailed that the improvement of the system of training future teachers of applied arts on the basis of a competent approach is one of the most pressing problems of pedagogy in our country today.

Keywords: applied arts, pattern, painting, future applied arts teachers, tradition, craftsmanship, school.

Ўзбекистонда бадиий ижодиёт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимида ўзига хос мактаб яратилган. Айниқса, тасвирий санъат бўйича тайёрланаётган маҳаллий мутахассислар жаҳон миқёсида эътироф этилаётганлиги бадиий таълимнинг мазкур соҳаси самарали фаолият олиб бораётганигидан далолат беради. Бироқ, бу мактабнинг заминини, асосан, Европа тасвирий санъат таълими амалиётида қўлланилган ёндашувлар ташкил этади. Тарихи узоқ ўтмишларга бориб тақаладиган амалий санъат соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш борасида оммавий тарзда қўллашга тавсия этиладиган илмий асосланган таълим тизими шаклланган эмас.

Дунёнинг кўпгина халқларининг амалий санъати мавжуд. Бироқ, Ўзбекистон амалий санъати ўзининг шакл-шамойили, бадиий безаклари, эстетик хусусиятлари, шакл ва мазмун мутаносиблиги, функционал параметрлари билан ажralиб туради. Бу омил, айниқса, нақошлик, ёғоч ва ганч ўй-макорлигига яқол намоён бўлади. Бўлажак тасвирий санъат мутахассислари тайёрлаш борасида узоқ тарихга эга дунё миқёсидаги тажрибалар мавжуд бўлса-да, айнан амалий санъат соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлашнинг илмий асосланган мазмуни ва методикаси, педагогик шарт-шароитлари, қўлланиладиган ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлиги, биринчи навбатда, бўлажак амалий санъат ўқитувчилари тайёрлашни долзарб муаммолардан бири сифатида эътироф этишга асос бўлади.

Зеро, тасвирий санъат ўқитувчилари тайёрлашнинг хорижий тарихий ва замонавий тажрибаларини модернизациялаштириш асосида улардан маҳаллий шароитда фойдаланишнинг педагогик технологиялари ҳамда педагогик механизmlари ишлаб чиқилган бир даврда амалий санъат бўйича мутахассилар тайёрлаш, асосан, устоз-шогирд анъаналари бўйича амалга оширилади. Айни пайтда амалий санъат ўқитувчилари тайёрлашнинг илмий-методик жиҳатдан асосланган ҳамда оммавий тарзда қўллашга тавсия этиладиган тизими мавжуд эмас. Соҳа бўйича амалдаги ҳолатнинг таҳлилларидан аён бўладики, мамлакатимиздаги кўпгина олий таълим муассасаларида “Бадиий безак санъати”, “Амалий санъат”, “Амалий санъат асарларини таъмирлаш”, “Нақошлик”, “Ганчкорлик”, “Ёғоч ўймакорлиги” “Меъморий безак турлари”, “Миниатюра” ҳамда бадиий хунар-

манҷиликнинг кўпгина турлари ўқитилса-да, амалий санъат ўқитувчиси тайёрлашнинг оптималь механизмлари яратилган эмас. Олий таълимдан ташқари амалий санъатга ихтиослаштирилган ўрта маҳсус таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларида ҳам амалий санъат ўқитилса-да, бу жараёнда, асосан, тасвирий санъат ўқитувчилари, шунингдек, халқ усталари педагогик фаолият юритадилар. Демак, таълимнинг бу турларида ҳам юксак профессионал салоҳиятга, юқори касбий компетенцияга эга бўлган амалий санъат ўқитувчиларига бўлган ижтимоий-педагогик талаб ва эҳтиёжни мутахассис тайёрлаш тизимини такомиллаштириш билан қондириш мумкин.

Юқорида келтирилган далилларга умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўкув фанининг мазмунидаги амалий санъатга оид мавзуулар 15,6 фоиз (2 – 7-синфларда мос равища 11,7; 14,7; 5,8; 17,6; 17,6; 41,6 %)ни ташкил этиши компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мамлакатимиз педагогика фанининг буғунги кундаги энг долзарб муаммоларидан бири эканлигидан далолат беради.

Мактаб ёшидаги ўкувчиларда бирон бир касб ёки хунар ўрганишга мойиллигини, лаёқатини эрта аниқлаб, йўлланма бериш муҳим ҳисобланади. Билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашда муҳим ўрин тутиши тажриба жараёнида намоён бўлади. Чунки ўкувчилар ўзбек халқ амалий санъатининг асосини нақошлик ташкил этиши, қадимги Шарқ меъморчилик санъатининг бетакрор композициялари, ганч, ёғоч ўймакориги ва амалий санъатнинг бошқа турларида нақш композициялари ўзининг чироий, гўзаллиги ва нағислиги билан бутун дунёга машҳулиги ҳақидаги маълумотга эга бўладилар. Нақошликнинг энг асосий принциплари – уйғунлик, мутаносиблик, колорит ва усулларнинг вужудга келиши тарихи ва уларнинг аҳамияти билан танишадилар. Нақошлик анъаналари (санъатнинг ана шу турини ўргатиш методлари сифатида ҳам), унда рангнинг табиий жилоси, бежирим шакли, олий намуналари бой ижодий фантазияси ҳақидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар. Шундай экан, ўсмир ёшдаги ўкувчи ўзбек халқ амалий санъатига бўлган қизиқи-

шини шакллантириши ва уни маҳсус қасб-хунар таълимида давом эттириши лозим.

Маълумки, ўзбек ҳалқи қадимдан бой тарихга эга. Миллатимизнинг ижтимоий ҳаётида нақошлик санъати кенг тарқалган бўлиб, авлоддан-авлодга анъана асосида ўтиб келиш билан бирга, жамият ҳаётида миллий қадрият сифатида чуқур ўрин эгаллаб келган. Шунинг учун ҳалқ амалий санъатининг нақошлик тури қадим даврлардан бошлаб инсон ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланган. Буни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз ва бошқа шу каби шаҳарларнинг қадими ёдгорликларида кўриш мумкин. Ушбу ёдгорликларда тасвирланган нақшу нигорлар ўзининг ранг-баранглиги, юксак бадиий савияси, фалсафий ва маънавий мазмуни билан бирга бир неча асрлар давомида бутун дунё аҳлини ўзига ром қилиб келмоқда.

Демак, қадим-қадимдан нақш санъати ўзининг гўзаллиги билан инсон меҳр-муҳаббатини, ақл-заковатни ўзига ром қилиб келган. Устанинг нозик қўли билан яратилган ушбу нақш санъатида ҳар бир чизиқка жон бағишланган. Чунки ундаги безаклардаги банд, барг, ғунча, гул кабиларнинг ранглари алоҳида диққатга сазовордир. Асрлар давомида ривожланган нақошлик санъати бугунги кунгача етиб келган ва унинг ўсиб келаётган авлоднинг бадиий дидини тарбиялашда аҳамияти катта.

Нақошлик ҳалқ амалий безак санъатининг бир тури сифатида қадимдан ўзбек маданиятининг муҳим бўлаги ҳисобланиб, кўп асрлар мобайнида унинг бадиий анъаналари вужудга келди ва ривожланди. Нақошлида санъатнинг бошқа турларидан фарқли равишда авлодларнинг чамбарчас боғлиқлигини, миллий анъаналарнинг давомийлигини кўриш мумкин. Нақошлик анъаналари санъатнинг ана шу турини ўрганиш методлари сифатида ҳам бободан отага, отадан ўғилга ўтиб келган. Ана шу ворисийлик принципига асосланган давомийлик тифайли нақошлик санъати ҳозиргacha сақланиб келмоқда. Нақшнинг энг яхши намуналари бой ижодий фантазия орқали бирлаштирилган шаклларнинг мақсадга мувофиқлиги ва гўзаллиги билан фарқланади. Бунда ҳалқ усталарининг атроф-муҳитга қарашларидаги тафовут акс этади. Нақшдаги чизгилар ўйини мусиқадаги оҳанг сингари, қўшиқ ва эртак каби «ҳалқ ҳаётий тажрибасининг катта умумлашмасидан» таркиб топгандир [1, 22-б.].

Нақошлик санъатининг тарихи ҳақида фикр юритар эканмиз, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашлари уларнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули ҳалқ амалий санъати асарларида ўз ифодасини топган.

Инсоният ўзи учун зарур ҳисобланган барча кийим-кечак, уй-рўзғор анжомларини доимо такомиллаштириб безаб келади. Маълумки, ҳар қандай бадиий безатилган буюм ва жиҳозларнинг ўз безатилиши усуллари ва материалларга бадиий ишлов бериш босқичлари мавжуд. Бундай безак ва ишлов берилиб ясалган буюмлар кишиларга эстетик завқ бағишлаб, ҳаётга бўлган муҳаббатларини янада оширади. Қўли гул усталаримиз томонидан сайқал топаётган заргарлик, пичоқчилик, каштачилик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлик буюмларининг асосини нақошлик ташкил этиб, нафақат бугунимиз, балки, келажак авлодларимизнинг ҳам тарихий бойликлари, маънавий қадриятлари бўлиб ҳисобланади.

Биноларни нақшлаш билан биргаликда, уй-рўзғор буюмларига ҳам нақш бериш ҳунари ривож топиб борган. Ўрта аср миниатюралари ана шундан далолат беради. Нақшли буюмлар авлоддан-авлоддага ўтиб келган, ҳам бадиий жиҳатдан, ҳам хизмат қилиш нуқтаи назаридан такомиллашиб борган ва узоқ муддатли синовларга бардош берган. Улар одамларнинг руҳий, ахлоқий ва жўшқин ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган. Ўзларининг шакл-шамойиллари, ранг-баранглиги, нағислиги, пишиқлиги жиҳатидан ягона композицион маъно касб этиб, турмушга осонлик билан сингиб кетган. Хонтахталар, қутичалар, қаламдонларга жило ва безак беришда умумий бир қоидага таяниш, нақшлар талқинидаги бир-бирига яқинлик, ҳудди мана шундан келиб чиқади [3, 9-б.].

Нақошлик санъати ёғоч буюмларга жило беришда асосий ўрин эгаллаган ва у биноларни безашда кенг қўлланилган. Шу билан бирга, у рўзғор буюмларини ясашда ҳам кенг қўлланилган. Жумладан, жавон, қути, қаламдон, серҳашам хонтахталар, миллий мусиқа асблолари, шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Европа шаҳарлари аҳолисига манзур бўлган кўп қиррали курсилар кенг ишлатилган.

Юқоридагилардан хуласа қилиб айтиш мумкини, нақошлик санъати амалий санъатнинг ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги,

бадиий кулолчилик, гиламдўзлик, каштачилик ва амалий санъатнинг бошқа турларининг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг анъанавий меморчилигида нақошлиқдан нафақат бино безакчилигига, балки ёғочдан ясалган буюмларни безашда ҳам кенг қўлланилган. Буларга мебеллар, совғалар, мусиқа асблори ва уй-рўзгор буюмлари киради (кутича, хонтахта, стол, стуллар, шахмат столи, туздон, нон идиш, қошиқ, лаган, сандиқ ва ҳ.к.).

Кейинги йилларда ўзбек халқ амалий безак санъатига эътибор янада кучайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг “Республика олий таълим муассасаларида Санъатшунослик факультетларини ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 майдаги 404-сонли буйруғига асосан Андижон, Наманган, Фарғона, Гулистон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термез, Ургенч, Қорақалпоқ давлат университетларида ҳамда Жиззах ва Навоий педагогика институтларида Мусиқа таълими, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналишлари негизида Санъатшунослик факультети ташкил этилди. Шунингдек, бу олий таълим муассасаларида факультет структурасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, 2019-2020 ўкув йилидан бошлаб 5151200 – Амалий санъат: турлари бўйича таълим йўналишига бакалаврлар қа-

були йўлга қўйилди. Мазкур ташкил этилган факультетларнинг амалий санъат таълим йўналишларида олиб бориладиган аксариёт фанларда нақошлиқ санъати асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, Наманган давлат университетининг санъатшунослик факультетидаги 5151200 – Амалий санъат (бадиий кулолчилик) бакалавриат таълим йўналишида ўтиладиган еттита фаннинг 60 фоизини ва Самарқанд давлат университети, 5151200 – Амалий санъат (тарихий обидаларни таъмирлаш) бакалавриат таълим йўналишида ўнта фаннинг 65,9 фоизини умумкасбий фанлар, танлов фанлар, ихтисослик фанлари блокларида нақошлиқ санъати бўйича мавзулар ташкил этади (Ўзбек халқ амалий безак санъатида нақошликтининг тутган ўрни; нақошлиқ санъатининг ўзига хослиги ва бадиий-эстетик моҳияти; турли шаклларга мос нақш композицияси ишлаш; шаклнинг бадиий ечимини очиб берувчи нақш; интеръер ва экстеръерни бадиий безаш учун ишланган ислими нақши ва б.).

Дарҳақиқат, бизнинг илмий-тадқиқотимиздан кўзланган асосий мақсад олий таълим муассасаларида амалий санъатдан малакали педагог кадрлар тайёрлашнинг компетенциявий ёндашувга асосланган тизимини такомиллаштириш ва уни амалиётга жорий этишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Азимов И.М. Ўзбекистон нақшу нигорлари. [Росписи Узбекистана]. –Т.: Faafur Fулом, 1987. – 142 б.
2. Гулямов К.М. Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: ТО'YTEPA PRINT, 2020. – 156 б.
3. Қосимов Қ. Нақошлиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 160 б.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ БИЛИМ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАР НЕГИЗИДА МАТЕМАТИКА

ПРОФ.О.Х.ТУРАКУЛОВ ВА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТ Ў.Х. ҲАЛИМОВ

Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим муассасалари техника йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида математика ва мутахассислик фанларнинг ўзаро боғлиқлиги жиҳатидан ўқитиш аҳамиятилиги ёритилган.

Калит сўзлар: касбий, математика, билим, таълим, талаба.

Аннотация: В статье рассматривается важность взаимосвязанного обучения математике и специальностям в процессе подготовки студентов к профессиональной деятельности по техническому направлению высших учебных заведений.

Ключевые слова: профессионал, математика, знание, образование, студент.

Annotation: This article discusses the importance of interrelated teaching of mathematics and specialties in the process of preparing students for professional activities in the technical field of higher education.

Keywords: professional, math, knowledge, education, student.

Юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ривож-ланишнинг барқарорлашиши таълим тизимининг асосига бориб тақалади. Ҳозирги кунда таълимдан асосий мақсад, аввалгидек, айrim фан асос-ларини ўзлаштиришгина эмас, балки маълум мақсадга йўналтирилган билимлар тизимини, олинган билимларни келгусида кўллай билишни, мустақил фикрлашни шакллантиришdir. Олий таълим муассасаларида математика фани ва умум-касбий фанлар, маҳсус фанларнинг мазмуни биргалиқда талабаларни мустақил фикрловчи рақобатбардош кадрлар этиб тайёрлашга қаратилган.

Ижтимоий ҳаётда техника соҳалари бўйича ишчи мұхандислар тайёрлашнинг мұхим педагогик ва илмий асосларидан бири, талабаларни 1-курсдан касбга бўлган қизиқишини ривожлантириш ва уни мақсадли равища тақомиллаштиришдан иборатdir. Ҳозирги пайтда фан-техника ва ишлаб чиқариш технологияси шиддат билан ривожланмоқдаки, ҳар уч йилда ахборот кўлами икки баробар ортиб бормоқда. Бундан маълумки, олий таълим муассасаларида таҳсил олиш билан бир қаторда, касбий маҳоратлари, иш-ҳаракат усуллари мутахассиснинг ихтисослиги бўйича бир неча узоқ йиллар тўлақонли касбий фаолият кўрсатишига имкон бермаслиги мумкин. Ана шу холат мутахассисдан мунтазам равища мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз билим, касбий маҳоратини ошириб боришни талаб этади.[1]

Маълумки, мутахассислик фанлари мустақил равища касбга тайёргарликни етарли даражада амалга ошира олмайди, демак албатта умумтаълим фанлар, жумладан ма-

тематика фани билан алоқалари касбга тайёрлашни маълум даражада амалга ошириш учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Математиканинг техника билан алоқалари, кўпинча, ишлаб чиқарилган математик назариянинг берилган техникавий масалаларни ечишдан иборат бўлади. Математиканинг татбиқлари умуман олганда, ишлаб чиқариш технологиясида жуда турли-тумандир, унинг татбиқ доираси чегараланмаган: Борликдаги барча ҳодисалар, жараёнларни математик йўл билан ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин. Бунда ҳархил ҳодисалар учун қўлланиладиган математик қоидалар турличадир. Демак, математика фанини ўқитиш жараёнида фанлараро алоқаларга ва математика курсининг техник характеристига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, шунинг учун бўлажак мутахассисларни шундай ўқитиш керакки, у ўзгарувчан мұхитга эркин мослаша олсин, математика ва мутахассислик фанлари билан мустақил ишлаши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш қобилияtlарига эга бўлишлари керак. Талабаларга янгиланиш ва изланиш, замонавий меҳнат қилиш усулларига интилиш руҳини сингдириш зарур. Буни олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари асосий томойил сифатида қарашлари керак. Жорий этилган ўқув фанларининг умумий тузилмавий элементлари ўқитишида фанлараро алоқаларни комплекс равища амалга оширишнинг объектив асосини яратади: 1) ўрганишнинг илмий объектлари, маълумотлар; 2) тушунчалар, қонунлар, назариялар; 3) дунёқараш ғоялари; 4) тарихий муаммолар ва фан йўллари; 5) методологик асослар ва фан

усуллари; 6) билишнинг умумлашган йўллари; 7) ўзига хос кўнима ва малакалар; ва 8) билимларнинг ғоявий-тарбиявий жиҳатларидир.[3]

Аслида илм - бу янги билимларга эга бўлишга интилиш ва фаолиятнинг натижасидир. Бинобарин, ўкув фани - бу инсон фаолият соҳасининг аниқ фанни ўрганиш жараёнидир. Яъни, талабаларда шаклланувчи билимлар, усуллар ва муносабатлар бирлигидир. Ўкув фанини абстракт даражада билимларнинг умумлашган модели кўринишида, ўқитиш фаолиятидан ва жараёнидан алоҳида ажратган ҳолда кўриб чиқиш, ундаги: бор объект, фаолияти йўллари, қанчалик даражада аҳамиятлигини ажратиб олиш имконини беради.

Талабаларнинг идрок қилиши жараёнида ахборотнинг бир неча вазифалари юқоридаги билимлар турининг асоси бўлиб хизмат қилади. Жумладан: 1) илмий, қаралаётган обьектнинг моҳиятини очиб берувчи, у ҳакида субъектга ушбу обьект борлигини кўрсатиш мақсадидаги етказиладиган илмий билимлар; 2) обьект тўғрисидаги билим, кўнима ва малакаларни қандай ўрнатилганлигини кўрсатувчи эканлигини кўршивиз табиий.

Техника олийгоҳларида кичик мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми ўқитишининг мазмуни ва жараёнини фанлараро алоқаларни назарда тутган ҳолда шакллантириш ҳисобланади. Математика ва мутахассислик фанлари профессор-ўқитувчилари билимларнинг умумий ўкув-тарбиявий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган тарзда умумлаштирилиши асосидаги ягона ёндашувни таъминлаши керак. Бу педагоглар олдига талабаларнинг билимларини ягона, яхлит шакллантириш, уларнинг бўлғусида етук мутахассислар бўлишларида, касбий фаолияти учун мустаҳкам пойдевор бўлишини таъминлаш вазифасини қўяди. [4]

Олий таълим муассасалари техника йўналишлари таълим тизимида математика ва мутахассислик фанларнинг узвий боғлиқлиги, педагогик шартларини ифодалаш имконини берди. Олий таълим тизимида фанлараро алоқаларни амалга оширишнинг педагогик шартлари қуидагиларни таъминлашдан иборатdir: 1) ўқитиш

мазмунидан келиб чиқиб, илмийлик ва соддалик; 2) математика ва касбий тайёргарлик фанларининг умумийлиги; 3) касбий таълимнинг политехник ташкил этувчиси муҳимлиги; 4) мутахассислик фанлар бўйича ўкув дастурлари ва дарслекларнинг ўзаро мувофиқлиги; 5) ўкув дастурлари мазмуни, ўқитишининг усул ва воситаларининг ўзаро боғлиқлиги; 6) таълим жараёнига умумлаштирувчи дарслар, тажриба синов дарслари, семинарлар, экспурсиялар, анжуманлар шаклида мажмуали ёндашиш; 7) фанлараро ўкув муаммоларини жамоавий ҳал этиш усуллари, ўкувчиларнинг билишга бўлган қизиқишиларига мос келувчи индивидуал топшириклар билан бирга кўллаш; 8) бошқа фанлар бўйича дарсларда шакллантирилган тушунчаларни жалб этиб, аниқ ўкув материалини ўрганиш зарурлигини назарда тутувчи, мажмуали фанлараро алоқалар; 9) талабаларнинг билиш қобилиятларини, фаолликларини, қизиқишиларини, аклий фаолиятларини ривожлантириш, билим сифатини яхшилаш кабиларни тамиллаш керак.[2]

Бу шартлар фақат математика ва мутахассислик фанлари алоқалар ёрдами билан ҳал этилиши мумкин.

Демак, шундай хуласа чиқаришимиз керакки, математика ва мутахассислик фанлари алоқалари талабаларнинг билиш фаолиятлари самарадолигини янада оширишнинг муҳим дидактикаси ҳисобланади: Биринчидан, барча мутахассислик фанлари мазмунини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама ўзаро алоқада ва ўзаро мувофиқлиқда очиб бериш, ўз навбатида, ўкув ахборотини изчил ва мунтазам ўзлаштиришга имкон беради; иккинчидан талабаларнинг билиш фаоллигини янги билимларни бошқа мутахассислик фани билимларини жалб қилишга ёрдам беради; учунчидан талабаларда янги билимларни ўзлаштириш, умумкасбий фанларни билиш ва амалий фаолиятларида улардан тезроқ қўлланиш қобилиятларини шакллантиришни пайдо қиласи, бу эса математика фани билан шуғулланишнинг меваси, яъни ақлнинг мантиқийлик, ўзгарувчанлик, танқид қилиш, шунингдек таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, исботлаш, рад қилиш кўникмаларининг муваффақиятли ривожланишига қўмак беради.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Алиматова Г.Р. Коллеж ўкувчиларининг математик тайёргарлигини касбга йўналтириш методикаси (саноат касб-хунар коллежлари мисолида). Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертасияси. Т. 2004 й.
2. Мұслимов И.А., Болтабоев С.А., Шарипов Ш.С. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб таълими йўналиши магистрантлари учун қўлланмана. Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ 2003 йил
3. Туракулов.Х.А.,Туракулов О.Х., Туракурова И.Х. Туракулов У.Х. “Илмий тадқиқот асослари: 1000 саволга 1000 жавоб” Тадқиқчилар учун ёрдамчи дидактик кўлланма.- Т.: “Фан ва техология”, 2019
4. Туракулов О.Х.,Убайдуллаев С., Хамидов Ж.А. “Касб таълими мутахассисларини тайёрлашга тизимли ёндашиш”. // Касб - хунар таълими. илмий - методик журнал . - Тошкент 2001 №1

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

О.Э.МАМАРАЖАБОВ – Низомий номидаги ТДПУ

Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада таълим тизимини модернизациялаш шароитида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда замонавий, касбий компетентли ёндашув, инновацион компетентлилик, педагогик фаолият ва амалий-йўналтирилган таълим асосидаги ёндашувлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Таълим тизими, модернизациялаш, ўқитувчи, замонавий, компетентли, касбий, ёндашув, фаолият, компетенция, компетентли педагог.

Аннотация. В статье представлен современный профессионально-компетентностный подход к подготовке будущих учителей в условиях модернизации системы образования, основанный на инновационной компетентности, педагогической деятельности и практико-ориентированном обучении.

Ключевые слова: Система образования, модернизация, педагог, современный, компетентный, профессиональный, подход, активность, компетентность, грамотный педагог.

Abstract. In the state presented a modern professional-competent approach to the preparation of future teachers in the conditions of modernization of the education system, based on innovative competence, pedagogical activity and practical-oriented training.

Key words: System of education, modernization, pedagogue, modern, competent, professional, approach, activity, competence, literate pedagogue.

Бугунги кунда касбий таълим соҳасининг мазмунини янгилаш, ривожлантириш, такомиллаштириш жараёнлари олиб борилмоқда, бунинг натижаси таълим стандартларини модернизациялаш, таълим жараёнини ташкил этишининг янги шаклларини қўллашга қаратилган. Мамлакат таълим тизимини модернизациялашнинг бош мақсади ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга тўла жавоб бера оладиган таълимнинг янги сифатига эришиш белгиланган.

Олий таълим соҳасида Давлат таълим стандарт(ДТС)ларининг жорий қилиниши мутахассисларнинг тайёргарлиги сифатини минтақавий меҳнат бозори талабларига мослаштиришга йўналтирилган. Иш берувчилар малакали, рақобатбардош мутахассисни – ўз касбий фаолиятида компетентли, ўзгарувчан ишлаб чиқариш шароитларига тезда мослаша оладиган ходимлар тайёрланишини талаб қиласидар.

Ҳозирги кун ўқитувчисига доимий ўзгарувчан шароитларда иш олиб боришга тўғри келмоқда, бу ўз навбатида унинг касбий сифатлари такомиллаштирилишини талаб қиласидар. Педагогик назария ва методикаларнинг доимий ривожланиши, педагогик амалиётга ўқитиш ва тарбиялашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий қилиш ҳозирги кун ўқитувчининг таълим технологиялари соҳасида қўшимча тайёргарликка эга бўлиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда таълимни ривожланти-

ришнинг мақсадли дастурига мувофиқ таълим тизимини модернизациялаш, кадрларни қайта тайёрлаш, ўқув жараёнини ахборотлаштириш, ахборот маконларини яратиш кабиларни амалга ошириш зарур. Санаб ўтилган талаблар янги миллый таълим тизимининг шаклланишига, инсон капиталининг ривожланишига, мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Педагог кадрларнинг билимларини, компетенцияларини доимий янгилаш ва бутун таълим тизимини такомиллаштириш учун шарт-шароитларни яратиш лозим. Таълим жараёнига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши таълим олувчиларни долзарб билимлар билан таъминлаш учун ўз касбий фаолиятига янги ёндашувларни олиб кириш ва уларни ўзлаштириши даражасининг ортишига имкон беради. Таълим тизимини модернизациялаш таълим олувчиларнинг ҳам таълим олиш фаолиятидаги ўзгаришларни кўрсатади.

Олий таълим тизимини модернизациялаш бугунги кунда компетентли ёндашувга таяниб, бу ёндашув нафақат касбий фаолият компетенцияларининг шаклланишини, балки бўлажак мутахассиснинг шахсий сифатлари юзага чиқарилишини ҳам кўзда тутади. Олий таълим стандартида бўлажак мутахассисга меҳнат бозоридаги рақобатбардошлилик, ўз касбини эркин эгаллаганлик ва фаолиятнинг турдош йўналишларида йўналишни топа олиш имкониятлари

ҳақида талаблар қўйилади – буларнинг бар-часини компетентли ёндашув шароитларида-гина юзага чиқариш мумкин.

“Компетенция” тушунчасининг таърифла-ридан келиб чиқиб (бу тушунча эса ўз навба-тида ҳамма томонидан бир хилда талқин қи-линавермайди), кўпчилик муаллифлар уни мутахассиснинг ўзи олган билимларини ама-лиётда қўллай олишга тайёрлиги, бошқалари эса муаммоларни ҳал қила билиш қобилятия-тарзида таърифлайдилар.

Лотинчадан таржима қилинганда “компе-тенция” сўзи киши бирон-бир масала доира-сида яхши хабардор эканлигини билдиради-ган, тажрибага эга эканлигини кўрсатадиган тушунчани ифодалайди.

Олий таълим бўйича ДТС га мувофиқ компетенция – бу маълум бир соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун билим, маҳорат ва шахсий сифатларни қўллаш қобиляти-дир.

Компетентли ёндашув муаммосига му-рожаат қилиш “компетенция” ва “компетент-лилик” тушунчаларининг бир-биридан ажра-тилишини талаб қиласди, чунки, уларнинг педагогик адабиётларда [6] етарлича кўп ишлатилишига қарамасдан мазкур тушунчаларни ҳозирги вақтларгача бир хил маънода талқин қилиш вариантлари мавжуд эмас.

“Компетентлилик” тушунчаси (лотинча *competentia, compete* – биргалиқда эриша-ман, уddyalaiman, мос келаман, тўғри кела-ман маъноларидаги сўзидан ҳосил қилинган) луғатларда бир хилда талқин қилинмайди, балки “бирон-бир нарса ҳақида фикр юри-тишга имкон берувчи билимларга эгалик” ва “хабардорлик, ваколатлилик”, “обрўга эгалик, тўла ҳуқуқлилик” каби вариантларда қўллани-лади [2;3].

Компетентли ёндашув гоялари бир қанча хорижий тадқиқотчи-олимларнинг ишларида кўриб чиқилган. Компетентли ёндашув олий таълим муассасаларида мутахассисларни касбий тайёрлашнинг мақсади сифатида ком-петентлиликнинг белгиланишига асосланади. Компетентли ёндашув таълим олувчилар то-монидан ҳар хил ҳаётий ва касбий вазиятлар-да самарали ҳаракат қилишга имкон берувчи турли ҳилдаги маҳоратнинг ўзлаштирилиши-ни кўзда тутади.

Компетентли ёндашув олий таълим му-ассасалари битирувчилари модели асосига қўйилади ва олий таълим бўйича ДТС дои-расида юзага чиқарлади. Битирувчи модели унинг касбий малакасини таълим натижала-

рига умум ўкув фанлари талаблари билан бирлаштиради ва бунинг натижасида бўлажак информатика ўқитувчисининг тайёргарлиги компетентли ёндашув мантиғида амалга оши-рилиши ҳамда олий таълим муассасаси бити-рувчисининг касбий компетентлилиги шакл-ланишига олиб келиниши лозим.

Касбий компетентлилик “ўқитувчи томо-нидан унинг педагогик фаолиятини, педагогик мулоқотини ва ўқитувчи шахсини маълум бир қадриятлар, ғоялар ва педагогик онг ташувчи-си сифатида шаклланганлигини белгиловчи билим, маҳорат ва кўнкималарнинг зарурий ҳажмини эгаллаганлиги” сифатида талқин қилинади [4].

Педагогик фаолиятни етарлича юқори даражада амалга ошира оладиган, ўкувчи-ларнинг ўқитилганлиги ва тарбияланганли-гида яхши натижаларга эришадиган ҳамда шахс сифатида ўзини юзага чиқара оладиган ўқитувчи касбий компетентли бўлиб ҳисобла-нади.

- касбий педагогик билимлар билан;
- касбий педагогик маҳорат билан;
- ўқитувчининг ҳам билиш соҳасига, ҳам мотивацион соҳасига тегишли бўлган касбий аҳамиятли сифатлари билан;
- касбий педагогик позицияси билан;
- ўқитувчининг хулқ-атворини белгилай-диган (ўкувчиларга, ўзига, ҳамкасларига) барқарор муносабатлари тизими билан.

Ўқитиш жараёнида шакллантириладиган билим, маҳорат ва кўнкималар кўпинча реал ҳаётдаги вазиятларда кераксиз бўлиб қолади. Уларнинг бундай ўзига хослиги бўлажак ўқитувчиларнинг энг биринчи ўринда, мосла-шувчан, мобиль билимлари ва улардан турли хил, шу жумладан, типик бўлмаган вазиятлар-да ҳам фойдалана олиш маҳоратининг шакл-лантирилишига қаратиладиган касбий ҳамда методик тайёргарлиги мазмунига бўлган ўзига хос талабларни биринчи ўринга олиб чиқади [1].

Модернизациялаш даврида ўқитишнинг амалий-йўналтирилган жараёнини шундай тарзда ташкил этиш долзарб бўлиб қолади-ки, бунда таълим натижаси талабаларда ўқи-тишнинг, фикрлашнинг, тасаввурнинг, ижодий қобилятияларнинг, билишга барқарор қизиқиши-нинг ўз ички мотивацияси шаклланишида на-моён бўлиши керак. Ҳаётий муҳим, амалий жиҳатдан керакли билим, маҳорат ва амалий тажрибалар тизимини шакллантириш зарур бўлиб, бу бўлажак битирувчиларга ҳаётга ен-гил мослашиш ва унга фаол, ижодий муноса-

батда бўлишга имкон беради.

Амалий-йўналтирилган ўқитишнинг моҳияти таълим жараёнининг йўналишини мазмун компонентлари – умумий ва касбий компетенцияларнинг, янги билим, маҳоратни эгаллашнинг ва ҳаётий муҳим вазифа ҳамда муаммоларни ҳал қилишда улардан фойдаланишининг амалий тажрибаларии шаклланишининг яхлитлиги асосида тузишдан иборат бўлади.

Амалий-йўналтирилган таълим асосида фундаментал таълим ва касбий-амалий тайёргарликнинг оқилона уйғунлаштирилиши ётади. Амалий-йўналтирилган ўқитиш – бу ўқитишнинг бир тури бўлиб, унинг асосий мақсади бўлиб таълим оловчиларда бугунги кунларда иш берувчилар талаби мавжуд бўлган амалий ишнинг касбий компетенцияларини шакллантириш, шу жумладан, олинган компетенциялардан амалиётда қандай қилиб, қаерда ва нима учун фойдаланилиши лозимлигини тушунишининг шакллантирилиши ҳисобланади.

Ўқитишнинг касбий-йўналтирилган технологияларининг жорий этилишини энг самарали усули бу талабаларда уларнинг келгуси касбий фаолиятларида аҳамиятли бўлган шахсий сифатларнинг, шу жумладан, танлаб олинган мутахассислик бўйича функциональ мажбуриятларнинг сифатли бажарилишини таъминлайдиган билим, маҳорат ва қўникмаларнинг шаклланишига ёрдам беради. Амалий-йўналтирилган таълимнинг юзага келишини касбий йўналишли ва касбий йўналишга эга бўлмаган ўқув фанларини ўрганишининг контекстли имкониятларидан фойдаланиш билан боғланади.

Таълим жараёнида амалий-йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш ўқув фаолиятидаги ургуни ўзgartиради, таълим

ooooooooooooooooooooо Фойдаланилган адабиётлар: oooooooooooooо

1. Абдуразаков, М.М. Формирование профессионально направленных ИКТ-компетенций будущего учителя в условиях реализаций требований нового // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия Гуманитарные науки. 2014. № 13 (184). Выпуск 22. - С. 268-273.
2. Бермус, А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании [Электронный ресурс] // Интернет-журнал «Эйдос». - 2005. - 10 сентября. - Режим доступа: <http://www.eidos.ru/journal/> 2005/0910-12.htm.
3. Зимняя, И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. - 2003. - № 5. - С. 34-42.
4. Зеер, Э.Ф. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования // Высшее образование в России. - 2005. - № 4. - С. 22-28.
5. Sharipov D., Abdukadirov A., Khasanov A. and Khafizov O., «Mathematical model for optimal siting of the industrial plants,» 2020 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), Tashkent, Uzbekistan, 2020, pp. 1-3, doi: 10.1109/ICISCT50599.2020.9351476.
6. Hasanov A.A. Didactic Foundations of Interdisciplinary Connections at Subject Teaching // Eastern European Scientific Journal Germany, 2018. No. 6. P. 127-130.

оловчиларни репродуктив фаолиятнинг улушки қисқариши ҳисобига интеллектуаль ривожланишга ундейди.

Амалий-йўналтирилган ўқитиш доирасида таълим оловчиларнинг ички мотивацияси ривожланади, чунки муҳокама қилинаётган муаммонинг ҳал қилиниш усулларини эркин танлаб олиш имконияти пайдо бўлади; таълим оловчилар ўз компетентликларини ҳисқиладилар; ўз мустақилларини бошдан кечиралилар [6].

Билим, маҳорат, касбий компетенцияларни излаб топиш, эгаллаш жараёнининг интенсификациялашуви амалий-йўналтирилган ўқитишнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Амалий фаолията ўзи эгаллаган компетенциялардан фойдалана оладиган мутахассис амалий-йўналтирилган ёндашувнинг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Юқорида айтилганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, компетентли ёндашув – бу ҳозирги замон касбий таълим тизимини меҳнат бозорининг талаб-эҳтиёжлари билан бир қаторга қўйишга интилишдир. Мана шундай ёндашув ўқитувчидан ўқувчига билимларнинг трансляция қилинишини эмас, балки амалий тажрибалар, билим, маҳорат ва кўникмалар асосида муваффақиятли ҳаракат қилиш имконини берадиган касбий компетентликларни шакллантиришни кўзда тутади. Педагог-ходимлар учун энг муҳим вазифа бўлиб, компетенцияларни амалий жиҳатдан эгаллаш зарурати саналади.

ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИДА АМАЛИЁТЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

ИСАКОВ АЗИМ ЮСУБЖАНОВИЧ

**Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти
мустақил тадқиқотчиси**

Аннотация: Профессионал таълимда амалиётларни ташкил этишдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари бўйича таклиф, тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, ўкув амалиёти, билим, малака, кўникма, амалий компетенция

Аннотация: В данной статье рассматриваются существующие проблемы и недостатки в организации учебной практики в профессиональном образовании, а также предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: профессиональное образование, образовательная практика, знания, навыки, умения, практическая компетентность

Annotation: The existing problems and shortcomings in the organization of educational practices in vocational education, as well as suggestions and recommendations for their solutions.

Keywords: professional education, educational practice, knowledge, skills, abilities, practical competence

Жамиятда таълим даражаси ва ижтимоий эҳтиёжлар ўсиб бориши билан тайёрланадиган мутахассиснинг малакасига қўйиладиган талаблар ўзгариб боради. Кўплаб педагогик тадқиқотлар натижаларига кўра юқори малакали касб эгаларига талаб тобора ортиб бормоқда. Бўлажак мутахассисдан кенг профилли тайёргарлик, юксак маданият, мураккаб кўникмаларни ривожлантириш, мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, меҳнат жараённада ўз маънавий ва ижодий қобилиятларини бойитиб боришни талаб қиласди.

Бугунги кунда педагогика коллежларида тайёрланадиган замонавий мутахассис яъни коллеж битирувчисини тайёрлашда ўкув амалиётининг таъсирини аниқлаш учун биз тайёрланадиган мутахассисга қўйиладиган малака талабларини таснифлашимиз лозим.

Мазкур таснифни Мактабгача таълим ташкилоти хўжалик мудири лавозими доирасида кўриб чиқамиз. МТТ хўжалик мудири лавозими вазифаларига қўйидагилар киради:

- мактабгача таълим ташкилотида болаларни ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиш учун эҳтиёжларни ҳисоб-китобини қиласди ва ташкилот раҳбарига талабнома киритиш;

- бино ва иншоотларнинг техник ҳолатига ва барча моддий бойликларнинг сақланишига шахсан жавоб бериш;

- ташкилотга олиб келинган қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар ва ўйинчоқлар, кўргазмали куроллар, техник жиҳозларни ҳамда ота-она-

лар, ҳомийлар томонидан берилган жиҳозларни ўрнатилган тартибда кирим қилиш;

- ташкилотга қабул қилинган жиҳозларни тарқатади ва чиқим қиласди;

- мактабгача таълим ташкилотига олиб келинган жиҳозларни рақамлайди ва сақланишини таъминлаш;

- ташкилотдаги мавжуд таъмирталаб бўлган жиҳозларни таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

- ташкилотни жиҳозлар билан таъминлаш, жорий таъмирлаш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бўйича харатлар сметаси тузилишида ўз таклифларини киритиш;

- ташкилотнинг коммунал тўловлари (табиий газ, сув, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланганлиги) бўйича ҳисоблагичларнинг кундалик кўрсаткичларини олиб, таҳлил қилган ҳолда бюджетдан ажратилган маблағлардан тежамкорлик билан фойдаланишни ташкил этиш;

- ташкилотда телефон тармоқларидан фойдаланилганда алоқанинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда алоқа бузилган ҳолларда худудий телефон тармоқлари бўлинмаларига хабар бериб, алоқани тиклаш чораларини кўриш;

- ташкилотда атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳашар ишларида ҳовли супурувчи, бинони қўриқлашда қоровуллар ишини тўғри ташкил

етиш;

- ташкилотда ходимлар ўртасида ҳашар, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ва уларда ўзи ҳам фаол иштирок этиш.

Агар ушбу талаблар даражасида мутахассис тайёрлашга эришилса, бўлажак кадрнинг меҳнатга нисбатан мотивлар ва рафбатлантиришларнинг таркиби сезиларли даражада ўзгаради; меҳнатнинг мазмуни, уни ташкил этиш ва бошқариш даражасига таъсир қиласи ва интеллектуал таркиби биринчи ўринга чиқади.

Замонавий шароитда эскирган, рентабелсиз, экологик заарали тармоқларни йўқ қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабнинг тез ўзгариши, биринчи навбатда, давом этаётган ўзгаришлар билан боғлиқдир. Бу янги замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантиришни, ишбилармонликни, самарадорликни тарбиялашни, мутахассисларнинг малакасини оширишни, уларни иқтисодий ва тизим таҳлил усуллари билан жиҳозлашни ва уларни кундалик амалиётда малакали равишда қўллаш қобилиятини талаб қиласи. Бунда замонавий менежмент ва маркетинг билимларига асосланган ҳолда рақобат муҳитида қарор қабул қилиш қобилияти айниқса муҳимдир.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти замонавий мутахассиснинг ишини ташкил этиш ва бошқаришнинг тубдан янги функциялари билан тўлдиради, бу эса янги ва қўшимча билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни талаб қиласи. Ушбу талабларнинг барчаси мактабгача таълим ташкилоти хўжалик мудири ихтисосликлари бўйича малака талабларида келтирилган. Малакали мутахассис муаммоли фикрлаш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу муаммоларни нафақат уни юзага келганида кўриш, балки уларнинг пайдо бўлишини аниқлаш, моҳиятини чукур англаш қобилиятида намоён бўлади. Бу эса уларни ҳал қилиш учун зарур чораларни олдиндан таклиф қилишга имкон беради. Муаммоли фикрлаш ҳозирги вазиятда асосий муаммоли вазиятларни аниқлаш ва шакллантириш, унга сабаб бўлган сабабларни кўриш, муаммонинг ривожланиши ва ечимига таъсир қилувчи ички ва ташки омилларни ажратиш, ечиш йўлларини таклиф қилиш қобилиятини ҳам назарда тутади.

Бугунги кундаги ўзгаришлар мутахассиснинг бевосита фаолияти билан боғлиқ ил-

мий-техник, меъёрий хужжатлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келди. Керакли маълумотларни қидириш, ушбу йўналишда ҳаракат қилиш қобилияти, керакли маълумотларни танлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилияти замонавий мутахассис учун яна бир талабга айланмоқда. Ахборот микдори кенгайганлиги ва чекланган билим ва вақт ўртасидаги зиддиятни замонавий маълумот қидирив тизимлари, Интернет ва шунга ўхшаш бошқа воситаларнинг ривожланиши билан осонликча енгib ўтиш мумкин.

Бир қатор тадқиқотлар ушбу йўналиш бўйича тизимли ёндашини истиқболли ўзлаштириш сифатида таъкидланган. Тизимларни таҳлил қилиш усули самарали билим қуроли вазифасини бажаради, мутахассисга ишлаб чиқариш тизимидағи ўрни ва ролини тушунишга имкон беради, бошқариладиган обьект ҳақида нафақат статистикада, балки динамикада ҳам, яъни ўзаро таъсирларда тўлиқ тасаввур беради. Тизимнинг ишлаши ва ривожланиши жараённада турли хил элементларни тизимлантиришга олиб келади. Шундай қилиб, замонавий иқтисодий муносабатлар мутахассис ишининг моҳияти ва мазмунининг ўзгаришига олиб келади. Ўрта даражадаги мутахассиснинг ўрни ва ролини ўзгартариб, улар унинг таълим салоҳиятини, касбий тайёргарликка талаблар даражасини тубдан ўзгартарилишини ҳам англатади.

Ўтказилган диссертация тадқиқотлари асосида замонавий ривожланган педагогик тизимни ташкил этувчи қуйидаги ўзаро боғлиқ элементларни ажратиш мумкин:

- 1) Педагогика коллежининг мутахассисликлари бўйича мутахассислик мақсадлари;
- 2) Педагогика коллежи ўқувчилари;
- 3) Педагогика коллежларида ўқув амалиётининг мазмуни;
- 4) Педагогик жараённинг вазифаларини бажариш усуллари сифатида;
- 5) Педагогик фаолият юритадиган ўқитувчилар;
- 6) Ўқув амалиёти фаолиятнинг ташкилий шакллари.
- 7) Ўқув амалиётини ўқув-услубий таъминоти.

Биз таклиф қилаётганга ўхшаш моделлар (1-расм) тизимларни таҳлил қилиш, бошқариш ва моделлаштириш бўйича ишларда жуда кенг тарқалган.

Аммо бошқа моделлардан фарқли томони, ўйлаймизки, ушбу модел асосан жараённи ташкил қилиш замонавий шароитда керакли натижаларга эришиш ўқув амалиёти тизими нинг ривожланишига аниқ ҳисса қўшишини назарда тутади:

1) Ўқувчиларнинг маҳсус ва умумий билимлари, маҳсус қобилияtlари;


2) Дунёкараши, мотивация, фаолият тажрибаси, ўзини тутиш, мулоқот, ижтимоий қўнималар, шахснинг барқарор хусусиятлари, ўз-ўзини тарбиялаш асослари;

3) Ақлий функциялар (ақл, эмоционаллик, ирода, психомотор қобилияtlар);

4) Шахснинг ижодкорлиги, ижодий қобилияtlари;

5) Соғлиқ, соғлом турмуш тарзи (руҳий ва жисмоний касалликларнинг олдини олиш ва иложи бўлса, уларни тузатиш).

Маълумки, ўқув амалиёти жараёнида олинган ҳақиқий натижалар баъзи бир тоифалар бўйича баҳоланади, стандартлар ёки натижанинг моделлари билан таққосланади. Педагогика коллежининг бугунги кунда му-



ваффақияти жамиятда мавжуд бўлган таълим эҳтиёjlари, талаблари, қадрият йўналишларини ҳисобга олиб кадрлар тайёрлашдир.

Буғунги кунда юқори маълумотли кадрлар учун буюртмачининг ролини қўйидагилар бажарадилар:

1) давлат ва унинг маҳсус органлари ва таълим стандартларини ишлаб чиқувчи хизматлар;

2) минтақавий ва шаҳар миқёсидаги мактабгача таълим ташкилотлари органлари;

3) янги мактабгача таълим муассасалари

– Педагогика коллежлари - умумтаълим мактабларининг битирувчилари;

4) Педагогика коллежларидан маҳаллий хусусиятлар ва имкониятларни максимал даражада ҳисобга олишни ҳақли равиша талаб қиласиган минтақалар;

5) Педагогика коллежларининг ривожланишидан ҳаётий манфаатдор бўлган ва у билан катта (ва баъзан ҳақиқий бўлмаган) умидларни боғлайдиган ота-оналар жамоаси.

Биз томондан замонавий мактабгача таълим ташкилоти хўжалик мудири тайёрлашда-

ги тизимли фаолият тузилмаси келтирилди.

Демак, ўтказилган таҳлиллар педагогика коллежида ўқув амалиётини илмий-педагогик бошқариш жараёни уни башорат қилиш, моделлаштириш ва амалга оширишнинг асосий имконияти мавжудлигини тахмин қиласи. Илмий адабиётларда ушбу имконият ижтимоий қонунларнинг объективлиги билан боғлиқлиги исботланган. Юқорида биз ўз изланишларимизда педагогика ва психологиянинг назарий хуносаларига таянади. Табиийки, ўқувчининг шахсини шакллантириш унинг меҳнат фаолиятисиз, шу жумладан ўқув амалиётисиз мумкин эмас.

Тадқиқотларимиз учун фаолият назарисини педагогика коллежида ўқув амалиётини педагогик тизимининг мазмунини илмий-пе-

дагогик моделини ишлаб чиқишнинг аниқ бир усули бўйича муваффақиятли амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, ушбу модел замонавий мутахассис-мақтабгача таълим ташкилоти хўжалик мудири тайёрлаш ва ўқитишининг бутун тизимининг тегишли элементи сифатида ўзгартирилиши керак. Педагогика коллежларида ўқув амалиётини тажрибаси ва мазмунини ўрганиш ўрта даражадаги мутахассислар – коллежлар битирувчиларининг асосий параметрларини шакллантиришни асослаш учун аввалги параграфларда келтирилган назарий ёндашувлар, тадқиқот мантиғига биноан, ташкил этиш ва таркибни таҳлил қилишнинг кейинги босқичини аниқлади. Коллежларда ўқув амалиётини бу олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чукур-



лаштириш, кўникмаларга эга бўлиш ва барча касбий фаолият турларида корхоналарда амалий машғулотлар пайтида амалга оширилади.

Бироқ, сўнгги йилларда янги ик'tисодий шароитлар туфайли ўқув амалиётининг ўқув жараёнида ролининг пасайиши кузатилди. Айни пайтда, амалиётнинг роли, айниқса

ик'tисодий соҳада мутахассисларни тайёрлашда доимий равишда ошиб бориши керак. Шу муносабат билан ҳар хил турдаги ўқув амалиётининг моҳиятини ўрганиш керак: уларнинг мазмунини таҳлил қилиш, уларни ташкил этиш усуллари, дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг мақбуллигини текшириш лозим. Ўқув амалиётини ўтказиш им-

кониятларини аниқлаш учун ҳар бир амалийтинг мақсади ва вазифаларини белгилаш, ўқувчилар фаолияти аниқланган бир вақтнинг ўзида олинадиган амалий билим ва кўникумалар, мувофиқлаштирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги “Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 418-сон Қарори.
3. Батышев С.Я. Управление профессиональной подготовкой и повышением квалификации рабочих. - М.: АПО, 1995.

TEXNIK OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARING MAXSUS KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH

QARSHIBOYEV SHAROF EGAMNAZAROVICH

Jizzax politexnika instituti, “Transport logistikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi

Annotatsiya. Bugungi kunda ish beruvchilar kasbiy sohadagi bilim va ko‘nikmalar bilan bir qatorda hamkorlik, ishlab chiqarish muammolarini hal qilishda ijodiy yondoshish, hayot davomida doimiy o‘rganish, o‘zgarishlarga moslashish qobiliyati kabilarni yuqori baholaydilar. Texnik mutaxassislik talabalarining maxsus kompetensiyalarni shakllantirish masalalari ko‘rib chiqildi. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda uni amalga oshirish modeli va shartlari tavsiflangan.

Kalit so‘zlar: muhandislik ta’limi bo‘yicha kompetensiyalar; qobiliyatlarni shakllantirish modeli; pedagogik shartlar; axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT)

Аннотация. На сегодняшний день, работодатели высоко ценят на ряду профессиональные знания и навыки, сотрудничество, творческий подход к решению производственных проблем и непрерывное обучение, также способность адаптироваться к изменениям. Рассмотрены вопросы формирования специальных компетенций студентов технических специальностей. Описаны модель и условия ее реализации с использованием информационно-коммуникационных технологий.

Ключевые слова: компетенции в инженерном образовании; модель наращивания потенциала; педагогические условия; информационные и коммуникационные технологии (ИКТ)

Abstract. Today, employers appreciate professional knowledge and skills, as well as collaboration, creativity in solving work problems, continuous learning, and the ability to adapt to change. The issues of the formation of special competencies of technical student’s specialties are considered. The model and conditions for its implementation with the use of information and communication technologies are described.

Key words: competence in engineering education; capacity building model; pedagogical conditions; information and communication technology (ICT)

Hozirgi kunda zamonaviy taraqqiyot, ishlab chiqarish texnologiyalari va iqtisodiyotning globallashuvi sharoitida bo‘lajak muhandislarning ta’lim jarayoniga yangi talablar qo‘yilmoqda. Bugungi kunda ta’limga tor va professional yondoshishning o‘zi yetarli emas. Oliy ta’lim yangi avlod mutaxassislarni mehnat

faoliyati uchun tayyorlash bilan birga ma’lum madaniy standartlar, demokratik qadriyatlar, axloqiy tamoyillarni qabul qilgan, bilimli, tanqidiy fikrlaydigan shaxsniga yaratishi kerak. Ushbu yangi shaxs ish jarayonida harakatlar va tanlovning axloqiy qiymatini anglashi, milliy madaniy qadriyatlarni anglashi va madaniyatlararo

muloqot qobiliyatiga ega bo'lishi kerak. Bugungi kunda ish beruvchilar kasbiy bilim va ko'nikmalar bilan bir qatorda jamoaviy ishlash, ijodkorlik, voqealarni oldindan ko'ra bilish, topqirlik, o'zgarishlarni o'rganish va ularga moslashish, samaradorlik hamda hisobdorlik kabi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va xorijiy tillarni bilishi yangi qobiliyatlarni qadrlashadi. Texnika OTM talabalarining asosiy fanlarni o'qitish paytida kasbiy kompetensiyasini shakllantirish masalasini hal qilish uchun o'qitishning maxsus modeli ishlab chiqildi va uning faoliyati uchun shart-sharoitlar yaratildi.

Taklif etilayotgan modelga muvofiq, talaba o'zining kelajakdagi kasbiy faoliyati sohasidagi muammolarni hal qilishda fundamental bilimlarni qo'llash uchun loyiha texnologiyalari bilan kurasha oladigan bo'lsagina kelajakdagi faoliyatga tayyor bo'lgan bo'ladi. Bunday natijaga erishish uchun talabalarning bilim faoliyatini boshqarish samarasizligi bilan bog'liq an'anaviy o'qitishning katta kamchiliklarini bartaraf etish zarur [3].

Talabalarning kelajakdagi kasblariga tayyorligini shakllantirish modelini samarali ishlashi uchun bir necha ta'lim mezonlari belgilangan.

Birinchisi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida fundamental fanlarni o'rganish jarayonida texnika OTM talabalarining kasbiy faoliyatga tayyorligini shakllantirishning ko'p bosqichli monitoringini amalga oshirish bilan bog'liq.

Ikkinci davr AKT o'rganish jarayonida loyiha vazifalarini shakllantirishda kasbiy ish elementlaridan foydalanish haqida. Shuningdek, AKT o'qituvchilari va tegishli fanlarning professorlarining loyihalash va tahliliy faoliyatida ishtirot etishi ham muhimdir.

Talabalarning shaxsiy xususiyatlarini hisobga olish, ularning xulq-atvoridaagi ustun tendensiyalarni, kasbiy faoliyatga motivatsiyasini aniqlash uchun talabalarga psixologning ma'rzasini o'tkazish muhimdir. Talabalarning bilim faoliyatini avtomatlashtirilgan boshqarish tizimida psixologik va pedagogik mulohaza model parametrlariga asoslangan bo'lib, unda tanlangan va moslashtirilgan psixologik metodlar to'plami mavjud. Ular talabalarning o'qish faoliyati va uning motivatsion mexanizmidagi xatti-harakatlarining quyidagi ustun tendensiyalarini aniqlay olishlari mumkin: qadriyatga yo'naltirilganlik, maqsadga

erishish, shaxsiy ma'no, fikrlashning texnik yoki gumanitar turlarini aniqlash uchun qadriyatlar yo'nalishi, yetakchilik qobiliyati va xatti-harakatlar strategiyasining rivojanishi; uning bilim darajasi, o'qish mahoratini sinab ko'rish sharoitida talabalarning hissiy munosabati. Shunday qilib, psixolog natijalariga ko'ra loyiha guruhlari tuzilishi kerak.

Jizzax politexnika institutida "Transport logistikasi" ta'lim yo'nalishi talabalarini o'qitish uchun loyihalashtirilgan yondashuvlar qo'llaniladi. Texnik OTM talabalarini o'qitish uchun loyihaga yo'naltirilgan yondashuv talabalarning mustaqil loyihami shiga asoslangan yondashuvni nazarda tutadi, bu asosiy va ixtisoslashtirilgan kurslar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik asosida aniqlangan muammoli vaziyatlarni hal qilishga qaratilgan. Ta'limumning birinchi yildan boshlab talabalar axborot kommunikatsion texnologiyalarni o'rganish jarayonida kasbiy yo'naltirilganligi bilan bog'liq muammolarni hal qilishda ishtirot etadilar. Ushbu yondashuvni amalga oshirish uchun talabalar kelajakdagi kasbiy faoliyatda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarini hal qilishadi. Bunday vazifalar talabalar bilim oladigan yo'nalishlar bilan muvofiqlashtiriladi. Vazifalarni tahlil qilishda talabalar o'zlarining mikro va makro-loyihalarini amalga oshirishda hayotga tatbiq etadigan g'oyalarini yaratadilar.

Loyihaga differensial yondashuvni joriy etish uchun quyidagi bosqichlarni amalga oshirish kerak: talaba jamoasi bosqichma-bosqich AKTni o'rganish jarayonida loyiha ishlarini olib borishga o'rgatish, talabalarning shaxsiy xususiyatlarini aniqlash, mustaqil ishlash ko'nikmalarini shakllantirish va x. Birinchi tayyorgarlik bosqichida loyiha faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini va uning muhandislar uchun ahamiyatini ochib berish kerak. Ikkinci bosqichda talabalar loyiha faoliyati davomida individual ishlashni o'rganadilar. O'qituvchi har bir talabaga AKTni o'rganish jarayonida o'zini o'zi boshqara olishi, kelajakdagi kasbiy faoliyatini yanada chuqurroq anglash uchun asosiy vazifasini his qila olishi va kelajakdagi kasbiy faoliyatida AKT bilimlaridan qanday foydalanishni o'rganishi uchun imkoniyat yaratishi kerak. Uchinchi bosqichda talabalar guruh loyihalarini qanday olib borishni o'rganishlari kerak. O'qituvchi talabalarни kasbiy vazifalarni hal qilishda ijodiy yondoshgan holda jamoada ishlashga o'rgatishi kerak.

Talabalarning loyihaga yo'naltirilgan mustaqil faoliyatiga o'tishi "talaba - AKT o'qituvchisi, fanning professional sohasi o'qituvchilari" tizimida bo'lishi kerak, chunki talabalar faoliyatini AKT o'qituvchilari tomonidan tashkil etish mutaxassislik fanlar bo'lajak mutaxassisning kasbiy faoliyatining tarkibiy qismi bo'lgan eng dolzarb masalalarni aniqlashga yordam beradi.

Talabalarning shakllanishi kerak bo'lgan quyidagi maxsus kompetensiyalarini ajratib ko'rsatish mumkin: nazariy materiallarni tahlil qila olish darajasi, professional yo'naltirilgan dizaynerlik ko'nikmalarini shakllantirish darajasi, kasbiy faoliyatni rag'batlantirish darajasi.

Modelni tatbiq etish muhandislik mutaxassisliklari talabalari o'rtasida vakolatlarni shakllantirishning tashkili va faoliyat modeli birligini amalga oshirish uchun tayyorgarlik, shakllantirish va yakuniy bosqichlarni o'z ichiga oladi. "Transport logistikasi" ta'lim yo'naliishi bo'yicha amalga oshirishga misol. Hozirgi vaqtida ushbu kurs mutaxassislari tomonidan hal qilinadigan muammolardan biri bu "Iste'molchilarga aniq o'z muddati"da hizmat ko'rsatishdir. Ushbu vazifani bajarish uchun talabalarda AKTni (mobil ilovalarni) qo'llagan holda iste'molchilarga xizmat ko'rsatish ko'nikmalarini shakllantirish lozim. Buning uchun logistika sohasida o'zimizda va rivojlangan xorijiy davlatlarda qo'llanilayotgan AKT dasturlarning mazmun mohiyatini talabalarga yetkazish va ulardan foydalangan holda mavjud muammolarni hal qilish va turli vaziyatlardato'g'ri qaror qabul qilish ko'nikmalarini shakllantirish lozim. Bu esa raqobat muhitida yutib chiqishi va o'z o'rniga ega bo'lishi ushun yordam beradi.

Ushbu usullardan xabardor bo'lish talabalarda kasbiy faoliyatida zarur bo'ladijan maxsus kompetensiyalarini shakllantirishga imkon beradi. Bu mutaxassislik kafedralarda keyingi kurslarda amalga oshiriladi. Professional faoliyatga yo'naltirilgan jismoniy loyiha vazifalarini tanlash kasbiy va fundamental bilimlarni birlashtirish orqali amalga oshiriladi. Vazifalarni tanlash quyidagi talablarga muvofiq amalga oshiriladi: Davlat ta'lim standartlariga muvofiqligi, talabalarning tayyorgarlik darajasiga muvofiqligi va kelajakdagi kasbiy faoliyat bilan bog'liqligi.

Yuqorida aytib o'tganimizdek, AKTni o'rganishning muhim bosqichi talabalar uchun

kelajakdagi ishlariiga mos vazifalar qo'yishdir. Vazifalar boshlang'ich qismlarga bo'linadi, so'ngra talabalar sinfda mulohaza yuritadi hamda muammoli vaziyatlarni aniqlash uchun tekshiriladi. Ular ko'pincha bo'lajak mutaxassis kasbiy faoliyatining muammoli vazifalari bilan AKT o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikning yo'qligidan kelib chiqadi. AKT vazifalarini hal qilish g'oyasini shakllantirish umumiyl loyiha doirasida amalga oshirilishi mumkin. Dastlab, talabalar o'zlarining maxsus loyihalarni amalga oshiradilar, so'ngra ularni to'liq va birlashtirilgan loyihaga aylantiradilar. Loyihani ishlab chiqish, taqdim etish va baholash AKT o'qituvchisi va ixtisoslashtirilgan fan o'qituvchilarining bevosita ishtirokida amalga oshiriladi. Tavsiya etilgan protsedurani amalga oshirish transport logistikasi muammosi misolida ko'rib chiqilishi mumkin. Shuni ta'kidlash kerakki, transport logistikasi fani uchun asos bo'lgan "Ta'minotchini tanlash masalasi" mavzusini o'rganish uchun sinf vaqtin ko'pincha yetarli emas. Shuning uchun talabalar ta'minotchini tanlash, tanlov muammolari, tanlovda hisobga olinadigan asosiy omillar, yetkazib berishning optimal o'lchamlari, yetkazib berish intervalini aniqlash hamda yetkazib berishning sifat ko'rsatkichlarini tasvirlash uchun mustaqil o'rganishni taqazo qiladi.

Transport logistikasi sohasi bo'yicha talabalar tomonidan ishlab chiqilgan individual loyihalari yagona, integratsion makro-loyihaga kiritiladi. Loyiha ishlari har xil darajadagi talabalar hisobotlari bo'yicha ma'ruzadan so'ng yakunlanadi. Makro-loyihani amalga oshirayotgan talabalar jamoasi o'z loyihasini himoya qilayotgan talablarga o'zlarining hisobotlari bo'yicha test topshiriqlariga javob berishni taklif qilishlari mumkin va shu bilan ularni muhokamada faol ishtirok etishga undashlari mumkin.

Loyihalar doirasida ishslash nazariy materiallarni tushunish va o'zlashtirish darajasini oshiradi. Talabalar taqdimotlar, hisob-kitob dasturlari, hisob-kitoblar va animatsion namoyishlar shaklida hisobotlarni tayyorlashda maxsus kompetensiyalarini namoyish etadi va kelajakdagi kasbiy faoliyat uchun motivatsiya tizimini yaratadilar.

Talabalarni kasbiy faoliyatga rag'batlantirish maqsadlari, muhandislik mutaxassisliklari talabalar loyiha doirasida erishmoqchi bo'lganliklari va qaysi usullarni tanlaganliklari

ularni ilhomlantiradigan narsalar bilan baholanadi:

I daraja (past) kelajakdagи kasbiy martaba uchun bir necha ijobjiy motivlar bilan tavsiflanadi. Asosan, bu noqulaylik, bezovtalikdan qochish yoki juda ozgina shaxsiy motivlar. Kognitiv qiziqishlar amorf, vaziyatga bog'liq.

II daraja (o'rta) - bu kelajakdagи kasbiy faoliyatga qiziqish bo'lsa, barcha ijobjiy motivlar faqat ishlab chiqarish tomoni bilan bog'liq bo'lib, muvaffaqiyat, natijalarga erishishga yo'naltirilgan va bu holda o'qish jarayoni bu borada vosita bo'lib xizmat qiladi.

III daraja (yuqori) motivatsiya aniq bo'lganda va kognitiv motivlarning yo'nalishi barqaror bo'lganda barcha tarkibiy qismlarning shakllanishini nazarda tutadi.

Nazariy materiallarni o'zlashtirishning hozirgi darajasini baholash uchun AKT kursining barcha o'rganilgan bo'limlari imtihonlari

natijalaridan foydalaniлган. Professional yo'naltirilgan dizayn ko'nikmalarini shakllantirish darjasи muammoli vaziyatlarni tahlil qilish, muammoni hal qilish uchun yangi ma'lumot olish, muammoni hal qilish usullarini tanlash qobiliyatları va ishslash qobiliyatini hisobga olgan holda baholanadi. Analiz kursi tavsiflangan mashg'ulotlar sxemasidan foydalanganda nazariy materiallarni o'zlashtirish darajasini, professional yo'naltirilgan dizayn ko'nikmalarini shakllantirish darajasini, kasbiy faoliyatga motivatsiya darajasini oshirish tendensiyasini ko'rsatadi.

Shunday qilib, taklif qilingan model JizPla "Transport logistikasi" ta'lim yo'nalishi talabalari bilan sinovdan o'tkazildi va muhandislik mutaxassisliklari talabalarining yangi bilimlarni egallahga bo'lgan qiziqishlari va maxsus kompetensiyalarini shakllantirishga bo'lgan qiziqish darajasi oshganligini tasdiqladi.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909-son qarori.
2. Mayer R.E. & Moreno R. Animation as an aid to multimedia learning. *Educational Psychology Review*, vol. 14(1), 2002, pp. 87-99.
3. Haynie W.J. Anticipation of tests and open space laboratories as learning variables in technology education. *Journal of the North Carolina Council of Technology Teacher Education*, vol. 1(1), 1990, pp. 2-19.
4. Qarshboev, S., & Berdiyorov, T. (2020). Shifting to a European Credit module system in Uzbekistan, impact and perspectives to vocational education. *Journal of Critical reviews*, 7(12), 553-559.
5. Abdurasulovich, K. J., Yangiboevich, K. M., Anvarovich, A. A., Xolmurodovich, G. A., & Abdurasulovich, K. O. (2020). Opportunities and results to increase the effectiveness of multimedia teaching in higher education. *Journal of Critical Reviews*, 7(14), 89-93.
6. Xoshimova, S. (2020). Development of Formative Evaluation in the Teaching-Learning ProcessInternational Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), 5, 503–509.
7. Қосимов, С. (2021). Таълим соҳасида электрон таълим тренажёларидан фойдаланиш муаммолари ва сабаблари. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ КАК СОСТАВНАЯ ЧАСТЬ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ ПРИ ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Г.М.АНАРКУЛОВА – Кандидат педагогических наук, доцент кафедры

«Технологическое обучение» Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами

Аннотация. Данная статья посвящена проблеме педагогических технологий как один из факторов влияющие на качество подготовки специалистов в высших учебных заведений. В статье раскрыта особенности педагогических технологий и методики обучения, концептуальные основы педагогических технологий, понятия педагогических технологий в трех аспектах.

Ключевые слова: Педагогическая технология, методика, методы обучения, реформа с системе образования, концептуальность, личностно-ориентированного образования, дифференциальное обучение.

Реформа в системе непрерывного образования республики Узбекистан ставит задачу перед педагогическим кадрам подготовить специалистов как квалифицированных так и конкурентоспособных. Стратегия реформ строится на основе системного подхода, которого мы видим преобразования общеобразовательных школ с девятилетним обучением на 11 летнее образования. А также проведённая реформа в системе среднего специального профессионального образования на основе указа президента УП-5812 от 6 сентября 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования» направлена на подготовки высококвалифицированных кадров соответствующих современным требованиям рынка труда, имплементации международных стандартов оценки качества образования, создания эффективных механизмов внедрения в практику инновационных технологий образования. [1]

Для решения вышеуказанных задач в системе высшего образования ведутся меры по внедрению новых образовательных технологий как совокупности традиционных и инновационных методов и приемов. Хочется подчеркнуть: не призыва к модернизации образовательного процесса, не разработка очередных программ совершенствования и развития обновляет школу, её обновляет учитель, овладевший современными образовательными технологиями обучения и воспитания.

Современная организация образовательного процесса должна гарантировать возможность усвоения учебного материала каждым студентом на высоком уровне, обеспечить его готовность осуществлять эффективную деятельность в сложных, вариативных, постоянно

изменяющихся условиях.

Проектирование педагогической технологии заключается в разработке программы воздействия на замыслы и деятельность участников педагогического процесса путём выделения в процессе обучения этапов, представленных в виде особой последовательности процедур и операций, выполнение которых соответствует поставленным целям и обеспечивает достижение предполагаемых результатов.

В педагогической науке пока не сложилось однозначного определения понятия «педагогическая технология». Вот некоторые из них:

«Педагогическая технология - системный метод усвоения знаний с учетом всего процесса технических и человеческих ресурсов в их взаимодействии, ставящий своей задачей оптимизацию форм образования» (ЮНЕСКО).

«Педагогическая технология - совокупность психолого-педагогических установок, определяющих специальный набор и компоновку форм, методов, способов, приёмов обучения, воспитательных средств; она есть организационно-методический инструментарий педагогического процесса». (Б.Т.Лихачёв);

«Педагогическая технология - это продуманная во всех деталях модель совместной педагогической деятельности по проектированию, организации и проведению учебного процесса с безусловным обеспечением комфортных условий для учащихся и учителя». (В.М.Монахов);

«Педагогическая технология - это содержательная техника реализации учебного процесса». (В.П.Беспалько) [7].

«Технология образования связана с возникновением технологического подхода к обучению, теоретической базой которого стала

идея программирования обучения; ...являются средства обратной связи, обучающие машины, лингафонные кабинеты, тренажеры. Это процесс взаимодействия преподавателей и учащихся, гарантирующий достижение поставленной цели» (М.П.Сибирская).

Многие годы роль педагогической технологии играла методика – научно-обоснованные методы, правила и приемы обучения предмету, достижение определенной цели. В чем же различие методики и технологии?

Ряд авторов видят отличие педагогической технологии от методики в «гарантированном достижении педагогических целей» (Д.В.Левитас, Г.Ю.Ксензова, Л.А.Байкова). В результате обсуждений ученых сделаны следующие выводы: технология отличается от методики прогнозируемой универсальностью, диагностичностью результата при любых условиях. Технология, как правило, составлена из типовых методов и приемов, многократно повторенных при различных условиях и дающих один и тот же результат, что позволяет экономить время педагога для творческой работы с учащимися. Педагогическая технология не применяет методику, а основывается на ней. [4]

Понятие «методика» шире понятия «педагогическая технология», которая позволяет эффективно проектировать процесс обучения, получать результаты, соответствующие запланированным целям. Методика же зависит от личности преподавателя, предмета, состава и уровня усвоения учащимися и т.д. Методика включает в себя задачи – «зачем учить, чему и как», технология – только «как»?

По сравнению с обучением, построенным на основе методики, технология обучения имеет серьезные преимущества:

- основой технологии служит четкое определение конечной цели. В традиционной педагогике проблема целей не является ведущей, степень достижения определяется неточно, «на глазок». В технологии цель рассматривается как центральный компонент, что и позволяет определять степень ее достижения более точно.

- технология, в которой цель (конечная и промежуточная) определена очень точно позволяет разработать объективные методы контроля ее достижения.

- технология позволяет свести к минимуму ситуации, когда педагог вынужден переходить к педагогическим экспромтам в поиске приемлемого варианта.

Анализ литератур показывают, учёные рассматривают понятие «педагогическая тех-

нология» в трех аспектах:

- научном - как часть педагогической науки, изучающая и разрабатывающая цели, содержание и методы обучения и проектирующая педагогические процессы;

- процессуальном - как описание (алгоритм) процесса, совокупность целей, содержания, методов и средств достижения планируемых результатов обучения;

- деятельностном - осуществление технологического (педагогического) процесса, функционирование всех личностных, инструментальных и методологических педагогических средств.

Любая педагогическая технология должна удовлетворять основным методологическим требованиям - критериям технологичности, которыми являются:

концептуальность - опора на определенную научную концепцию, включающую философское, психологическое, дидактическое и социально-педагогическое обоснование достижения образовательных целей.

системность - логика процесса, взаимосвязь всех его частей, целостность.

управляемость – предполагает возможность целеполагания, варьирования средствами и методами с целью коррекции результатов;

эффективность – гарантированное достижение определенного стандарта обучения, являясь эффективными по результатам и оптимальными по трудоемкости;

воспроизводимость – возможность применения в других однотипных образовательных учреждениях, другими педагогами.

Перечисленные критерии технологичности определяют структуру педагогической технологии, которая включает в себя три части:

Концептуальная часть педагогической технологии - это научная база технологии, те психолого-педагогические идеи, которые заложены в ее фундамент.

Содержательную часть технологии составляют цели - общие и конкретные, а также содержание учебного материала.

Процессуальная часть представлена совокупностью следующих элементов: организация учебного процесса; методы и формы учебной деятельности учащихся; методы и формы работы преподавателя; деятельность педагога по управлению процессом усвоения материала; диагностика учебного процесса. [4]

Новая парадигма образования, ставящая развитие личности обучаемого в центр образовательной системы, нацеливает на новые технологии обучения. Под «новыми» педаго-

гическими технологиями, имеется в виду не временной аспект: новые как только что или недавно появившиеся, а новые как отличающиеся от привычных, традиционных.

Традиционные методы обучения в большей степени способствуют усвоению факто-логического материала, усвоению воспроиз-водить знания в знакомой ситуации. Однако современный мир выдвигает вполне опре-деленные требования:

- умение гибко адаптироваться в меняю-щихся жизненных ситуациях, самостоятельно приобретать необходимые ему знания, умело применять их на практике для решения разно-образных возникающих проблем;

- самостоятельно критически мыслить, уметь видеть возникающие в реальной дей-ствительности проблемы и используя совре-менные технологии, искать пути рационально-го их решения; четко осознавать, где и каким образом приобретаемые им знания могут быть применены в окружающей его действитель-ности; быть способным генерировать новые идеи, творчески мыслить;

- грамотно работать с информацией (уметь собирать необходимые для решения опреде-ленной проблемы факты, анализировать их, выдвигать гипотезы решения проблем, делать необходимые обобщения, сопоставления с аналогичными или альтернативными вариан-тами решения);

- быть коммуникабельным, контактным в различных социальных группах, уметь рабо-тать сообща в разных областях, в различных ситуациях, легко предотвращать или уметь вы-ходить из любых конфликтных ситуаций;

- самостоятельно работать над развити-ем собственной нравственности, интеллекта, культурного уровня.

Главное направление модернизации си-стемы образования состоит в решении пробле-мы личностно-ориентированного образования, когда развитие личности обучаемого стоит в центре внимания преподавателя, когда органи-зация активной познавательной деятельности становится основной задачей педагога.

Безусловно, современные педагогические технологии, исходя из разумной целесообраз-ности, стремятся учитывать как можно больше факторов, влияющих на процесс обучения и в этих условиях значительно меняется место и роль педагога в учебном процессе. Мировая педагогическая наука рассматривает сегодня преподавателя как менеджера, управляющего активной развивающей деятельностью обуча-ющеся. В этой ситуации преподаватель дол-

жен владеть всем инструментарием методов обучения, и роль технологий в достижении со-временного качества образования в этих усло-виях значительно возрастает.

Если при традиционной системе образо-вания учитель и учебник были основными и наиболее компетентными источниками знаний, учитель осуществлял контроль освоения уча-щимися учебного материала, то при личнос-тно-ориентированном образовании учитель вы-ступает в роли организатора самостоятельной активной познавательной деятельности обучаемого, компетентным консультантом и помо-щи-ником. Его профессиональные умения должны быть направлены не просто на контроль знаний и умений обучающихся, а на диагностику их учебной деятельности, чтобы вовремя помочь квалифицированными действиями устранить намечающиеся трудности в познании и приме-нении знаний. Эта роль значительно сложнее и требует от педагога более высокого уровня мастерства.

Личнос-тно-ориентированное обучение предусматривает, по сути, дифференциро-ванный подход к обучению учащихся, учиты-вающий уровень интеллектуального развития учащегося, степень его подготовки по данно-му предмету, его способности и задатки. Для этого, прежде всего, необходимо вовлечение в активный познавательный процесс каждого учащегося, т.е. не процесс пассивного овладе-ния знаниями, а активной познавательной дея-тельности каждого, применения им на практи-ке этих знаний и четкого осознания где, каким образом и для каких целей эти знания могут быть применены. Цель такого обучения — со-зование условий для обеспечения собственной учебной деятельности обучающихся, учета и разви-тия индивидуальных особенностей. Личнос-тно-ориентированный урок — это не просто со-зование преподавателем благожелательной творческой атмосферы, а постоянное обраще-ние к субъектному опыту студентов как опыту их собственной жизнедеятельности. [6]

Предметно-ориентированные технологии построены на основе дидактического усовер-шенствования и реконструирования учебного материала (в первую очередь, в учебниках). В модульно-рейтинговой технологии (П.Яцяви-чене, К.Вазина, И.Прокопенко и др.) основной акцент сделан на виды и структуру модульных программ (укрупнение блоков теоретического материала с постепенным переводом циклов познания в циклы деятельности), рейтинговые шкалы оценки усвоения. В технологиях «Эко-логия и диалектика» (Л.Тарасов) и «Диалог

культур» (В.Библер, С.Курганов) - на переконструирование содержания образования в направлениях диалектизации, культурологизации и интеграции. [8]

Технология дифференцированного обучения (Н.Гузик, И.Первин, В.Фирсов и др.) и предусматривает дифференциацию постановки целей обучения, на групповое обучение и его различные формы, обеспечивающие специализацию учебного процесса для различных групп обучаемых.

Технология развивающего обучения включает все этапы деятельности, каждый из которых вносит свой специфический вклад в развитие личности. Важным при этом является мотивационный этап, по способу организации которого выделяются подгруппы технологий развивающего обучения, опирающиеся на: познавательный интерес (Л.Занков, Д.Эльконин-В.Давыдов), индивидуальный опыт личности (И.Якиманская), творческие потребности (Г.Альтшуллер, И.Волков, И.Иванов), потребности самосовершенствования (Т.Селевко). К этой же группе можно отнести так называемые природообразные технологии (воспитания грамотности - А.Кушнир, саморазвития - М.Монтессори); их основная идея состоит в опоре на заложенные в ребенке силы развития, которые могут не реализоваться, если не будет подготовленной среды, и при создании этой среды необходимо учитывать прежде всего сензитивность - наивысшую восприимчивость к тем или иным внешним явлениям. [9]

К педагогическим технологиям на осно-

ве личностной ориентации учебного процесса относят технологию развивающего обучения, педагогику сотрудничества, технологию индивидуализации обучения (А.Границкая, И.Унт, В.Шадриков); на основе активизации и интенсификации деятельности учащихся - игровые технологии, проблемное обучение, программируемое обучение, использование схемных и знаковых моделей учебного материала (В.Шаталов), компьютерные (новые информационные) технологии (И.Роберт и др.). Последние, с использованием для предъявления информации языков программирования, транслируют ее на машинный язык.

Профессиональная подготовка специалистов в системе высшего образования осуществляется с помощью различных средств в целостном педагогическом процессе. В последние годы в республике проделана значительная работа по обновлению содержания и технологий подготовки специалистов новой формации.

Проблемы педагогических технологий, огромный опыт педагогических инноваций, авторских школ и учителей-новаторов постоянно требуют обобщения и систематизации. Разнообразие подходов к определению понятия «педагогическая технология», многочисленность их разновидностей, концептуальных основ и характеристик вызывают необходимость сосредоточить внимание на анализе сущности этого феномена, как в теоретическом, так и практическом плане.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Указ Президента Мирзиёева Ш.М. №УП-5812 от 06.09.2019 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования» Т., 2019 г.
2. Анаркулова Г.М. Модель подготовки учителей профессионального образования на основе системного подхода. Научный журнал “Молодой учёный” №13(93), июль., 2015. -590-592.
3. Анаркулова Г.М., Рузибаева Г.А. Модернизация содержание профессиональной подготовки и повышения квалификации кадров в системе высшего образования Республики Узбекистан. Научный журнал. Проблема науки и образования. № 51(125)2018 г.
4. Голиш Л.В. Файзуллаева Д. Инновационные педагогические технологии. Т., 2012 г.-154 с.
5. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўкув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 б.
6. Кузнецов, М.Е. Личностно-ориентированная подготовка учителя: теоретико-методологический аспект / М.Е. Кузнецов. - Брянск : Из-во БГПУ, 2000. - 375с.
7. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
8. Селевко С. Современные образовательные технологии.- М., Народное образование, 1998. – 130 с.
9. Сафин Р.С. и другие: Современные образовательные технологии в техническом вузе: монография., издательство: Изд-во Казанск. гос. архитект.-строит. унив, г. Казань, Россия, 2014, – 217 с.
10. Толипов У.К. Педагогик жараёни лойихалаш технологииси. Узлуксиз таълим, 2004. - № 4. - 6.3-10

БҮЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРДА АМАЛИЙ КҮНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ КҮРСАТКИЧЛАРИ

У.А.ҮРИНОВ - Бухоро мұхандислик технология институти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада техника олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг амалий күникмаларини ривожланганлик даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизими ҳамда мезонлари, асосий тамойиллари, “Машинасозлик технологияси” фанига оид билим, амалий күникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёни ва мониторинги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: баҳолаш, мезон, кўрсаткич, метод, талаба, амалий күникма, олий таълим, ривожланганлик, мониторинг.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллый тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги Қарорида: амалий кўникмани баҳолашни ўтказиш учун баҳолаш воситалари - касбий имтиҳонни ўтказишида компетенцияларни баҳолашда қўлланиладиган топшириқлар, баҳолаш мезонлари маҷмуи; баҳолаш усуслари - касбий имтиҳонни ўтказишида компетенцияларни баҳолашда қўлланиладиган ва ходим ёки ишга (касбга) талабгорнинг белгиланган мезон ва касб стандартларига мослигини аниқлашга қаратилган усуслар мажмуаси ҳақида батафсил маълумот берилган [1]. Ушбу қарорда ва бошқа меъёрий хужжатларда кўрсатилган амалий кўникмани баҳолашда бугунги кунда Республикаизда салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Амалий кўникмаларни ривожланганлик даражалари педагогик назорат орқали аниқланади. Педагогик назорат - педагогик тизимнинг мұхим компоненти ва таълим-тарбия жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг натижаси талабаларнинг ўзлаштиришларини рейтинг назорати ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий тайёргарлиги натижаси уларнинг ихтисосликка оид ўзлаштиришларининг якунлари буйича эришилган касбий ва шахсий ривожланишининг маълум даражасида акс этади. Талабаларнинг касбий тайёргарлиги жараёни меъёрий жиҳатдан белгиланган тайёрлов йўналишлари бўйича касб, ихтисослик даражани эгалланишига қаратилади [3].

Амалий кўникмаларни шаклланиш жараёнининг мониторинги – амалий кўникмаларни

шаклланиш жараёни, шунингдек, унинг ички ва ташқи алоқаларига нисбатан белгиланаётган тахминлар, баҳолашнинг мавжуд ҳолати ва ўзгаришларини назорат қилишнинг тизими саналади.

Талабаларнинг амалий тайёргарлиги сифатини таъминлаш унинг мавжуд талаб, қоида ва стандартлардан паст даражада бўлмаслигини ифодалайди. Амалий тайёргарлик жараёни сифатини аниқлаш, назорат қилиш ҳамда баҳолаш - бу бошқарув субъекти томонидан таъсир кўрсатилиши ва мақсад, қоида ҳамда стандартларга мувофиқ қайта алоқа (назорат, баҳолаш, таҳлил қилиш)ни ташкил қилиш ҳисобланади.

Техника олий таълим муассасаларида тайёрланадиган мутахассиснинг ихтисосликка оид амалий тайёргарлигига нисбатан қўйилувчи талабларни мазмунан асосий ва таъминловчи талабларга ажратиш мумкин. Улар қуидагилардан иборат:

- талабанинг ижтимоий, касбий ва ҳаётий фаолиятига оид индивидуал-шахсий муаммолар даражаси;
- ихтисосликка оид муаммоларнинг назорат қилиш жараёнини ҳар бир босқичида барқарорлашиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланиш хусусияти;
- ихтисосликка оид ҳар бир даражадаги муаммоларнинг мазмунини очиб берувчи намунавий синов топшириқлар тўплами;
- муаммоларни ҳал қилиш борасидағи билим, амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Талабанинг амалий кўникмаларини ривожланишини таъминловчи талаблар: талабанинг турли даражадаги асосий муам-

моларни ҳал этишга тайёргарлигини таъминловчи ижтимоий, касбий ва шахсий аҳамиятга эга инвариант интеллектуал маҳорат ва индивидуал сифатларининг шаклланганлиги, ҳамда ихтисосликка оид турли даражадаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи ихтисосликка оид назарий фундаментал билимлар, инсон ва уни ўраб турган борлиқнинг яхлитлиги борасидаги замонавий билимлар тўплами билимларнинг шаклланганлик дараҷасига қўйилувчи талаблар.

Амалий кўникмаларни ривожланганлигини таҳлил қилиш ва унинг тузилишини лойиҳалаштиришдан кейин касбий тайёргарлик даражасининг меъёрларини аниқлаш лозим.

“Амалий кўникмаларни ривожланганлик даражасининг меъёри” деганда меъёрий хужжатларда малакали мутахассиснинг ижтимоий-иқтисодий, ва шахсий талбларига мос келувчи касбий ва шахсий ривожланиш даражаси тушунилади.

Амалий кўникмаларни ривожланганлик даражасини аниқлаш жараёни уни назорат қилиш ҳамда баҳолашда намоён булиб, у қўидаги даражаларда шаклланиши мумкин:

- аввалги ёки мавжуд даражада;
- истиқбол даражада;
- абстракт даражада;
- имконият даражасида.

Олий таълим тизимининг мақсадлари ҳар бир талаба эришиши мажбурий бўлган билим, амалий кўникма ва малакалар мавжуд қоидалар, талбларга мос равишда тан олинса, у ҳолда талабанинг амалий кўникмаларини ривожланганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш асослари сифатида тасдиқланади.

Шундай қилиб, назорат қилиш ҳамда баҳолаш асосларини шакллантириш олий таълим тизими мақсадини барча таркибий қисмларнинг гуруҳлари буйича, яъни, бу талблар мазмунини очиб берувчи (амалий топшириқларининг таркиби ва мазмунига кўра) у ёки бу мазмунли таркибий қисмлар шаклланганлигининг кўрсаткичлари (меъёрий миқдори) сифатида меъёрлаштириш масаласи тушунилади.

Талабаларнинг амалий кўникмалари шаклланганлик даражасини назорат қилиш, баҳолаш ёки синаш технологияси - талабаларнинг амалий кўникмалари тайёргарлигини баҳоловчи субъект (ўқитувчи) томонидан амалга ошириладиган назорат, текшириш, синаш ва баҳолаш фаолияти жараёни ҳисобланади.

Талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожланганлик даражасини назорат қилишни техника олий таълим муассасаларининг «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жихозлаш ва автоматлаштириш» бакалавриат таълим йўналишида ўқитиладиган “Машинасозлик технологияси” фанининг таълим жараёнида қўллаб натижаларни аниқлашни лозим топдик. Демак, талабаларнинг дастлабки амалий кўникмаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш учун жорий назоратда балл, оралиқ назорат эса ихтисослик ўқув предметининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда балл миқдори белгиланади. Чунки, ихтисослик ўқув предмети кўпроқ амалийликни талаб этади. Шу боисдан ҳам ихтисослик ўқув предметларини ўрганиш жараёнида талабаларнинг касбий шаклланиш жараёни амалга оширилади. Якуний назорат балини семестр давомида берилган топшириқлар асосида якуний назорат ўтказилиб уни ўқитувчининг ўзи белгилайди. Якуний назоратда талабалар ихтисосликка оид ўзлаштиришларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш билан бирга уларнинг жорий ва оралиқ назорат натижаларининг ҳам ҳаққонийлиги аниқланади. Якуний назорат топшириқлари семестр давомида ўтилган мавзулар юзасидан тузилади.

Талабаларни ихтисослик фанлари ўқув предметларидағи ўзлаштиришларни назорат қилиш турларининг хилма-хиллиги, ўлчаниши лозим бўлган кўрсаткичларнинг кўплиги туфайли, талабалардан бир вақтнинг ўзида назорат ўтказиш ва натижаларини тезкор олиш мураккабдир. Олий таълим муассасасида тахсил олаётган талабаларнинг амалий тайёргарлиги фақат назарий жиҳатдан ўзлаштиришларни назорат қилиш турларининг хилма-хиллиги билан белгиланмайди. Олий таълим муассасасида талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожланганлиги кўпроқ амалиёт билан боғлиқ. Шунинг учун талабаларнинг мутахассисликка оид амалий кўникмаларини ривожланганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ўқитувчидан юқори даражадаги педагогик маҳорат талаб этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабаларни ўзлаштиришларни назорат қилиш ва баҳолашда оқилона йўл тутилиб, методик жиҳатдан тўғри ёндашилганда у талабанинг қизиқиши ҳамда ўқишига бўлган хошишини рағбатлантиради.

Талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожланганлигини назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - талабаларнинг касбий

тайёргарлик даражасини белгилаб беради ва уларни меҳнат бозори шароитида рақобатлаша оладиган малакали мутахассис сифатида фаолият кўрсатишига асос бўлиб хизмат қиласди.

«Машинасозлик технологияси» фани бўйича назорат қилиш ҳамда баҳолашимизнинг мақсади - талабаларнинг шу ўкув предметларига оид зарур ва етарли даражадаги амалий кўникмаларини ривожланганлик даражасини, яъни малака талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Ишлаб чиқариш корхонасидаги: танишув, малакавий, битириув олди амалиётлари кесимида назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - талабаларнинг ихтисослик фанларидан ўзлаштирган билим, амалий кўникма ва малакаларини шаклланганлик даражасини, амалиётда кўллаш, қисқа қилиб айтганда уларнинг кейинги касбий фаолиятга тайёргарлигини аниқлашни кўзда тутади.

Мавзулар кесимида назорат қилиб баҳолашнинг мақсади - талабаларнинг мавзуларга оид ўкув материалининг мазмунини ўзлаштирганлик даражасини аниқлашни назарда тутади.

Амалий машғулотлар кесимида назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг мақсади - талабаларнинг жорий назорати ҳисобланиб, бунда уларнинг аниқ бир амалий машғулот ва унинг маълум босқичидаги фаоллигини ошириш ҳамда ўзаро мусобақа мұхитини яратиш орқали амалий кўникмаларни ривожланганлигини баҳолашдан иборат.

Демак, таълим жараёнининг ҳар бир босқичида талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, амалий кўникма ва малакаларни назорат қилиб баҳолаш ўқитувчи томонидан тўғри лойиҳаланса, натижада меҳнат бозорида рақобатбардош малакали мутахассис тайёrlаш имконияти пайдо бўлади.

Талабаларнинг назарий ўкув материалинини ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ўкув материалининг мураккаблик даражасига кўра биринчи даражали ёки кўп даражали тестлардан ҳамда IQ тестларидан фойдаланиш мумкин.

Талабаларнинг ихтисосликка оид ўзлаштиришларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш, амалиётдаги ҳолатини ўрганиш мақсадида биз техника олий таълим мұасасаларининг 5320200-“Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги “Машина-

созлик технологияси” ихтисослик фанини танлаб олдик. У жами 300 соатни ташкил этади. Шундан 132 соати мустақил таълимга ажратилган бўлиб 168 соати эса аудитория соатига ажратилган. 168 соат аудитория соатининг 84 соати маъруза соати, 42 соати амалий машғулотлар ва 42 соати тажриба машғулотлари учун ажратилган.

Талабанинг билим савияси, амалий кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Талабаларда амалий кўникмаларни ривожланганлигини аниқлаш мезонлари кўрсаткичлари 3 та мезон ва 9 та кўрсаткич орқали баҳоланади. Талабаларда амалий кўникмаларни ривожланганлигини аниқлаш мезон ва кўрсаткичлари тизими 1-жадвалда акс эттирилган.

Жорий назорат – танланган муаммо, амалий машқ юзасидан эркин шаклда бажариладиган иш. Жорий назорат амалий машғулот давомида ўтказилади. Жорий назорат амалий хаётдаги аниқ бир муаммо, жумбоқни ечишга қаратилган талабанинг танқидий, таҳлилий ва ижодий қобилияти, масалани ечишга бўлган қараши, муаммонинг ечимиға қаратилган жузъий ёндашувини аниқлаш учун ўтказилади.

Мустақил таълим доирасида берилган топшириқлар талабанинг мустақил таҳлилий фикрлаш ва мушоҳада юритиш қобилиятини кучайтиришга қаратилади. Бунда талаба мустақил равишда ахборот-ресурс марказидан, интернет манбаларидан, статистик тўпламлардан, корхона маълумотларидан ва бошқа манбалардан фойдаланиши талаб этилади.

“Машинасозлик технологияси” фанидан талабанинг назорат турлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи аниқ мезонлар асосида назорат қилиниши мақсадга мувофиқ. Талабаларнинг ўкув фани бўйича мустақил иши жорий назорат жараёнда тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиқкан ҳолда баҳоланди.

Демак, амалий кўникмаларни ривожланиш жараёни олий таълим муассасалари талабаларининг амалий тайёргарлигига намоён бўлади. Шу сабабли, амалий тайёргарлик педагогик тизим сифатида олий таълим тизими таълим жараёнининг бир қисми ҳисобланади, деб хулоса чиқариш мумкин. Талабаларнинг амалий тайёргарлик дара-

жаси унинг шахсий ва касбий ривожланиши, илмий-техник тараққиёти талаблари, давлат таълим стандартига мос келиши ёки талабаларнинг амалий кўникумаларини ривожлангандик даражасининг сифат кўрсатикичини белгилайди.

1-жадвал

Талабаларда амалий кўникумаларни ривожланганини аниqlаш мезон ва кўрсаткичлари

Мезонлар	Даражалар	Кўрсаткичлар
Мотивацион-қадриятли	Юқори	Машинасозлик технологияси фани бўйича умумий билимлар металлар ва уларнинг хоссалари, хусусиятлари ҳамда дастгоҳлар ва технологик жараёнларга оид маълумотларга эга бўлиш
	Ўрта	Металлар турлари, хоссалари ва механик усулда ишлов бериш технологияси, техника хавфсизлиги қоидаларига оид билимларга эга бўлиши
	Паст	Металларга ишлов бериш, деталлар турлари, хоссалари ва механик усулда ишлов бериш технологияси, техника хавфсизлик қоидалари ва санитария-гигиена талаблари ҳакида тасаввурга эга бўлмаслик
Когнитив	Юқори	Цехлардаги технологик жараёнларда маҳсус ва умумхнат операцияларини билиш, технологик жараёнларни бошқариш, детал ва механизmlарни технологик лойиҳалай олиш, металларни саралай олиш, рангли металлар ва уларнинг қотишмаларининг механик хоссаларини билиш ва амалий машғулот жараёнида кўллай олиш, техника хавфсизлиги қоидаларига ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ишлай олиш
	Ўрта	Лойиҳалай олиш, детал ўлчамларини ўлчай олиш, режалай олиш, биринчи олиш, пардозлай олиш, кеса олиш, жилвирлай олиш, дастгоҳда ишлаш усулларини бажара олиш, бир неча детал ва тайёрланмага ишлов бера олиш, турли материалларга ишлов беришда, дастгоҳларда ва унинг мосламасида ишлаш жараёнида техника хавфсизлик қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ишлай олиш
	Паст	Метал ва металмас материалларнинг тузилиши,

2-жадвал

Амалий кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш варақаси.

Талабанинг фамилияси исми шарифи:		
№	Бажариладиган ишлар	Баллар % да
1	Детал чизмасини тушиниши. Тайёрланадиган деталга ишлатиладиган тайёрланмани таркибини таҳлил қилиб билиши.	5 %
2	Детални тайёрлаш жараёнидаги операциялар кетма-кетлигини таҳлил қилиб билиши.	5 %
3	Кесиш режимларини ва вақт нормаларини хисоблаб билиши.	10 %
4	Рақамли дастурда бошқариладиган дастгоҳ учун дастур ишлаб чиқиб билиши.	25 %
5	Рақамли дастурда бошқариладиган дастгоҳга махсус дастурни юклаб тайёрланмани ўрнатиб ишга тушириб билиши.	25 %
6	Рақамли дастурда бошқариладиган дастгоҳда топшириқни бажара олиши ва якунлаши.	25 %
7	Ишни якунлаши.	5 %
	Жами	100 %

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикасида қасбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 287-сонли Қарори.
2. Абдуллаева К.М. Махсус фанларни ўқитишида булажак ўқитувчиларнинг қасбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Автореф. дис. ...пед. фан. ном.- Т.: ТДГУ, 2006. – 22 б.
3. Ахметжанов М.М., Ўринов У.А., ва бошқалар. Қасбий таълим методикаси. Олий таълим муассасалари бакалавриат талабалари учун дарслик - Т.: «Фан ва технология», 2020. – 444 бет.
4. Олимов Қ.Т., Ашуррова С.Й., Ўринов У.А. Замонавий таълим технологиялари: Монография. – Тошкент, 2007. - 96 б.
5. Ўринов У.А. Олий таълимда ижтимоий ҳамкорлик доирасида талабанинг қасбий кўникма ва малакалари ни шакллантириш методикаси. “Педагогик маҳорат” журнал Бухоро, 2019. №3.
6. Ўринов У.А. Ишлаб чиқариш таълимидаги амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш усуллари. “Қасб – ҳунар таълими” журнал Тошкент, 2020. №3.

IBTIDOIY DAVR SAN'ATINI O'RGANISHDAGI ASOSIY OMILLAR

**D. J. TULANOVA - Nizomiy nomidagi TDPU" Tasviriy san'at" kafedrasining dotsenti
v.b.**

CH.SH. ISHANOVA - Sirdaryo viloyati Guliston tumani № 22 umumiy o'rta ta'limgakabi o'qituvchisi

Annotatsiya. Ibtidoi san'at - bu chuqurroq izlanishni talab qiladigan san'at tarixi sohasi. Ushbu maqola ibtidoi san'atning paydo bo'lishining o'ziga xos xususiyatlarini o'rganishga qaratilgan. Mualliflar san'at paydo bo'lishining barcha jihatlarini bosqichma-bosqich ko'rib chiqmoqdalar.

Аннотация. Первобытное искусство – это область знаний искусствоведения, которая требует более глубокого исследования. Данная статья направлена на исследование специфических особенностей возникновения первобытного искусства. Авторы поэтапно рассматривают все составляющие аспекты возникновения искусства.

Annotation. Primitive art is an area of art history that requires deeper research. This article is aimed at studying the specific features of the emergence of primitive art. The authors step by step consider all the constituent aspects of the emergence of art.

Kalit so'zlar: Altamira, asr, afsona, ibtidoi давр, san'at, tarixiy obida, tarix,

Ключевые слова: Альтамира, век, легенда, первобытный период, искусство, исторический памятник, история.

Keywords: Altamira, century, legend, primitive period, art, historical monument, history, architecture.

Ibtidoi davrda san'at mavjud bo'lganligi yaqindagina ma'lum bo'lgan, aniqrog'i XIX asrning birinchi yarmida. 1879 yil 12 yoshli qizaloq Mariya dadasi Marselino Sans de Satuola bilan 14 000 ming yillik tasviriy san'at asarlarini ochib berishga muvaffaq bo'ldilar¹. Ushbu topilma Ispaniyaning shimoliy qismida joylashgan Altamira (Kantabriya nomli ispan provintsiyasi) g'oridagi suratlar hozir animalistik janr deb ataladigan hayvonlarning rangli (yorqin qizil va zarg'aldoq ranglar) tasviri bo'lgan. Ibtidoi davr tasviriy san'atining ilk namunalari taxminan bizning eramizdan avvalgi 35-25 ming yillikka to'g'ri keladi. Zamonaviy nuqtai nazaridan kuzatib shuni ta'kidlashimiz kerakki agarda insoniyat material madaniyati tufayli ibtidoi davrda rivojlanishning primitiv bosqichida bo'lgan tarzda ham insonning ma'naviy madaniyatining rivoji ibtidoi davr(yuqori peleolit)da ham engyuqori cho'qqilarda bo'lib kelgan. Tepadagi

Altamira g'oridagi xayvon(bizonlar, kiyiklar, otlar)lar tasviri ushbu fikrimizning dalilidir.

Shuning uchun ibtidoi jamoa tuzumi san'ati tarixi, odamzod tafakkuri, histuygularining paydo bo'lishi va rivojlanishidan bohlab, yer yuzida birinchi davlatlarning yuzaga kelishigacha bo'lgan davr san'atini o'z ichiga oladi, o'rganadi va tahlil etadi. Ibtidoi jamoa tuzumidan bizgacha ashyoviy dalillar - mehnat va ov qurollari, uy-anjom va bezak buyumlari, odamlar yashagan manzil qoldiqlari yetib kelgan. Shular ibtidoi jamoa kishisining estetik va diniy qarashlarini bilishga, ibtidoi jamoaning madaniyati haqida tasavvur hosil qilishga yordam beradi². Tasviriy san'at tarixi fani uning tarixiy bosqichlarini nazarda tutgan xolda, boshqa fanlardan farqi insoniyat siymosida bu fan nafaqat barchaga ma'lum bo'lgan **Homo sapiens**(ongli inson)ni qabul qilgan, shuningdek san'atshunoslik nuqtai nazaridan insonning yana bir alohida e' tiborga

¹ Laura Perdew. A histori of art 2015 y.Oregon. An Imprint of Abdo Publishing | www.abdopublishing.com

² Н. У. Абдуллаев. Санъат тарихи 1 том. Т. «Ўқитувчи» 1986 й.7 бет.

loyiq nomi **Homo pictors** – «rasm chizuvchi inson», inson-rassom siy whole insonning birinchi qadamlari bo'lgan. Bir tadqiqotchi ibtidoi davrda yaratilgan tasvirlar g'orni hazil tariqasida "Ibtidoi Sikst kapellasi" deb nomlagan edi². Bunde tasviriy san'at o'choqlari sayyoramizning turli vohalari – Frantsiya (Fon de Gom, Montespan tog'larining g'ori), Sibirda, Donda (Kostenki), Italiya, Kavkaz, O'rta Osiyo, Angliya, Germaniya Shuningdek Tassili sahxolarida aniqlangan.

Insoniyat tafakkurining ilk shakllari bu – anropomorfizm va simvolizmlardir. Anropomorfizm – bu tabiatning inson qiyofasida ko'rishdir, ya'ni uni jonlantirib insonga hos bolgan xususiyatlarni tabiatga o'tkazishdir. Qadimgi afsonalarga ko'ra Koinot (kosmos) ham Yaratguvchi yoki birinchi Inson tanasining qismlaridan yaratilgan deb tanilgan. Koinotni inson tanasidan yaratilgan deb qabul qilish - bu bilishning barcha universal metodlarini o'z ichiga hamrab olgan, asosiy mifologik dalillarining ilk ko'rinishi deb xisoblasa bo'ladi, bulardan:

analiz (tahlil) – birinchi Insonning tanasini qismlarga bo'lish;

sintez – inson tanasidan Koinot yaratish;

induktsiya – insonga hos xususiyatlarni Koinotda ko'ra bilish;

deduktsiya – koinottuzilmasidan urug'chilik, ijtimoiy va diniy marosimiy munosabatlarni ajratib olish;

a b s t r a k t - k o ' r i n i s h g a keltirish(abstraktlashtirish)-predmetlardan alovida elementlari va xususiyatlarni ajratib olish;

umumlashtirish – mavhum xususiyatlarni personifikatsiya(gavdalantirish)lash;

taqqoslash - turli xususiyatlarni solishtirish; *klassifikatsiya* – sinflarga birlashtirish; ushbu tamoyil va metodlar qadimgi odamlar tomonidan anglanmagan xolda g'ayrihiyoriy tarzda qo'llanilgan. Shu tushunchadan so'ng umumiyl tushuncha hosil qilinadi: inson borliqning siy whole siy whole. Olim va faylasuf A.F.Kosarevning fikri bo'yicha:...Dunyoda insonda bor narsa

shakllangan, inson esa butun dunyoning cheksiz turli-tumanligini o'z ichiga hamrab olgandir⁴. Antropomorfizm ibtidoi davrda uch asosiy shakllarda namoyon bo'lgan:

Animizm (lot.anima - ruh) – rux va arvo, ins-jinslarga ishonch. Turli xalqlarda ruh turli ko'rinishda tasavvur qilingan. Masalan qadimgi Misrda Ka (Kaa) deb atalib soya qiyofasida tasavvur qilingan, Kavkaz xalqlari ruxni qush qiyofasida aks ettirishgan va x.k. Xattoki jonsiz predmetlarni ham ruhi bor deb tasavvur qilishgan.

Totemizm – (shimoliy amer. tilidan "totem" uning zoti) – insonning qandaydir xayvon turi yoki o'simliklar bilan bo'lgan qarindoshchilik munosabatlarni tasavvuri (masalan ilon, ayiq, kiyik va x.k.).

Sehrgarlik – ifodalash vosita, tushunchalar va real xayot aksini isbot qilsa ham o'rab turgan olamga nisbatan qandaydir xarakatlar orqali ta'sir o'tkazish, tabiat qonun-qoidalari xukmronlik qilishdir. Jodu va sexrgarlik insonning o'zining xarakatlariga nisbatan bo'lgan ishonchni mustaxkamlaydi, jodu insonni ruxlantiradi (ruxan va jismomonan), shuningdek mehnatni tashkillashtirishda amaliy natija va tizimga soladigan omil sifatida ishlatilgan. Ibtidoi davrda bironta ish jodu marosimlarsiz bajarilmagan. Shulardan keyinchalik kuyidagi sexrgarlik marosimlar paydo bo'lgan: bog'bonlik, baliq ovi marosimi, ov marosimlari, savdo-sotiq marosimlar, xarbiy, ishqiy, tibbiyot marosimlar va x.k.

Antropomorfizmning teskarisi simvolizm xisoblanadi. Simvolizm so'zining lug'aviy ma'nosi kuyidagicha yunon.symbolon - belgi, ramz, timsol. Simvol-bu faqatgina qandaydir predmetni yoki hodisani ko'rsatuvchi belgi emas, aksincha bu o'z ichiga murakkab motiv, siymoya, g'oyani hamrab olgan ma'noga ega belgidir. Barcha yuqorida qayd etilgan fikrlarni umulashirgan xolda kuyidagi xulosaga keldik: ibtidoi davrda afsonalar bilan birga vujudga kelgan diniy-marosimiy tushunchalar jamiyat rivojlanishining ilk bosqichlaridagi tabiat va ijtimoiy borliqning anglash usuli bo'lgandir. Dunyoning afsonaviy qabul qilish tabiatga insonga xususiyatlarni ato etib, koinotni

³ Н.А. Дмитриева. Краткая история искусств. Книга 1.М. «Искусство» 1996. Стр.9

⁴ А.Ф.Косарев. Философия мифа: мифология и её эвристическая значимость. М.,2000. 96-97 бетлар.

jonlantirish, inson va tabiatni uyg'unlashtirish o'hshatish", ya'ni tushunarli va aniq qilish va aksincha borliqni inson bilan bohlab, "o'ziga kabilarni maqsad qilgandir.

Используемая литература:

1. Н.У. Абдуллаев. Санъат тарихи 1 том. Т. «Ўқитувчи» 1986 й.
2. Laura Perdew. A history of art 2015 y.Oregon. An Imprint of Abdo Publishing www.abdopublishing.com
3. Н.А. Дмитриева. Краткая история искусств. Книга 1.М. «Искусство» 1996.
4. А.Ф.Косарев. Философия мифа: мифология и её эвристическая значимость.М.,2000.
5. D.J.Tulanova. Tasviriy san'at tarixi. Darslik. «ADABIYOT UCHQUNLARI» MCHJ nashriyoti. Т. 2021 y.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ –КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ

УМАТАЛИЕВ ЗАФАР АСҚАРАЛИЕВИЧ
МТТДМҚТМОИ таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада педагогика колледжларида таълим беришда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишининг зарурияти, мактабгача ёшдаги болаларни умумий ривожланишида компьютер ва рақамли технологияларнинг аҳамияти, бўлажак тарбиячиларнинг ахборот –коммуникация технологияси бўйича тайёргарлигини ошириш жараёнини такомиллаштиришнинг мазмуни ёритилган.

Аннотация. В данной статье освещается важность эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в обучении в педагогических колледжах, значение компьютерных и цифровых технологий в общем развитии дошкольников, содержание совершенствования процесса подготовки будущих педагогов в области информационно-коммуникационных технологий.

Annotation. This article highlights the importance of effective use of information and communication technologies in teaching in teacher training colleges, the importance of computer and digital technologies in the overall development of preschool children, the content of improving the process of training future teachers in the field of information and communication technologies.

Таълим соҳасига янги ахборот-коммуникация технологияларининг доимий равишда кириб келиши педагогика колледжлари талабаларини ўқитиши такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади. Мактабгача таълим тизими учун маълумотларга бой бўлган малакали, ахборот коммуникация технологиялари бўйича етарли тайёргарликка эга, масъулиятли қарорларни қабул қилишга қодир бўлган фаол ҳамда ижодий қобилиятли тарбиячиларни тайёрлаш - бу жадал ривожланаётган жамиятнинг долзарб вазифасидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос

юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фен ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда [1].

Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) дидактик имкониятларини ривожлантириш ва уларни таълимга жорий қилиш, Ўзбекистон Республикасида Интернет тармоғига уланиш кўламининг тобора кенгайиб бориши, онлайн ўқитиш тизими, масофаий ўқитиш тизимига ўтиш ўқитувчининг АКТ бўйича тайёргарлигини ривожлантиришнинг долзарблигини белгилаб берди [2].

Рақамли технологияларнинг таълим ти-

зимига кириб келиши янгича мулокот мұхитини яратиб бераётганды ЮНЕСКО ташкилоти томонидан эътироф этилган бўлиб, бу жараёнда ўқитувчидан нафақат рақамли технологиялар билан ишлаш малакаси, "Simple abilities" – маълумот қидириш ва ахборотларни яхлит идрок этиш, ахборотлар моҳиятини ижобий ва танқидий тарзда баҳолаш, жамоавий ишлаш ҳамда ижодий, мантиқий фикрлаш каби қобилиятларни эгаллаш талаб этилади [3].

Хорижий олимларининг тадқиқотларида мактабгача таълимда ахборот коммуникация технологиялари соҳаси бўйича иккита йўналиш ажратиб кўрсатилади:

1. Ахборот коммуникация технологияларининг болалар боғасига киритилишидан мақсад мактабгача таълим ва тарбия жараёнида ундан самарали фойдаланиш ҳамда машғулотларнинг турли моделларини яратишдир.

2. Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда ахборот коммуникация ва рақамли технологияларнинг афзаллiği ва ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий хулқ-атворга, бола ривожланишига, таълим ва тарбия жарайёнига, таъсирини ўрганишдан иборатдир.

Иккала йўналишда ҳам фаолиятларни амалга ошириш учун мактабгача таълим ташкилотларида турли хил дастурий воситалардан, роботлар, компьютер томонидан бошқариладиган ўйинлардан, шунингдек, маҳсус мантиқий ва дидактик компьютер дастурларидан фойдаланилган. Масалан, Японияда робот ўйинчоқлар, Францияда эса электрон кўшиқ китоблари шулар жумласидандир.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, ҳаётининг олтинчи йилида болаларда дидактик ўйинлар ёрдамида мақсадга муовфика равишида бирон бир фаолиятни амалга ошириш қобилиятини шакллантириш мумкин.

Д.И.Цицхвая ўз тадқиқотларида "визуал-самарали ва визуал-мажозий фикрлашни ривожлантирадиган, маълумотларга образли шакл беришга ҳаракат қиладиган маҳсус дидактик ва компьютер ўйинларини" яратиша чақиради [4].

Швейцариялик психолог Ж.Пиагетнинг назариясига кўра, боланинг ақлий ривожланишининг бир неча босқичлари бор ва 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган бола ҳаракатгача бўлган босқич деб аталади. Ушбу даврда маълумотларнинг энг катта қисми унинг хотирасида сақланади, атроф-муҳит билан алоқа қилишнинг дастлабки кўникмалари: ахборот тўплаш,

тўплаш ва қайта ишлаш, дунёнинг фаол ривожланиши, унинг сабаб-оқибат алоқалари сингдирилади. Ушбу ёшдаги болалар онгизравишида, лекин фаол равишида моделлаштириш билан шуғулланадилар, атрофдаги дунёни ўзлаштирадилар: улар ҳар бир янги ном учун тушунчалар тизимида жой ажратадилар, янги ҳаракатларни бажариш усулларини ўзлаштирадилар [5].

Ушбу ёшдаги болани компьютер ва бошқа рақамли воситалар билан ишлашга ўргатиш орқали уларга ҳарфлар, белгилар, рақамларни таништириш мумкин.

Тадқиқотчилар таъкидлашича: бола компьютер ва бошқа рақамли воситалар билан қанчалик тез танишишни бошласа, ўзини ҳисоблаш дунёсида ўзини эркин ҳис қиласди. Дидактик ва компьютерли ўйинлар ўйин шароитида боланинг ривожланишига ҳисса қўшадиган асосий шартлардан бири бу унинг қизиқиши, боланинг йўналтирилган фаоллигини келтириб чиқарадиган янгилиkdir. Бу психофизиологик функцияларни сафарбар қилишга олиб келади ва шу асосда янги билимларни ўзлаштириш энг яхшисидир.

Мактабгача таълим ва тарбия жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш болани бутунлай янги, сифат жиҳатидан ҳар хил ривожланиш ҳолатига келтиради. Тафаккурни фаоллаштириш, янги билимларга интилиш муқаррар равишида мустақиллик, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, қатъиятлилик, диққатлилик, концентрация каби қимматли шахсий фазиллатларни шакллантиришга олиб келади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жуда катта ривожланиш эффиқти расм чизишида, компьютер ўйинлари ва мусиқа машғулотларида кузатилган. Агар ана шу ёндашув ва талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, замонавий тарбиячини тайёрлашнинг мавжуд тизими унинг мактабгача таълим ташкилотида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб машғулотларни ташкил этиш етарли даражада эмаслигидан далолат беради.


Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, шунингдек бизнинг тадқиқотларимиз асосида педагогика коллежлари ўқувчилари ахборот коммуникация технологиялари тайёргарлик жараёни моделини таклиф қилдик (1-схема).

Ушбу модельда педагогика коллежлари талабаларини келажақда мактабгача таълим ташкилотларида фаолият кўрсатишида

ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича билим ва кўнікмаларини шакллантириш жараёни тасвирланган. Моделда бўлажак тарбиячиларини талабаларини ахборот коммуникация технологиялари бўйича тайёргарлигини таъминлаш мақсади қўйилган ҳамда ушбу мақсадни амалга ошириш мазмуни ва шакллари келтирилган.

Талабаларни ахборот коммуникация технологиялари бўйича тайёргарлигини ша-

кллантириш асосан ўкув режасига мувофиқ “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанидан назарий ва амалий машғулотларни олиб бориш давомида амалга оширилади. Шунингдек дарсдан ташқари машғулотларда тўгараклар, мастер класслар ва тренинглар орқали ахборот коммуникация ва рақамли технологияларидан фойдаланиш ўргатилади. Талаб бўш вақтида мустақил онлайн курсларга ва бошқа дастурӣ воситалар орқали ўзини янада ривожлантириш назарда тутилган.



1-расм. Педагогика колледжлари талабаларини ахборот коммуникация технологиялари бўйича тайёргарлик жараёни модели

Используемая литература:

1. Беспалько, В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: Просвещение, 2001. – 336 с.
2. Болтаева З. З. К вопросу о личностно ориентированном подходе к развитию познавательной активности студентов в условиях коллаборативной среды. // Молодой ученый. Международный научный журнал № 16 (254) / 2019 с. 253.
3. Болтаева З.З. Коллаборативная среда в обучении как благоприятное условие для повышения качества знаний. // “Развитие науки и технологий”. Научно-технический журнал. №1.Бухара. 2019. с.151-155.
4. Дьяченко, В. Сотрудничество в обучении. – М., 2001. – 246 с.
5. Педагогический энциклопедический словарь /Под ред. Б.М.Бим-Бада. М.: Научное издательство «Большая Российская энциклопедия», 2002. - 765 с.
6. Collaborative Learning: Group Work // Center for teaching excellence / Cornell University.URL:<http://www.cte.cornell.edu/teaching-ideas/engaging-students/collaborative-learning.html>

МИЛЛИЙ АНЬАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШДА ЎЗБЕК КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБЛАРИНИНГ ЎРНИ

БУВАЕВ В. С.

**Наманган давлат университети, “Амалий санъат ва рангтасвир” кафедраси катта
ўқитувчиси**

УМАРОВ Х. Т.

**Наманган давлат университети, “Амалий санъат ва рангтасвир” кафедраси ўқи-
тувчиси**

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек кулолчилик мактаблари томонидан ушбу санъатни янада ри-
вожлантириш, анъана ва қадриятларимизни тиклаш, кенг тарғиб этиш ва уни ёшларга ўргатиш бораси-
да амалга оширалаётган ишлар ёритилган.

Калит сўзлар: лой, кулолчилик мактаби, уста, анъана, шогирд, хунарманд, нақш, безак, буюм,
услуб, чинни, идиш.

Аннотация. В этой статье освещается работа узбекских гончарных школ по дальнейшему раз-
витию этого искусства, восстановлению наших традиций и ценностей, их широкому продвижению и
обучению молодежи.

Ключевые слова: глина, гончарная школа, мастер, традиция, ремесленник, узор, декор, изделия,
стиль, фарфор, посуда.

Annotation. This article highlights the work of Uzbek pottery schools to further develop this art, restore
our traditions and values, promote them widely and educate young people.

Key words: clay, pottery school, master, tradition, craftsman, pattern, decor, products, style, porcelain,
dishes.

Ислом динигача бўлган даврда оила-
ни турли муаммолардан ҳимоя қиласи
деган ақидага кўра, лойдан худолар ясалган, бола-
лар хуштаклари ҳам лойдан ясалган. Лой -
идиш-товоқ тайёрлаш учун алмаштириб бўл-
майдиган ашё хисобланган. Хайратланарлиси
шундаки, Ўзбекистонда кўплаб касбларнинг
орасида кулолчилик санъатини қадим замон-
лардан бери энг шарафли ва ҳурматга сазовор
касб сифатида эътироф этиш жоиз. Мамла-
катнинг ҳар бир минтақасида ўзининг қадимги
кулолчилик мактаблари мавжуд бўлиб, унинг
бадиий анъаналари узоқ ўтмишга эга.

Самарқанд атрофидаги Афросиёб тепа-
ликларидан археологлар кўплаб ҳайкалчалар –
терракотадан ясалган ҳаёлий ҳайвонлар,
аждаҳо ва шерларнинг тасвирлари, афсона-
вий Марақанддан икки минг йил олдин яшаган
номаълум усталар томонидан ясалган сопол
идишлар парчалари топилган. XX асрнинг
ўрталарида ҳалқ устаси – кулол Умар Жўра-
кулов олимларнинг топилмаларига диққат билан
назар ташлар экан, у қадимиий безаклар
ва пластика техникаларни ўрганиб, қадимиий
санъатни тиклаган ҳолда ажойиб фигуralарни
ясашни бошлаган. Ҳозирги кунда устазода
номи билан аталган Самарқанд кўчаларидан
бирида жойлашган кулолчилик устахонасида
унинг шогирдлари Афросиёб кулолчилик анъ-

аналарини давом эттироқдалар. Эшак ва от-
ларга мингтан кулгили чавандозлар, чойхона ва
бозор манзаралари, масҳарабозлар ва аждар-
лар каби терракота маҳсулотлари сайёҳлар-
нинг Самарқандга қилган сафарлари хотираси
сифатида яхши эсдалик совғаси бўлади.

Лой ўйинчоқлар кўплаб ҳунармандлар
томонидан ясалган, аммо уларнинг ҳақиқий
санъат асари даражасига етказиш ҳаммага
ҳам насиб қилавермайди. Ўйинчоқ ҳуштаги қа-
димги Уба қишлоғида яшаб ижод қилган ҳунар-
манд Ҳамро Раҳимовага машҳурлик келтирган.
Бугунги кунда анъаналарни сақловчи унинг
шогирди Кубаро Бобоева ўз шогирдларига кўп
бошли отлар ва қўзиларни, ёрқин бўялган ва
қаттиқ жаранглайдиган ҳуштакларни ясашни
ўргатмоқда.

Убадан узокроқда, Бухородан қирқ кило-
метр олисда, Буюк Ипак йўли бўйлаб ўзининг
кулолчилик буюмлари билан машҳур бўлган
Фиждуон шаҳарчасида Ўзбекистон Бадиий
академиясининг ҳақиқий аъзоси, машҳур уста
кулол Алишер Нарзуллаев яшайди. У кулол-
лар суполасининг олтинчи авлоди ҳисобла-
нади. А.Нарзуллаев томонидан тайёрланган
идишлар – лаган, пиёла, коса, вазалар товус
патлари рангини эслатувчи нақшлар билан
безатилган. Қалин сир қатлами билан тин-
члантирилган бўёқларнинг ёрқин ранглари

акварелнинг юмшоқлиги ва гўзаллигини касб этади. Кулол чархи устида ишлаш, лойдан ғайриоддий шаклга эга буюмларни яратиш ва уларни бадиий безаш сирлари Алишерга унинг отаси усто Ибодулло Нарзуллаев томонидан мерос қолган.

Дунёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири – Хивада Хоразм куполчилик мактаби ривожланди, у геометрик нақшларининг график жиҳатдан аниқлиги, маҳобатлилиги билан ажралиб турди. Куполчилик буюмларидаги нақшлар қадимги Иchan-Қальъанинг машхур меъморий ёдгорликлари деворлари маёлика безаги билан шу қадар қўшилиб кетиши ёрқинликни акс эттиради. Бу эса бугунги ҳунармандлар хон саройи ва масжидларини безатган ҳалқ усталарининг бевосита авлодлари эканидан далолат беради. Замонавий куполлар ишкор сирини тайёрлаш учун худди шу табиий модда, аралашмалардан фойдаланганлар, улар аждодлари томонидан сўнмайдиган кўк, нилоби, феруза плиталарини тайёрлаш учун ишлатилган.

Ўзбекистоннинг исталган бурчагида куполчилик санъати ихлосмандлари ўзига хос ноёб бадиий безак услуби, декоратив шаклларнинг соғлиги ва қўлда тайёрланганлик жонли туйғусининг шоҳиди бўлишлари мумкин. Аммо куполчилик санъатининг чинакам билимдонлари Фаргона водийсининг Риштонига боришга интиладилар.

Тарихий маълумотларга кўра, сопол идишлар Риштонда минг йил аввал пайдо бўлган. Риштон куполлари, қўзагарлари ўзларини куполчилик санъати асосчиларининг авлодлари ва эски анъаналарни сақловчилари, деб билишади.

Ўрта асрларда Риштон усталарининг санъати Буюк Ипак йўли бўйлаб кўплаб шаҳар ва мамлакатларда шухрат қозонган. Амир Темур ўзининг қудратли Мовароуннаҳр империясини яратгандан сўнг, ушбу империянинг бозорларида барча мамлакатларнинг энг яхши товарларини топиш мумкин эди. Энг қиммат баҳо буюмлар орасида хитой оқ чинниси ҳам бор эди. Аммо хитойликлар уни ишлаб чиқариш сирини ҳеч кимга бермаганлар.

Маълумки, Амир Темур XIV аср охирида бир неча усталарни Самарқанддан Риштонга жўнатган. Айнан ўша пайтда хитой оқ чинниси ишлаб чиқариш технологиясини аниқлашга уринишлар қилинган. Фаргона водийсида юқори сифатли каолинли лой конлари бўлмаганлиги сабабли, бу уринишлар муваффақиятсизликка учради. Лекин Риштонда «чинни» деб

номланган, оқ сир билан қопланган маҳаллий лойдан ярим фаянс ясаш усули топилган. Ушбу услугуб ўзбек заминида ўзига хос ривож топди. Айтиш керакки, Риштон куполлари томонидан XIX асрнинг ўзидаёқ чиннидан идишлар тайёрланган. Қадимги Шарқ эътиқодларига кўра, ҳаво ранг бахтни англатади, чунки у сув ва осмон рангидир.

Ҳозирги кунда Самарқанд, Фиждувон ва Тошкентнинг ҳалқ усталари маҳсулотни қоплаш учун асосан қўроғшин сиридан фойдаланишади. Риштон куполлари эса ҳанузгача ўзларига маълум бўлган буталар кулидан тайёрланган “ишкор” суғориш усулини қўллайдилар. Усталар унга қалай, кобалт оксиди, мис ёки темир қўшадилар. Ушбу қўшимчаларнинг кул таркибидаги калий билан бирикмасига қараб ишкор сир ультрамарин, фируза, оқ, қора ёки жигарранг рангларга эга бўлади.

Ўзбекистоннинг бошқа куполчилик марказида Риштондаги каби турли хил маҳсулот шакллари мавжуд эмас. Турли таомлар солиш учун лаган, коса ва шокоса, улкан кўза ва хумлар, қўшкулоч, офтоба, ўрдак – ҳаёлий қуш шаклидаги идишлар – куполлар фантазиясининг чегараси йўқ.

Узоқ ўтмишдан нақшли безаклардан иборат сеҳрли тасвирлар мавжуд бўлган, аммо уларнинг рамзий ва бадиий ечими авлоддан-авлодга қандай қилиб ўтиши ҳали ҳам маълум эмас. Усталар куполчилик буюмларини анор мевалари, айлана ва спирал безаклар – қуёш, ой ва коинотнинг қадимий рамзлари билан шохча шаклидаги нақшлар билан безашган.

Сўнгги йилларда Ибрагим Комилов, Рустам Усмонов, Шарафутдин Юсупов, Маҳмуд Азизовнинг шогирди усто Набијон Қодировнинг ишлари Швейцария, Германия, Япония, Италия, Венгрия, Франция, Бельгия каби давлатларда бўлиб ўтган кўргазмаларда томошибинлар томонидан эътироф этилган.

Риштонда усталарининг ташаббуси ва маҳаллий ҳокимиятнинг қўллаб-куватлаши натижасида етакчи купол усталарнинг ижодини тарғиб қилиш сезиларли даражада фаоллашди. Машхур марказнинг бир қатор музейлари ва ҳалқ усталарининг ижодий студиялари ташкил этилди. Улар орасида таникли уста купол Ибраҳим Комиловнинг уй-музейи, Рустам Усмонов томонидан яратилган уй-галерея (1997), Алишер Назировнинг ижодий устахонаси (2005) шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, Риштон куполчилигининг ишлаб чиқаришдаги ижодий ва ташкилий му-

аммоларга қарамай, Марказий Осиёдаги ушбу йирик анъанавий куполчилик маркази тўғри йўналишда ривожланаётганлиги ишончни руҳлантиради. 2021 йилнинг 29 январь куни Риштон туманида куполчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган марказнинг ишга тушиши юқоридаги фикрларнинг яқъол далили сифатида эътироф этиш жоиз [2, 8].

Риштон яқинидаги Минор қишлоғидан Музаффар Саидов ҳам ишқорли куполчилик анъаналарида фаолият олиб боради ва Наманган вилоятида қадимги Фурумсарай қишлоғида энг кекса уста Фафуржан Машарипов устози – таниқли усто Кенжа анъаналарини давом эттиради. Айнан Фурумсарайда, тошкентлик таниқли уста купол, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзоси Акбар Раҳимов бундан бир неча йил олдин усто Махмуд Раҳимовдан кўк сирли “ишқор” тайёрлашнинг қадимији технологияси сирларини ўрганган.

Тошкентнинг Кўкча даҳасида шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири – Мухитдин Раҳимов номидаги уй-музей жойлашган. Машхур куполлар сулоласининг тўртинчи авлод вакили, купол-технолог, олим, серқирра ижодкор ажойиб ҳаёт йўлуни кечирган. Қадимги куполчилик марказларига уюштирилган археологик экспедициялар, кўплаб саёҳатларда у Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона водийси куполчилик санъатининг анъанавий бадиий техникасини пухта ўрганган.

Мухитдин Раҳимов ўз ишини жуда севар, кунини асосий ишига – купол чархида ранг-бранг буюмлар ясашга ва уларни безатишига бағишилаган. У Кушон ва Темурийлар даврига оид жуда кўп турли хил ажойиб асарлар яратиб, ўша давр куполчилик услубини қайта тиклашга муваффақ бўлган. М. Раҳимов яратган асарларида тинчлик ва фаровонлик рамзи бўлган жаннат қушларининг сурувлари, мураккаб геометрик нақшлар ва стилизация қилинган араб ёзувлари бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Уста Мухитдин куполчилик анъаналари, ўзининг беназир маҳорати ва мукаммалликка интилишини ўғли Акбарга мерос қолдирган [1, 39].



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Алиева С.Ш. Купол Акбар Раҳимов // SAN'AT. – Т.: 1999. – № 2. – Б.38-40.
2. Алиева С.Ш. Особенности керамики Ферганской долины // SAN'AT. – Т.: 2011. – № 1. – С.6-9.
3. Алиева С.Ш., Хакимов А.А. Метаморфозы в керамике Узбекистана: индивидуальность и традиция // SAN'AT. – Т.: 2012. – №3. – С.29-33.
4. <https://abasayyoh.com/ru/attractions/156#>

Таниқли купол-рассоми Акбар Раҳимов отаси вафотидан сўнг хусусий уй-музейини яратган. У ерда отасининг куполчилик устахонаси, шахсий буюмлари, китоблари ва албатта устанинг асарлари асосий ўринни эгаллади. Шунингдек, бу ерда Акбар аканинг ва унинг ўғли, сулоланинг олтинчи авлод давомчиси Алишер Раҳимовнинг асарлари тўпланган. Ёш бўлишига қарамай машҳур куполлар сулоласи давомчиси, истеъдодли рассом Алишер Раҳимов томонидан яратилган буюмлар нафақат Ўзбекистонда балки, дунённинг Франция, Германия ва Япония каби давлатларида ўtkазилган кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилган. У оиласвий анъаналарни давом эттириб, Кушонлар ва Темурийлар даврига оид сайқалланган куполчилик услубида ижод қилиб келади. Алишернинг V аср Тошкент ўйма куполчилигини қайта тиклаш устида иш олиб бораётганлиги тахсинга лойик [4].

Мамлакатимизда қадимдан миллий қадрият сифатида ривожланиб келаётган куполчилик анъаналарини асраб-авайлаш, халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, уни кенг тарғиб этиш, халқ усталарининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ёшларни ушбу санъатга жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 марта “Куполчиликни жадал ривожлантириш ва кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5033-сон қарорида ҳудудларда куполчилик анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, куполчилик фаолияти билан шуғулланаётган ҳунармандларни ҳар томонлама кўллаб қувватлаш, уста-шоғирд мактаблари фаолиятини тубдан такомиллаштириш орқали ёшларни соҳага кенг жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбек куполчилик мактаблари томонидан ушбу санъатни янада ривожлантириш, анъана ва қадриятларимизни тиклаш, кенг тарғиб этиш ва уни ёшларга ўргатиш борасида амалга ошираётган ишлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Д.АБИДОВА - , Педагогик инновациялар институти
мустақил тадқиқотчиси**

Annotatsiya. Ушбу мақолада таълим жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал компетентлигини шакллантиришнинг моҳияти, интеллектуал компетентликни мазмуни, рақобатбардош мутахассис сифатида таркиб топиш кўникмаларини онгли равишда эгаллашда ривожлантирувчи таълим технологияларининг аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: интеллект, интеллектуал компетенция, касбий компетенция, инновация, креативлик, мотивация, метод.

Аннотация. В статье подчеркивается важность развития интеллектуальной компетенции студентов в образовательном процессе, содержания интеллектуальной компетенции, значение развивающих образовательных технологий в осознанном приобретении навыков конкурентоспособного специалиста.

Ключевые слова: интеллект, интеллектуальная компетентность, профессиональная компетентность, новаторство, творчество, мотивация, метод.

Annotation. The article emphasizes the importance of developing students' intellectual competence in the educational process, the content of intellectual competence, the importance of developing educational technologies in the conscious acquisition of the skills of a competitive specialist.

Key words: intelligence, intellectual competence, professional competence, innovation, creativity, motivation, method.

Таълим олишнинг замонавий шароитларида компетентли ёндашув мамлакатимизда таълимни ривожлантиришнинг етакчи стратегияларидан бири сифатида қабул қилинди ва меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда(компетенциявий талабларга асосланган малака талабарини ишлаб чиқилиши). Мазкур ёндашувнинг маъно ҳосил қилувчи компоненти ўқувчиларнинг касбий компетенлиги пойдеворини шартлаб берувчи асосий (таянч) компетенциялар, метафазилатлар тўплами, шахс фазилатлари ҳисобланади.

Замонавий мутахассисга қўйиладиган талаблар фаолиятнинг янги соҳаларини мустиқил эгаллаш имконини берувчи касбий ва интеллектуал мобилликни, мустақил таълим кўникмалари, тадқиқот фаолияти тажрибасини ортиришдан иборат[1].

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар обьекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизmlари, уларнинг психологияк таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсатгични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), микдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсатгичларни

аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам кўшганлар.

Ч. Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсатгичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснингина қобилиятли, деб аташ мумкин.

Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Бугунги кунда фикрловчи инсон кузатиш, таҳлил қилиш, таклиф киритиш, қабул қилган қарорларига жавобгар бўлиши ҳамда низолар ва зиддиятларни бартараф қилиши шарт [2].

Замонавий жамиятга мустақил, танқидий фикрловчи, күриш, ўйлаш ва юзага келаётган муаммоларни ижодий ҳал қилишни биладиган инсон керак». Юқори даражада ривожланган интеллектли креатив инсон ташқаридан манипуляция қилинишга мойилиги кам бўлади, кўп ҳолларда у итоаткор бажарувчи ролига ўтмайди.

Интеллектнинг асосий вазифаси бу – инсоннинг шахсий эркинлиги ва ўз индивидуал тақдирини ўзи таъминлай олишининг кафолатидир [4].

Ахборотлашган жамият шароитида интеллектуал ишлаб чиқаришга ўтишда меҳнат характеристири ва шунга мос равишда, мутахассисларга қўйиладиган талаблар ўзгаридаи [5].

Бутун жаҳон конгрессида таърифлаб берилган мутахассисга қўйиладиган талаблар тизимида таъкидланишича, замонавий мутахассис қўйидагиларга эга бўлиши шарт:

- таълим олишни давом эттириш ва бошқа тилда гапирувчилар мұхитида касбий фаолиятини амалга ошириш;
- фикрлаш маданиятига эга бўлиш, тафаккурнинг умумий қонуниятларини билиш, ёзма ва оғзаки нутқда ўзининг натижаларини түғри (мантиқий) ифодалашни билиш;
- фаннинг ривожланиши ва ижтимоий амалиётнинг ўзгариши шароитида йигилган тажрибани қайта баҳолаш, ўз имкониятларини таҳлил қилишга қодир бўлиш; ўзининг кучли ва бўш томонларини билган ҳолда, ўзини ўзи рӯёбга чиқариш қобилиятига эга бўлиш;
- бўлажак ихтисослигининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини ҳамда фаолиятининг аниқ соҳасини белгилаб берувчи фанларнинг асосий муаммоларини тушуниш, билимларнинг яхлит тизимида уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўриш;
- тизимли ёндашув асосида профессионал соҳада лойиҳалаш фаолиятига қодир бўлиш, турли ҳодисаларни тавсифлаш ва прогнозлаш учун моделларни қуриш ва улардан фойдаланишини билиш, уларнинг сифатий ва миқдорий таҳлилини амалга ошириш;
- муаммони кўришга қодир бўлиш, касбий функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни таърифлаб бериш, уларни ҳал қилиш учун ўргангандан фанлар усулларидан фойдаланишини билиш;
- ҳамкаслар билан бирга ишлаш ва жамоада ишлашга тайёр бўлиш, бошқариш усулларини билиш, бажарувчилар ишини ташкил қилишни билиш, турли фикр-мулоҳазалар мавжудлиги шароитида бошқарув билан боғ-

лик қарорларни топиш ва қабул қилишни билиш;

- ўз касбий фаолиятининг кўриниши ва характеристининг ўзгаришига, фанларарабо лойиҳалар устида ишлашга методик ва психологияк жиҳатдан тайёр бўлиш;
- касбий масалаларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш ривожланган қобилиятига эга бўлиш, ҳар қандай вазиятларда йўналишни топа олишни билиш; муаммолар, вазиятлар, вазифаларни таҳлил қилиш, шунингдек ҳаракат режаларини ишлаб чиқишни билиш.

Мамлакатимизда таълимга янгича ёндашувларни қўлланилиши, профессионал таълимни жорий этилиши, технологияларнинг жадал ривожланиши ва янгиланиши касбий фаолиятнинг сифати ва шарт-шароитларини узлуксиз ўзгартириб, мутахассисни меҳнат билан боғлиқ ҳаёти давомида бир неча бор касби доирасида фаолиятнинг янги усуллари ва турларини эгаллаш, малакаси ва таълим даражасини ошириш, иш жойи ва хатто касбни алмаштиришга мажбур қиласи. Замонавий таълим тизими асосий зиддиятнинг – ахборот ортишининг тезкор суръати ва алоҳида олинган инсоннинг уларни ўзлаштириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви давом этмоқда. Мазкур ҳолат педагогик назарияни интеллектуал қобилияларни ривожлантириш индивидуал психологик механизмларни актуаллаштиришнинг самарали йўлларини излашга кўпроқ эътибор беришга мажбур қиласи. Шу боис биз мақолада ривожлантирувчи таълим назариясига эътиборни қаратамиз.

Ривожлантирувчи таълимнинг энг муҳим жиҳати (қоидаси) ривожланишнинг ижодий характеристидир. Ижодий тафаккурни шакллантирувчи таълимгина ривожлантирувчи бўлади. Ривожлантирувчи таълимнинг асосий кўрсатикичларга қўйидагилар киради: фикрнинг оригиналлиги (барча қабул қилган, типик фикрлардан фарқ қилувчи, “камдан-кам” учрайдиган фикрларни ишлаб чиқариш қобилияти); ғайри оддий деталлар, зиддиятлар, ноаникликларга идроклилик (сезувчанлик); бир ғоядан бошқасига эгилувчанлик билан ва тез ўтиш; идрок ва тафаккурнинг стереотипли усуллари ва қолилларидан воз кечиш қобилияти; маълум муаммоларнинг ечилиши усуллари такомиллаштиришга интилиш; ассоциатив алоқаларнинг пайдо бўлиш тезлиги; муамма, унинг ҳали ўрганилмаган ечимига «идро-клиник»; объектнинг янги ҳали ўрганилмаган функцияларини топиш қобилияти; муаммолар

ва зиддиятларни англаб етиш, шунингдек вазиятнинг етишмаётган элементларига нисбатан фаразлар таърифлаб бериш қобилияти.

Ўкув жараёнини ташкил қилиш нуқтаи назаридан таълим – мураккаб, маҳсус ташкиллаштирилган, мотивацияли билиш фаолигини юзага келтирадиган жараён. Ушбу тизим талабаларни интеллектуал фаолият жараёнида қийинчиликларни енгиш асосларидан, шунингдек усуллари ва уларни нотирипик, янги вазиятларда баратараф қилишдан хабардор қилишни кўзда тутади. Бўлажак мутахассиснинг шаклланиш жараёни касбий мотивациянинг мавжудлиги, аҳамиятли натижаларга эришишга йўналганлик, мустақил таълим олиш ва ўзини ўзи тартибга солиш фаолияти тажрибасини кўзда тутади. Демак, ҳар бир талаба унга керакли билимларни қандай эгаллаши мумкинлиги, ўзини ўзи рўёбга чиқариш йўлида ички имкониятларини қандай қилиб очиш ҳақида маълумот олиши учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Индивидуаллик педагогикаси муаллифи О.С.Гребенюк педагогнинг асосий вазифасини таълим олувчига унинг шахс сифатида ва интеллектуал ривожланишида ёрдам беришда кўради ва бутун педагогик амалиёт инсон кучлари моҳијатининг барча соҳаларини ривожлантириш ва

такомиллаштирига йўналган бўлиши керак. Инсон индивидуаллигини ривожлантириш деганда муаллифлар унинг барча: интеллектуал, мотивацион, иродавий, эмоционал, предметли-амалий, ўзини ўзи тартибга солиш ва экзистенциал соҳаларини ривожлантиришни тушунадилар.

Интеллектуал компетентликнинг ривожланиш даражаси таълим мазмунини ақлий фаолиятнинг қандай воситалари ва усуллари ташкил қилишига, ўкув жараёнини ташкил қилишнинг қандай усул ва шакллардан фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Шундай қилиб, интеллектуал компетентликнинг асосий блоки, “энг теран ўзаги” сифатида ажратиш интеллектуал компетентлик ўқувчи-талабалар билиш фаолиятининг индивидуал услубининг асосини ташкил қилиши билан шартланган. У ахборот билан ишлашнинг шахсий тизимини, фаолиятнинг функционал маъновий контекстини ўзгартирувчи (қайта ташкил қилувчи) контекстга ўтказиш натижасида янги билимлар тизимини ўзлаштириш ва яратиш қобилиятини; касбий фаолиятда мобилликка халал берувчи тафаккурнинг эскирган стереотиплари ва идрок қилиш қолилларини қайта кўриб чиқишга тайёрликни шартлаб беради.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Абдуқодиров А.А., Тураев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги булажак мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантириш назарияси ва методикаси. Монография. - Тошкент: “Navro’z”, 2015. - 174 б.
2. Тураев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасининг булажак кадрлари компетентлигини шакллантириш боскичларида касбий компетентлик тушунчаларининг урни // Таълим, фан ва инновация. - Тошкент, 2016. - №4. - Б. 46-50.
3. Гончарук Н.П. Формирование научно-исследовательской компетенции будущих специалистов/ Н.П. Гончарук, Г.С.Сагдеева// Вестник Казанского технологического университета. Казань: КГТУ, №3, 2013. -С.315-321.
4. Егорова Г.И. Технологии развития интеллектуальной культуры будущего специалиста: учебное пособие / Г.И.Егорова. - Тюмень : ТюмГНГУ, 2010.-170с.
5. Б.Зиёмухамедов, М.Тожиев. Педагогик технология-замонавий ўзбек модели. /"Lider Press", Тошкент-2009й.
6. М.Тожиев, А.Я.Алимов ва б. Педагогик технология- таълим жараёнига тадбиғи. /"Тафаккур", Тошкент-2010й.
7. Б.Хидирова. Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллашнинг назарий ва амалий асослари. /"Фан ва технология", Тошкент- 2009й.
8. Савенков, А. Проблемы развития и бытия личности. /Развитие личности №2, 2006. - 46-60с.

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИ

АДИЛОВ БОБУРЖОН БАХРИДИН ЎҒЛИ
Жиззах Политехника Институти таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада талабаларда касбий компетенцияларни шакллантиришда ахборот технологияларининг тъсири, уларни танлаш эса электрон таълим сифатини оширишга хизмат қилиши хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Технология, мотивацион, когнитив, концентрация, коммуникация.

Аннотация: В статье рассматривается влияние информационных технологий на формирование профессиональных компетенций у студентов. Выбор технологии поможет улучшить качество электронного обучения.

Ключевые слова: технология, мотивационная, когнитивная, концентрация, коммуникация.

Abstract: The article examines the influence of information technology on the formation of professional competencies in students. The choice of technology will help improve the quality of e-learning.

Key words: technology, motivational, cognitive, concentration, communication.

Илмий, маданий, сиёсий, техник бирлашиш ва интеграция жараёни олий таълим олдига янги мақсадларни қўяди. Жаҳон бозорининг янги шароитида самарали ишлай оладиган шаклланган касбий компетенцияларга эга кадрларни тайёрлаш ўкув жараёнининг асосий вазифасидир.

Ҳозирги вақтда интернетда ва электрон почтада, маълумот олиш ва қайта ишлаш тизимларида, электрон кутубхоналарда ва мультимедиа тизимларида ўз ишларида ёки ўқишларида фойдаланмайдиган талаба ёки ўқитувчини тасаввур қилиш қийин. Шу боис таълим жараёнида интернетдан педагогик мақсадларда фойдаланиш муҳим ва зарур.

Интернетнинг имкониятлари ўкув материаллари ва топширикларни юбориш, шахсий топшириклари бажарилган талабалардан файлларни қабул қилиш ва уларни ўз вақтида тузатиш ҳамда талабалар билан доимо алоқада бўлишга имкон беради. Дарҳақиқат, педагогик алоқасиз ўкув жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди.

Педагогик муроҷот жараёнида маърузалар, амалий, қўшимча дарслар, консультациялар ва ижтимоий тадбирлар давомида талабалар ва ўқитувчилар ўртасида тарбиявий ишларга туртки берадиган психологик мухит яратиш керак. Шу билан бирга, талабаларда коммуникатив алоқа деярли доимий равишда юзага келади. Шундай қилиб, тезкор ечим учун таълим жараёни билан боғлиқ турли хил саволлар, шунингдек, тезкор хабар алмашиш дастурлари, жумладан, Вибер, ВацАпп, Теле-

грамм ва бошқалардан фойдаланишингиз мумкин.

Шунингдек, ўкув жараёнида, айниқса маърузалар пайтида компьютердан фойдаланиш янги материаллар тақдимотлари, компьютер моделлари, видеоклиплар ва ҳ.к.лардан фойдаланиб тақдим этиш имконини беради. Бу нафақат янги материал тақдимотини жонлантириш, балки оддий текис чизмаларда идрок этиш қийин бўлган материалларни визуал тасвиrlаш ва идрок этишини таъминлашга имкон беради. Бу ўкув жараёнига янги имкониятларни келтириб чиқаради.

Ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) ўкув жараёнида фойдаланиш унинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Шу билан бирга, компьютер, тегишли дастурний таъминот ва педагогик воситалар анъанавий воситаларни алмаштирамайди, балки уларни тўлдиради, замонавий ахборот технологияларига йўналтирилган ўкув қўлланмалари тизимини шакллантиришга имкон беради. Бу ўз навбатида ахборот мухитида ўрганиш учун шароит яратади.

Масалан, А.И.Яковлев ўз ишида “Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш инсоният томонидан нафақат авлоддан авлодга, балки бир кишидан бошқасига тўпланган билим, тажрибани узатишни сезиларли даражада тезлаштиради деб таъкидлайди” [5].

И.Г.Захарова, АКТдан фойдаланишда бир қатор вазифалар ҳал қилинишига эътиборни қаратади: “турли предмет соҳаларига

оид масалаларни эчишда фанлараро алоқаларни кучайтириш; когнитив фаолликни фойдаланиш; аниқлаш ва улардан фойдаланиш; лойиха фаолиятида иштирок этиш ва ўзларининг таълим траекториясини амалга ошириш" [4].

Турли хил компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг мультимедиа, мослашувчаниги туфайли, очиқлик ва индивидуализация, ўқув жараёнининг самарадорлиги ошади, талабалар ва ўқитувчилар фаолиятининг характеристики ўзгаради [1].

"Педагогик технологияларни фақат компьютер технологиялари ва педагогик жараён самарадорлигини оширишнинг бошқа техник воситаларига асосланган янги ахборот технологияларидан фойдаланиш билан камайтириш керак эмас", деб таъкидлайди Б.С. Гершунский.

А.А.Андреевнинг ғоялари тегишли таълим технологияларини танлаш борасида ҳам қизиқиш ўйғотмоқда: таълим вақтининг 40 фоизи юзма-юз ишлашга, ўз-ўзини тарбиялашга – 20 фоизи, масофадан ўқитишга – 40 фоизи ажратилади [3].

Амалдаги технологиялар фанни ва техника тараққиётининг замонавий даражасига, ўқув йўналишларига, шунингдек, талабаларнинг салоҳиятига мос келиши мүҳимдир.

Тадқиқотларимиз доирасида биз талабаларда касбий компитенцияларни шакллантиришга ахборот технологияларининг таъсирини очиб берамиз.

Ахборот мүҳитида модулли ўқитиш технологиясидан, дастурий таъминотдан (босқич-ма-босқич) ўқитиш технологиясидан, веб-технологиялардан ва бошқалардан фойдаланиш мумкин бўлади. Технологияларни танлаш эса электрон таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Талабаларни ўқитишда модулли технологиянинг афзаллиги, ўрганилаётган материални структуралаштириш ва уни маълум блоклар- мавзуларга ажратишdir. Натижада фанлараро алоқаларни амалга ошириш, дикқат марказига мувофиқ ўз вақтида тузатишлар киритиш, дастурни ўзлаштириш кетма-кетлигини танлаш, мустақил ишларни самарали амалга ошириш мумкин бўлади. Комьютер технологияларидан модулли технологиилар билан биргаликда фойдаланиш, математик фанларни ўқитиш жараёнини ўз вақтида, кўргазмали, самарали ва юқори сифатли амалга оширишга имкон беради [2].

Техник воситалардан дастурий таъми-

нотни ўқитиш технологияси билан биргаликда фойдаланиш ҳар бир талаба учун зарур бўлган суръатларда материални "босқич-ма-босқич" ўрганишга имкон беради.

Техник воситаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар талабаларнинг ўзлаштиришини сезиларли даражада оширади.

Бу шуни кўрсатадики, ўқув материалини талабаларнинг индивидуал хусусиятларига мослаштириш психологик ва жисмоний қулайлик мүҳити ташкил этишга имкон беради. "Таълим жараёнининг интенсивлиги талабалар ва ўқитувчиларнинг модал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ортади".

Психологик нуқтаи назардан идрок этиш жараёни ахборотни қабул қилишга ва ўзгартиришга қаратилган. Ахборот мүҳитида ўқитиш юқоридаги хусусиятларни инобатга олишга имкон беради, чунки бу ерда биз ўқув маълумотларини керакли форматда тақдим этиш имкониятига эгамиз, бу нафақат жараённи осонлаштиради, балки ахборотни идрок этишини юқори даражада оширади.

П.И.Образцовнинг[6] ишини ўрганиш орқали, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланишда замонавий ахборот технологиялари тушунчалар ва ҳодисаларни шакллантириш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш жараёнинг сезиларли таъсир кўрсатади, деган холосага келиш мумкин.

Ҳар қандай фикрлаш жараёни қандайдир тарзда у ёки бу объектни идрок этиш йўналиши билан боғлиқдир. Ақлий фаолиятни фойдалаштириш учун бу муаммоларни тушуниш ва ҳал қилиш учун жуда мүҳимдир. Шу нуқтаи назардан, ахборот технологиялари концентрацияга сезиларли таъсир кўрсатади.

Психологик тадқиқотларга кўра, маърузаларни анъанавий шаклда ўтказишда эътиборнинг концентрацияси ярим соатдан кейин сезиларли даражада пасаяди. Бу диалогли алоқа даражасининг пастлиги, ўз вақтида кўринмаслиги ва ҳар бир талабанинг индивидуал қобилиятларини инобатга олмаслик билан боғлиқ.

Электрон ўқитиш эса фикр-мулоҳаза принципини амалга ошириш учун пайдо бўлган имконият туфайли, билим жараёнини енгиллаштиришга имкон беради. Ахборот мүҳити керакли маълумотларни бир неча марта тақрорлаш ва янги материални яхшироқ ўзлаштириш ва ёдлаш учун ўқув материалини техник усуллар билан тўлдиришга имкон беради.

Масалан математика фанларини ўқитиш

жараёнида құлланиладиган усуллар ахборот технологияларидан фойдаланған ҳолда талабаларда касбий компетенцияларни шакллантиришга мослашган. Буларға формулалар тақдимотининг ўзига хослиги, электрон элементларнинг тузилиши, танлови ва бошқалар киради.

Математика ва касбий тушунчаларни бирлаштириш ўкув жараёнига амалиётга йўналтирилган вазифаларни киритишга имкон беради. Бу ўкув фаолияти учун ўзига хос туртки бўлади.

Бундан ташқари, математика фанларининг материаллари асосида талабаларда компетенцияларни шакллантириш қўйидаги педагогик салоҳиятларга боғлиқ: рақобат элементларини жорий қилишда, шу билан муваффақият вазиятларини яратишда; таълим траекториясини мустақил танлашда ва уни янада тузатиш имкониятида; умумий тушунчалар, фанлараро алоқалар асосида касбий ва математика фанларини бирлаштиришда; замонавий шакллардан фойдаланиш имкониятига.

Бу эса амалиётга йўналтирилган муаммони ҳал қилишда маълум бир формуланинг ёки элементнинг аҳамиятини ҳамда маълум бир шрифтда таъкидлаш, рангли ечимларни ўзгартириш ва амалга оширилиши мумкин.

Кўп сонли формулаларни ўз ичига олган материални онгсиз равишда қайд этиш талабаларнинг тез чарчашига, ўрганиш мотивациясини пасайишига олиб келади. Электрон таълим эса ўқитувчининг вазифасини ўзгартиради, уни кейинги босқичга кўтаради.

Ахборот муҳити, шу билан бирга, ўкув фаолияти жараёнида ўқитувчи ва талабанинг фаол ўзаро алоқасини таъминлайдиган

механизм бўлиб, унда белгиланган таълим мақсадларига эришиш учун шароитлар яратилади. Тегишли бошқарув режасини тузиш, дастурни амалга ошириш, назорат ҳаракатларини амалга ошириш ушбу ёндашув билан ўкув жараёнини бошқаришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Таълим жараёнидаги ўзаро алоқаларнинг замонавий интерактив шакллари бу - мустақил ўқиш, кашфиёт билан ўрганиш, ўз-ўзини бошқариш.

Ахборот технологияларнинг очиқлик, кўп каналли, виртуаллик каби хусусиятлари туфайли юқорида мухокама қилинган талабаларнинг мустақил фаолиятининг шакллари электрон таълимда намойиш этилиши мумкин.

Умуман ахборот технологиялар ёрдамида техника олий таълими талабаларида касбий компетенцияларини шакллантириш масалаларини ўрганиш, уларнинг кўп ўлчовли, ўзгарувчан ва кўпкомпонентли эканлигини таъкидлаш лозим.(1.1-жадвал)

Талабаларда касбий компетенцияларини шакллантириш бу услубий ва технологик жиҳатдан таъминланган жараёндир. У мослашиш ва интенсивлашиш босқичларини кетма-кет амалга ошириш билан тавсифланади. Унинг тузилиши мотивацион, когнитив, шахс-фаолият ва рефлексив таркибий қисмларга мувофиқ равища курилган.

Ахборот технологияларининг талабаларда касбий компетенцияларни шакллантиришдаги ролини ўрганиб чиқиб, улар ўкув жараёнининг барча таркибий қисмларига сезиларли таъсири кўрсатмоқда деган холосага келиш мумкин

Талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш харитаси

1.1-жадвал

Қобиلىятлари	Режалаштирилгандык натижалари
Янгиликтарни излашга, яратишга, тарқатишга, татбик этишга тайёр ва касбий ва педагогик мұаммомларни ҳал килиш учун ўқув жараёнида ижодкорлық	Билиш: келажақда етук мутахассисларни тайёрлашда ижодкорликни ривожлантириш учун инновацион технологиялардан фойдаланиш усулларини. Кодир бўлиш: етук мутахассисларни тайёрлаш учун математик фанлар мисолидан фойдаланган ҳолда веб-сайтлар ва бошқа ахборот технологияларни яратиш. Ўзи: талабаларни кластерларга, веб-квестларга ва бошқаларга қатнашишга жалб қилиш, уларнинг ижодкорлигини шакллантириш учун компьютер технологияларини билиши.
Ишчилар, хизматчилар ва мутахассисларни тайёрлашда ижодий қобиلىятларни шакллантириш учун технологиялардан фойдаланишга тайёрлиги	Билиши: мустақил ишлаш усуллари билан ижодий қобиلىятларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини. Кодир бўлиши: етук мутахассисларни тайёрлашда ижодий қобиلىятларни шакллантириш технологияларини қўллаш; Ўзи: кластер-сайтдан фойдаланиш усуллари, мустақил равишда онлайн ишлаш.
Лойихалашга тайёрлиги, ишчилар, хизматчилар ва етук мутахассисларни тайёрлашда дидактик воситалар тўпламидан фойдаланиши	Билиши: дидактик воситаларни лойихалаш асослари; Кодир бўлиши: ахборот технологияларнинг дидактик воситалари тўпламини (кластер-платформа, веб-квест) лойихалаш ва ўқитишида қўллаш; Ўзи: дидактик воситаларни мустақил ривожлантиришда компьютер, педагогик технологиялар.



Фойдаланилган адабиётлар:

- Хамидов Ж.А. Использование мультимедийных технологий в профессиональном образовании // Среднее профессиональное образование, 68-69 11 2011
- Адилов Б.Б. Техника олий таълим муассасаларида замонавий ўқитишининг шакллари ва усуллари./ НамДУ иммий ахборотномаси 12-сон, 442-445 2020й.
- Андреев А.А. Педагогика в информационном обществе, или электронная педагогика / А. А. Андреев // Высшее образование в России. – 2011. – № 11. – с.113–117.
- Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / И.Г. Захарова. – М.: Издательский центр «Академия», 2010. – 192 с.
- Яковлев А.И. Информационно-коммуникационные технологии в образовании / А.И. Яковлев // Информационное общество. – 2001. – № 2. – С. 32–37.
- Образцов П.И. Психолого-педагогические аспекты разработки и применения в вузе информационных технологий обучения / П.И. Образцов. – Орел, 2000. – 145 с.
- Hamidov J. A. Using Multimedia Technology Problems in Professional Education // Eastern European Scientific Journal /Auris – Verlag.de 2019, №1. 187- 190 стр.

TALABALARING KASBIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA AXBOROT-TEXNIK KO'NIKMALARINING ROLI

Parmonov Abdutolib Abduvahob o‘g‘li – – O‘zMU Jizzax filiali
“Tabiiy fanlar va iqtisodiyot” kafedrasi assistenti

Annotatsiya: Ushbu maqolada “kompetentsiya”, “kompetentlik”, “axborot kompetensiyasi” va “umumtexnik kompetentsiya” tushunchalari o‘rtasidagi aloqalar va munosabatlarni, shuningdek, turli xil olimlarning tajribasini va fikr mulohazalarini o‘rganish orqali talabalarning axborot-texnik ko’nikmalarini shakllantirish asoslari va bu orqali talabalarning axborot-texnik kompetentsiyasini shakllantirishning nazariy asoslari qarab o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli texnologiyalar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, kompetentsiya, Axborot kompetentsiyasi, umumtexnik kompetentsiya, axborot-texnik kompetentsiyasi.

Annotatsiya: В статье рассматривается взаимосвязь понятий «компетенция», «компетенция», «информационная компетенция» и «общетехническая компетенция», а также основы формирования у студентов информационно-технических навыков посредством изучения опыта и знаний. мнения различных ученых, в которых рассматриваются теоретические основы формирования информационно-технической компетентности студентов.

Ключевые слова: цифровые технологии, информационные и коммуникационные технологии, компетентность, информационная компетентность, общая техническая компетентность, информационная и техническая компетентность.

Abstract: This article discusses the relationship between the concepts of "competence", "competence", "information competence" and "general technical competence", as well as the basics of the formation of students' information and technical skills through the study of the experience and opinions of various scientists. through which the theoretical bases of formation of information and technical competence of students are considered.

Key words: digital technologies, information and communication technologies, competence, Information competence, general technical competence, information and technical competence.

Kirish. Insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog‘liq bo‘lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi. Bo‘lajak kasb egalarini OTMdagi olgan BKMLari va bularni raqamli texnologiyalar yordamida samarali o‘zlashtirilishi, talabaning bu ko’nikmalar kelgusi ish faoliyatida qo’llanilishini inobatga olib biz talabalarni zamonaviy bilimlarini olishda qanday ishlarni amalga oshirishimiz kerak? degan savolning javobi O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida keltirilgan. Unga ko‘ra:

Ta’lim jarayoniga raqamli texnologiyalar va zamonaviy usullarni joriy etish bo‘yicha quyidagi tadbirlar amalga oshiriladi:

raqamli iqtisodiyot uchun yuqori malakali muhandis-texnik kadrlar tayyorlash tizimini tashkil etish;

zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ta’lim texnologiyalarining mustahkam integratsiyasini ta’minlash, bu boroda pedagog kadrlarning kasbiy mahoratini uzluksiz rivojlantirib borish uchun qo’shimcha sharoitlar yaratish;

ta’lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar asosida individuallashtirish, masofaviy ta’lim xizmatlarini rivojlantirish, vebinar, onlayn, “blended learning”, “flipped classroom” texnologiyalarini amaliyotga keng joriy etish;

zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida masofaviy ta’lim dasturlarini tashkil etish;

ma’ruza va amaliy mashg’ulotlar, seminarlarni onlayn kuzatish va o‘zlashtirish imkonini beruvchi, shuningdek ularni elektron axborot saqlovchilarga yuklovchi “E-MINBAR” platformasini amaliyotga joriy etish, ta’lim jarayonlarida “bulutli texnologiyalar”dan foydalanish;

masofadan turib foydalanish imkonini beruvchi elektron kutubxona tizimini keng joriy etish, talabalarning oliy ta’lim muassasasida

o'qishni tamomlaganlaridan so'ng kutubxona fondi, axborot bazalaridan foydalanishini yo'lda qo'yish orqali ularning kasbiy malakasini uzlusiz oshirib borish imkoniyatlarini kengaytirish;

milliy elektron ta'lif resurslari yaratilishini jadallashtirish, xorijiy elektron ta'lif resurslarini tarjima qilish ishlarini tashkil etish, ta'lif jarayonida elektron resurslar salmog'ini bosqichma-bosqich oshirib borish, elektron o'quv adabiyotlar yaratish, ularni mobil qurilmalarga yuklab olish maqsadida kutubxonalarda QR-kod yordamida elektron resurslar haqidagi axborotlarni joylashtirish tizimini yaratish;

oliy ta'lif muassasasining konferensiya materiallari, bitiruv-malakaviy ishlar, magistrlik va doktorlik dissertatsiyalaridan iborat ilmiy-texnik ma'lumotlar elektron bazasini yaratish, kelgusidagi ilmiy-texnik ma'lumotlar yangiligini ta'minlash maqsadida antiplagiat tizimidan foydalanishni keng joriy etish;

ta'lif yo'nalishlari va mutaxassisliklarining o'ziga xosligidan kelib chiqib, ta'lif jarayonida xalqaro miqyosda keng qo'llaniladigan zamonaviy dasturiy mahsulotlardan foydalanishni rivojlantirish [1];

Bunga erishish uchun raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning quyidagi asosiy shartlari va ustuvor yo'nalishlarini sanab o'tish maqsadga muvofiq:

- raqamli texnologiyalar barqaror faoliyat ko'rsatishi uchun institutsional muhit va raqamli infratuzilmani yaratish, davlat xizmatlarini ko'rsatish, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlari, sog'liqni saqlash, davlat kadastri va boshqa sohalarda raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi hududini rivojlangan mamlakatlar darajasida internet global tarmog'iga ulanish imkoniyatlari bilan imkon qadar to'liq qoplashni bosqichma-bosqich ta'minlash;

- kadrlar tayyorlash ko'lамини kengaytirish va bu yo'nalishlar bo'yicha chuqur bilimga ega malakali dasturchilar va injener-texnik xodimlarni yetishtirish, ta'lif tizimining barcha bosqichlarida xalqaro andozalarga to'liq javob beradigan zamonaviy axborot texnologiyalarini o'qitish, shu jumladan, xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda "1 million dasturchi" loyihasini muvaffaqiyatli amalga oshirish;

- raqamli iqtisodiyot talablariga javob beradigan mehnat bozorini tashkil etish va uning mobilligini oshirish, yangi texnologiyalarni tezkorlik bilan o'zlashtirish uchun mutaxassislar malakasini oshirib borish [2].

Shu boisdan, bugungi kunda oliy ta'lif

mazmunini va tuzilishini takomillashtirish va modernizatsiya qilish, bir tomondan, axborotlashtirish jarayoni bilan bog'liq bo'lsa, boshqa tomondan, bu kompetentsiyaviy yondashuv doirasida amalga oshiriladi. Shu bilan birga kompetentsiyaviy yondashuv ilmiy mazmunidan amaliy kasbiy faoliyatda foydalanish qobiliyatini, zamonaviy axborotlashtirish vositalaridan foydalangan holda kasbiy vazifalarni hal qilish qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan amaliy faoliyatni kuchaytirishni talab qiladi. Ushbu strategiya doirasida, ta'lifning global axborotlashtirilishini hisobga olgan holda, ma'lum bir o'quv intizomini o'rganishda texnika oliy o'quv yurti bitiruvchisining kompetentsiyalari doirasasi keng axborot va kasbiy platformada shakllantirilishi kerak.

Tadqiqot metodologiyasi. Hozirgi kunda ta'lifni axborotlashtirish jarayonining jadal rivojlanishi kundalik turmushimizning deyarli barcha sohalarida yangi axborot texnologiyalarini joriy etishni taqazo etadi. Ishlab chiqarish sohalarini texnologik modernizatsiya qilish va texnik vositalarni ishlab chiqish uchun zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish asosiy omil bo'lib xizamat qiladi.

Kompetentlikka asoslangan yondashuv doirasida texnika oliy o'quv yurtlari talabalarining umumtexnik tayyorgarligi sifati muammosini hal qilish yo'lidagi asosiy ko'rsatma - bu kasbiy kompetentsiyaning muhim tarkibiy qismi sifatida axborot-texnik ko'nikmalarini shakllantirishdir.

Kompetentlikka asoslangan yondashuvning asosiy tushunchalari "kompetentsiya" va "kompetentlik" dir. Ushbu tushunchalar yangi emas, ular uzoq vaqtadan beri kundalik hayotda, adabiyotda ishlataligan, ularning talqini ma'lumotnomalarda va entsiklopediyalarda berilgan, ammo kompetentlikka asoslangan yondashuvni pedagogik amaliyotga joriy etish bilan ularni shu nuqtai nazardan aniqlashtirish zarur bo'ladi.

Tadqiqotlarimizda kompetentsiya – bu talabaning kasbiy faoliyatda amalga oshiriladigan kompetentsiyalar to'plamini o'zlashtirish jarayonida shakllangan integral, dinamik shaxsiyat xususiyati sifatida tushuniladi. Ushbu yondashuv E.F. Zeer, I.A. Zimnyaya, O.F. Piralova, L.V. Rosnovskaya, Yu.G. Tatur, A.V. Xutorskiy va boshqalarning pozitsiyasiga mos keladi.

Axborot-texnik kompetentsiya - bu axborot va umumtexnik tarkibiy qismlarni birlashtirgan murakkab ko'nikma, shuning uchun ATKni aniqlash uchun har bir tarkibiy qismni alohida

ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir.

"Axborot kompetensiyasi" tushunchasi ancha keng va hanuzgacha bir xiltalqin qilinmaydi. Jamiyat rivojlanishining hozirgi bosqichida axborot texnologiyalaridan foydalanish sohasi faol ravishda kengaymoqda. Umumiy axborotlashtirish davlat va inson hayotining barcha sohalariga ta'sir ko'rsatdi: iqtisodiyot, ishlab chiqarish, ta'lif va boshqalar. Axborot kompetensiyasini shakllantirish muammosini o'rganish bilan turli fan soha mutaxassislari: faylasuflar, psixologlar, o'qituvchilar, sotsiologlar shug'ullanadilar.

Axborot kompetensiyasini shakllantirish muammosiga qiziqishning ortishi ta'lif jarayonini axborotlashtirish g'oyasini amalga oshirish bilan bog'liq, chunki axborot oliy ta'lif tizimini takomillashtirishning samarali vositalaridan biri hisoblanadi. Ilmiy adabiyotlarda "axborot kompetensiyasi" tushunchasi ko'pincha "axborot savodxonligi", "axborot madaniyati" tushunchalari bilan birgalikda ko'rib chiqiladi.

Axborot ko'nikmasining turli jihatlarini ko'rib chiqishga bag'ishlangan zamonaviy tadqiqotlar tahlili mualliflarning axborot kompetensiyasini shaxsning integral sifati sifatida belgilashda birligini ko'rsatdi, olingen bilim, ko'nikma va malakalarni ushbu sohada qo'llashga tayyorligi bilan namoyon bo'ldi.

Shu bilan birga, bir qator mualliflar muhandislik mashg'ulotlari talabalari uchun axborot kompetensiyasi mazmunining o'ziga xos xususiyatlarini yetarli darajada hisobga olinmaganligini ta'kidlashadi. Ta'lifning muhandislik yo'nalishi bakalavrлari axborot kompetensiyasining mazmunining o'ziga xos xususiyati kasbga yo'naltirilgan kompyuter texnologiyalaridan foydalangan holda muhandislik muammolarini hal qilishda aniq tizimli fikrlash mavjudligini anglatadi.

ATKnинг ikkinchi komponenti - bu umumtexnik kompetentlik.

V.V. Osipov va V.N. Xudyakov umumtexnik kompetensiyani talabaning UTF sohasidagi bilim, ko'nikma va malakalarning yagona kompleksi, shuningdek, ma'lum kasbiy faoliyatga qobiliyat va tayyorlikni shakllantirishning o'chovi sifatida belgilaydi [3].

T.P. Petlina umumtexnik kompetensiyani talabaning politexnika faoliyatiga grafik va muhandislik bilimlari, o'z-o'zini rivojlantirish ko'nikmalari va qobiliyatları asosida tayyorlik darajasi sifatida belgilaydi va bu muhandis kasbiy faoliyatining ko'p funksionalligi va keng qamrovli ekanligini aniqlaydi [4].

G.N. Stainovning ta'kidlashicha, umumtexnik kompetentsiya nafaqat texnik bilim va ko'nikmalarni, balki shaxsning keng texnik va texnologik dunyoqarashi, muloqot qobiliyatları, mustaqil qaror qabul qilish qobiliyatı, muhandislik fikrlashning izchilligi va moslashuvchanligi ilm-fanni talab qiladigan sharoitlarda bitiruvchining intizomli harakatchanligi sifatida, yuqori texnologiyalar sohalari kabi xususiyatlarning mavjudligini ham anglatadi [5].

Shunday qilib, barcha mualliflar umumtexnik kompetentsiyada umumtexnik tayyorgarlikning asosiy darajasini tashkil etadigan bilimlar, ko'nikmalar va malakalar to'plamini, ularni kasbiy faoliyatni amalga oshirishda to'plash va rivojlantirish qobiliyatlarini ajratib ko'rsatadilar.


Tadqiqot jarayonida "kompetentsiya", "kompetentlik", "axborot kompetensiyasi" va "umumtexnik kompetentsiya" tushunchalari o'rtaqidagi aloqalar va munosabatlarni, shuningdek, mualliflarning tajribasini bizni tadqiqotning asosiy tushunchalari bilan tanishtiradi.

Texnika oliy o'quv yurtlari bakalavrлarining axborot-texnik kompetensiyasi (ATK) bu umumtexnik va axborot kompetensiyalar majmuasini rivojlantirish, hisoblash, tadqiqotlar bilan bog'liq muhandislik muammolarini hal qilish uchun zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish qobiliyatı va ishlab chiqarish sohasidagi texnik tizimlarni loyihalash, ishlab chiqarish va kasbiy muammolarini hal qilish uchun uning tayyorligi sifatida tavsiflangan dinamik shaxsiy sifatdir.

Texnika oliy o'quv yurtlari bakalavrлarining axborot-texnik kompetentsiyasi - bu bakalavrning bilim, ko'nikma va malakalari hamda uning kelajakdagi kasbiy faoliyatida talab qilinadigan umumtexnik muammolarini hal qilishda axborot texnologiyalaridan foydalanish qobiliyatı hisoblanib, davlat ta'lif standartining talablari va raqamli texnologiyalarni rivojlantirish davrida talabalarning kasbiy tayyorgarligi natijalariga, shu jumladan umumtexnik ma'lumotlarga tegishli talablarga javob beradi.

Axborot-texnik kompetentsiyalari UTF predmetli yo'nalishlari bo'yicha (nazariy mexanika, materialarning qarshiligi, mashinalar va mehanizmlar nazariyasi, mashina detallari) universal va umumkasbiy ko'nikmalarning jamlanmasidir.

ATKn tashkil etuvchi texnika oliy o'quv yurti bitiruvchisining shaxsiy xususiyatlarining umumiyligini batafsil tavsiflash uchun ta'lif standartida ATKning predmet sohalari



1-rasm. Talabalarda axborot-texnik kompetensiyaning shakillantirish modeli

bo'yicha mazmunli jamlanmalarga ega bo'lgan ko'nikmalarni aniqlab olish zarur.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, talaba ATK ni o'zlashtirish orqali quyidagi ko'nikmalar shakllanadi:

- axborot texnologiyalaridan foydalangan holda umumiyytexnik muammolarni hal qilishda ma'lumotni izlash va tahlil qilishning tizimli, fanlararo yondashuvi haqidagi bilimlarini namoyish etadi;

- zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda umumiyytexnik muammolarni hal qilish uchun texnik ma'lumotlarni qidirishda tizimli, fanlararo yondashuvni qanday qo'llashni biladi;

- amaliy dasturlardan foydalangan holda hisoblash tajribasini o'tkazish tajribasiga ega,

qobiliyatli ishlov berish, natijalarni baholash va ular asosida yo'nalishiga tegishli bo'lgan texnikalarining ekspluatatsion ko'rsatkichlari samaradorligini oshirish bo'yicha tavsiyalar berishga qodir mutaxassis kadr bo'lib yetishadi;

- kasbga yo'naltirilgan muammolarni hal qilishga qiziqish bildiradi. Mexanikaning asosiy qonunlari, matematik tahlil usullari, AKT yordamida yo'nalishiga tegishli bo'lgan texnikalarining texnik xususiyatlari va dizayn xususiyatlarini hisobga olgan holda umumiyytexnik muammolarni hal qilish zaruriyati va ahamiyatini anglaydi;

- o'z-o'zini nazorat qilishni amalga oshiradi va zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda umumiyytexnik muammolar yechimlarini izlash va tahlil qilishga fanlararo yondashuv pozitsiyasidan tanqidiy yondashadi.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lif tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiysi 3-bob 2-bandı.
2. Sherzod Mustofoqulov, "Raqamli iqtisodiyot – yangi o'zbekiston taraqqiyotining yangi davri"// -Xalq so'zi-gazetasi-40-2020-02-25_2.
3. Осипова, В.В. Модель формирования общетехнической культуры студентов ссузов / В.В. Осипова, В.Н. Худяков // Вестник Челябинского государственного университета. – 2012. – № 19 (273). – С. 104–107.
4. Петлина, Т.П. Возможности формирования политехнической компетенции студентов агронженерных специальностей в процессе общетехнической подготовки / Т.П. Петлина // Вестник ФГОУ ВПО МГАУ им. В.П. Горячкона. –2008.–№6-2.С. 83–86.
5. Стайнов, Г.Н. Проектирование педагогической системы общетехнической подготовки в инженерном вузе : автореферат дис. ... д-ра. пед. наук : 13.00.08 /Стайнов Геннадий Николаевич. – Казан, 2003. – 38 с.

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУРИЯТИ

АТАЖАНОВА ДИЛАРОМ БЕКДУРДИЕВНА

**Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курслари
ўқув-услубий бўлими бошлиғи**

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларни меҳнат бозоридаги ўрни ва ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: ёшлар, меҳнат бозори, иқтисодий фаол аҳоли, касбий тажриба, малака даражаси.

Annotation. This article expressed an opinion on The role of youth in the labor market and questions about their employment.

Key words: The youth, labor market, economically active population, professional level.

Аннотация. В этой статье о молодёжи на рынке труда и вопросы о их занятости.

Ключевые слова: молодёжь, рынок труда, экономическое активное население, профессиональный опыт, квалификационный уровень.

Ўзбекистонда ҳар йили юз минглаб янги иш ўринлари ташкил этилаётганлигига қарамасдан меҳнат ресурслари миқдори муттасил ўсиб бораётганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва бошқа омиллар меҳнат бозорида ишчи кучи тақлифининг талабдан юқори бўлишига олиб келмоқда. Айниқса, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларини тугаллаётган йигит-қизларни ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлашда жиддий муаммолар мавжуддир.

Ёшлар меҳнат бозори фаол сиёsat олиб боришнинг энг самарали йўналишларидан бири меҳнат бозорининг энг муҳим вазифаси бўлган иш билан бандликнинг ихтисослашган умуммиллий хизматидир. Унинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотнинг тарқалиши ҳисобига унинг самарадорлигини оширишдан иборат. У биринчидан, ишсизларнинг бўш иш ўринларини ва тадбиркорларнинг ходимлар қидиришларига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашига ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражасига мувофиқ келадиган иш жойини топишларига имкон беради. 2020 йил 20 октябрда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунинг қабул қилиниши орқали иш қидирудвчиларга касблар бўй-

ича маслаҳатлар бериш ва ишсизларни янги мутахассисликлар бўйича ўқитиш; ногиронлар, ёшлар, ҳарбий хизматдан бўшаб келган ёшлар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишга муҳтож бўлган бошқа групҳари учун иш жойларини банд қилиб қўйиш; иш кучини ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш; оддий йўл билан ишга кира олмайдиган фуқароларнинг (кўп болали ва ёлғиз ота-оналарнинг) иш билан бандликнинг кўмаклашиш учун иш ўринларини қўллаб-куватлаш; ишсизларнинг тадбиркорлик ва мустақил фаолияти билан шуғулланишларига ёрдам кўрсатиш имконини берди [1].

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида ёшларнинг иш билан бандлик муаммоси алоҳида аҳамият касб етмоқда. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон аҳолисининг таркибига кўра ёшлар мамлакати қаторига кириши билан изоҳланади. Республика аҳолисининг ўртача ёши бугунги кунда

27 ёшни ташкил этади [2].

Иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги ёшлар энг истиқболли тоифа ҳисобланиб, узоқ муддатли интеллектуал инвестиция объекти ҳисобланади. Улар билим даражасининг юқорилиги, кучли меҳнат мотивацияси, жўшқин жисмоний салоҳияти, меҳнат бозори талаб этаётган касб ва ихтисосликка ўқитиш ва ўргатиш имкониятлари билан ажralиб ту-

ради.

Бугунги кунда ёшларнинг иш билан банд бўлмаганинг асосий сабаблари қуидагилардан иборат: ёшларнинг рақобатбардошлиги пастлиги, ҳозирги вақтда уларнинг билим ва кўникмаларининг етишмаслиги, ёшларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллиги сустлиги ва меҳнат бозорида касбга талабнинг йўқлиги. 25-29 ёшда, асосан, ёшлар професионал танловни амалга ошириб, маълум бир малака, ҳаёт ва касбий тажрибага эга. Улар ўзлари хоҳлаган нарсани билиши, аксарият ҳолларда улар аллақачон ўзларининг оиласларига эга ва таклиф этилаётган ишга юқори талаблар қўйилиши.

Ушбу ёшдаги ёш ходим ўзини намоён етиш, муваффақиятга эришиш, ташкилотда обрў-эътибор қозониш истаги мавжудлиги билан ажralиб турди. Ушбу даврда касбнинг дастлабки ривожланиши якунланди, бу малакали мутахассис ёки раҳбарни шакллантириш; ахлоқий қадриятлар орасида ўзини тасдиқлаш зарурати пайдо бўлади, ёшлар ўз ҳаракатларида мустақилликка эришишга интилади.

Ёшларнинг аксарияти (80% дан ортиғи) фақат 30 ёшга келиб, яъни деярли ёшдан кейинги касбий камолотга ва иктисодий мустақилликка эришадилар. Тадқиқотларга кўра, ишлайдиган ёшларнинг атиги ўндан бир қисмида касбий мавқе, унинг малакаси, иш ҳақи, ишдан қониқиш каби хусусиятлари мавжудлиги қайд этилган [3]. Ушбу хусусиятларга кўра, ёшларнинг аксарияти касбий тузилишда энг юқори мавқега эга. Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, биз ривожланиш ёшидаги барча ёшдаги ёшлар меҳнат муносабатлари соҳасида бир қатор қийинчиликларга дуч келмоқдалар деган хulosага келишимиз мумкин. Ушбу қийинчиликларни енгish ёш йигитдан кўп куч, вақт ва харажатларни талаб қилади. Ёшларни иш билан таъминлаш соҳасидаги муаммоларни тезкор ҳал қилиш ёшнинг иш қидиришнинг турли хил вариантиларидан фойдаланишга тайёрлигига ва унинг ресурслари га (ички ва ташқи) қанчалик эгалик қилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган ёшлар орасида ишсизлар сони салмоқли микдорда ошиб бормоқда. Бундай ҳолат меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича ижтимоий - иктисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги, самарали усуулларини тадқиқ этишни талаб

қилмоқда. Иктисодий модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда ҳам ёшлар меҳнат бозорига, хусусан ёшлар иш билан бандлигини оширишда давлат сиёсати билан боғлиқ ечимини топиш лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, булар:

- ёшларнинг иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти, ёшларнинг иш билан бандлигини тартибга солиш,

- ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўламини кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли,

- ёшларнинг иш билан бандлигини ошириш мезонлари ва кўрсаткичлар,

- ёшлар меҳнат бозорини тартибга солиш механизмлари ҳамда ёшлар меҳнат бозорида оқилона иш билан бандликни таъминлашни такомиллаштириш йўллари каби муаммоларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ёшлар бандлигини таъминлаш омилларидан бири уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштиришdir деб таъкидлаб ўтган [2].

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ёшлар ишсизлигининг ўсишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

1.Битирувчиларнинг меҳнат бозори эҳтиёjlари бўйича таркибий номувофиқлиги, кадрларга талабнинг илмий прогнозининг йўклиги.

2.Битирувчиларнинг малака даражалари иш берувчилар талабларига мувофиқ эмаслиги.

3.Ёш мутахассислар орасида орттирилган касб бўйича амалий кўникмаларнинг пасайиши.

4.Ёш мутахассисларнинг маошлари камлиги.

5.Ишлаб чиқаришда ёш мутахассисларни ўқиш истагининг йўқлиги ва етишмаслиги, иш берувчилар томонидан ёш мутахассисларнинг ижтимоий ҳукуқларига эътибор бермаслик.

Касб, мутахассисликни нотўғри ёки фурмат билан танлаш.

Битирувчиларга талаб етишмаслиги оқибатларини юмшатиш учун бандлик хизмати турли дастурлар орқали ёшларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилади. Бироқ, маблағ етишмаслиги сабабли, ушбу иш соҳаси унчалик катта бўлмаган микдорда амалга

оширилади, бу эса амалдаги вазиятга таъсир қила олмайды.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни испоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, бу ўз навбатида ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, авваламбор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида 26 минг ёш ишсиз мавжуд бўлиб, айни пайтда бу ерда 77 мингта вакант бор, шундан 45 мингтасига олий маълумот талаб этилмайди. Давлатимиз раҳбари ёшларни касбга ўқитиш орқали малака тоифасини бериш, шундай вакант ўринларга жойлаштириш мумкинлигини таъкидлаган. [3]

“Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорга мувофиқ, дипломи йўқ, лекин амалий кўникмаси бўлган ишсиз ёшларни, малакасини баҳолаш марказларида ўқитиб, сертификат бериш тизими жорий этилиши ёшларнинг ҳар томонлама қўллашдаги муҳим қадамdir. [4]

Шундан келиб чиқиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириягига “Ишга марҳамат” мономарказларида, шунингдек, қатор олий таълим муассасалари ва йирик саноат тармоқларида малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш орқали 2021 йилнинг ўзида 30 минг йигит-қизга малака сертификати бериб, уларнинг бандлигини таъминлаш имконияти яратилди. Бундан ташқари жойларда ҳар 10 гектар экин еридан 1 гектарини ёшларга дехқончилик учун ажратиш тартибини жорий этиш ва қудуклар қазиб, заҳира ерларни ёшларга фойдаланиш учун бериш, томорқада лимончилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик қилишлари учун кредитлар ажратиш орқали ёшларнинг бандлигини таъминланиши мумкинлиги Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан айтиб ўтилган. Ёшлар бандлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатган тадбиркорлар, ташкилотчи ва раҳбарлар рағбатлантирилиши ёшлар учун кенг имкониятлар очилди.

Хусусан қонунинг қабул қилиниши давлат фуқароларига ўзлари учун мос келадиган иш танлашда ва ишга жойлашда бепул ёрдам кўрсатади, ишсизларга бепул таълим олиш

имконияти яратиб берилади, янги касбга ўқиётган вақтда стипендия тўланади, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкони берилади, ишсиз фуқаролар даромадларини қўллаб-куватлаш сиёсати амалга оширилади. Аҳолини бандлигига кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган фуқароларга ва иш берувчиларга ишга эга бўлиш имконияти ҳақида ва иш кучи билан таъминлаш тўғрисида, бирор касб эгаллашни истайдиган фуқароларга қўйиладиган талаблар ҳақида ахборотлар берилади; фуқароларнинг ўзларига мос келадиган иш топишларида, иш берувчиларга эса зарур ходимлар танлашда кўмаклашади.

Касбий тайёргарликни тугатгандан сўнг, аксарият ёшлар энди эпизодик эмас, балки доимий ишлашга интилишади. Меҳнат фоилиятининг ўзига хос хусусиятлари орасида бандлик кафолатлари, касбий ривожланиш ва мартаба кўтарилиш имкониятлари таъкидланган.

Худди шу ёшда, мансабнинг бошланғич босқичи мавжуд бўлиб, у ташкилотга қўшилиш, унда ўз ўрнини топиш билан тавсифланади. 21 ёшдан 24 ёшгача бўлган кўпчилик ёшлар келажақдаги иш ҳақидаги идеал ғоялари иш жойидаги ҳақиқий вазиятга зид келиб чиқиши сабабли “ҳақиқатдан зарба” ни бошдан кечирадилар.

Ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбар дошлиги пастлиги куйидаги омиллар билан боғлиқ: ёшларнинг касбий билимлари, зарур малака ва меҳнат кўникмаларининг етиш маслиги; баъзи ёшларнинг меҳнатни ўқиш билан бирлаштириш истаги, бу корхона учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради; тадбиркорларнинг ёшларни касб-хунарга ўқитиши билан боғлиқ қўшимча молиявий ва ташкилий харажатларни ўз зиммаларига олишга тайёр эмаслиги; бандлик масалаларини ҳал қилишда ёшларнинг фаоллиги ва тадбиркорлик даражаси пастлиги; меҳнат бозори ва маълум мутахассисликларга бўлган талаб тўғрисида хабардорликнинг паст даражаси; баъзи ёшларнинг белгиланган ички қоидаларга мувофиқ ишлашга тайёрлиги йўқлиги.

Самарали меҳнат нуфузининг пасайиши туфайли ёшларнинг катта қисми ижтимоий ноумидлик билан ажралиб туради, улар қизиқарли, мазмунли меҳнатга эга бўлиб, ўз меҳнатлари даражасига мувофиқ пул тўлаш имкониятига ишонмайдилар. Меҳнат мотивациясида қутбли ўзгаришлар мавжуд.

Социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда

мехнат бозорида кескин танглик кузатилмоқда. Умуман олганда, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ёшларни, шу жумладан вояга етмаганларни иш билан таъминлашга бўлган қизиқишнинг ўсишига таъсир қилди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшларнинг меҳнат бозоридаги аҳволини яхшилаш учун қуидагилар зарур:

-барча даражадаги ва мутахассислар тайёрлаш профилларидағи таълим муассасалари томонидан тасдиқлаш жараёнини ўз-

гартириш;

-касб-хунар таълими муассасаларининг корхона ва ташкilotлар билан яқин алоқаси механизмини яратиш, иш берувчиларни рафтаплантириш;

-юқори малакали меҳнат ва интеллектудал салоҳиятни яратиш орқали минтақа иқтисодиётини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган барча тузилмалар ўртасида маълумот алмашиш тизимини ривожлантириш.

❖ Фойдаланилган адабиётлар: ❖

1. <https://gender.stat.uz/uz/241-demografiya/803-o-zbekiston-respublikasi-demografik-holatining-gender-bo-yicha-taqsimlanishi>
2. <https://yuz.uz/uz/news/yoshlar-bilan-manzilli-va-tizimli-ishlash-boyicha-dolzarb-vazifalar-belgilandi>
3. <https://gender.stat.uz/uz/241-demografiya/803-o-zbekiston-respublikasi-demografik-holatining-gender-bo-yicha-taqsimlanishi>
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 13-oktabrdagi "Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4862-son qarori
5. "Aholi bandligi to'g'risida"gi Qonun 2020-yil 20-oktabrda qabul qilingan .

ИМПОРТ ТАРКИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**Қурбонов Бобохон Қосимбой ўғли
Давлат Божхона Кўмитаси Божхона институти 4-курс курсанти**

Аннотация: Ушбу мақолада Мамлакатимиз ташқи савдоси таркибидаги импортнинг улуши ва унинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, импорт қийматининг ошиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган чоралар ҳақида ҳам сўз боради.

Калит сўзлар: импортни оптималлаштириш, ташқи савдо айланмаси, ташқи савдо баланси, актив сальдо, пассив сальдо, инвестиция, конвертация, махаллийлаштириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар импортни оптималлаштириш ва экспортни хар томонлама қўллаб-кувватлашга қаратилмоқда. Бу каби вазифаларни бажаришда мамлакат ташқи савдо таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳимдир. Ташқи савдо балансини баҳолагандга, унинг самараదорлиги актив ёки пассив сальдо эканлиги билан белгиланади, актив ва пассив баланс эса экспорт ва импорт

ўртасидаги фарқ билан ифодаланади. Мамлакат ташқи савдоси ва унинг таркибини ўрганар эканмиз, бу борада имортнинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти нуқтаи назаридан олимларнинг қуидаги қарашлари ва ўрганишлари мавжуддир.

Меркантилизм тарафдорлари мамлакат ташқи савдоси таркибида импорт улуши паст бўлиши, яъни ижобий сальдо бўлишини муҳим кўрсаткич, деб таъкидлайдилар. Бу на-


зария тарафдорлари актив савдо балансига эришиш учун қуидаги тавсияларни илгари суришади:

- Ташқи бозорларни нисбатан арzon товарлар сотиш йўли билан эгаллаш ҳамда бир мамлакат товарини олиб, бошқаларига уни қимматга сотиш;
- Мамлакат фақат актив савдо балансини сақлаб турган ҳолда, товарлар импортига рухсат этиш;
- Қулай савдо ишларини амалга оши-

риш учун олтин ва кумушни четга чиқариш, пировард натижада мамлакатда уларнинг массасини кўпайтириш.

Меркантилистларни танқид қилган асосий иқтисодчилардан бири Адам Смитдир (1723-1790). У мамлакатнинг ташқи савдода ижобий сальдога эришиши, у эга бўлган олтин миқдори билан эмас, балки ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш билан белгиланади, деб таъкидлайди.

А.Смит нуқтаи назарига мувофиқ:



- давлат ташқи савдога аралашиши керак эмас ва мамлакат эркин савдо режимига риоя қилиши лозим;

- мамлакатлар ишлаб чиқаришда афзалликга эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишлари керак ва бу товарларни ишлаб чиқаришда афзалликга эга бўлмаган бошқа мамлакатлар билан айирбослашлари лозим;

- ташқи савдо миллий бозорларни бошқа мамлакатлар хисобига кенгайтириш орқали меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди.

Монетаризм назариясининг асосчиси Фредирик Батсиат (1801-1850) ўзининг қарашларида “Ташқи савдодаги импортнинг экспорт ҳажмига нисбатан кўплиги мамлакат учун аслида йўқотиш эмас, балки даромаднинг намоён бўлиши” деб таъкидлайди.

Юқорида номи қайд этилган олимларнинг мазкур соҳани ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ушбу илмий тадқиқотларда актив ёки пассив баланс мамлакат иқтисодиёти учун қайдаражада таҳдид эканлиги билан ташқи сав-

до таркибидаги импортнинг салбий ва ижобий томонлари ўрганилган.

Шундан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимиз ташқи савдо кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, бу борада бир мунча ўсиш ҳолатларини кузатишмиз мумкин. Хусусан, 2017 йилда ташқи савдо айланмаси (кейинги ўринларда ТСА) 26,57 млрд. АҚШ доллари бўлган, 2019 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 41,75 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган ёки 2017 йилга нисбатан 1,57 марта ортган. Ўтган 2020-йил (январь-декабрь)да Республикамиз ТСА кўрсаткичи 36,30 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб 2017 йилга нисбатан 1,37 марта ортган.

Албаттa, ТСАнинг бу каби кескин ўзгариши мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошишига замин яратади. Бироқ ТСА таркиби, хусусан экспорт ва импорт кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда натижаларни умумлаштириш ушбу йўналишдаги сифат белгиларига якуний баҳо бериш имкониятини яратади. Жумладан, 2017 йилда импорт қиймати экспортга нисбатан

1,46 млрд АҚШ долларга күп бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу фарқ 6,04 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Сўнгги йиллар давомида импорт қийматининг экспортга нисбатан бу каби юқори ўсиши мамлакатимиз иқтисодиёти учун куйидаги бир қатор таҳдидларни юзага келтириши мумкин:

биринчидан, ташки қарз янада кўпаяди;
иккинчидан, мамлакатда ички ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасаяди;

учинчидан, инвестиция муҳитини издан чиқаради;

тўртинчидан, миллий валюта қадрининг хорижий валютага нисбатан тобора пасайиш тенденцияси кузатилади;

бешинчидан, чет эл валютаси етишмовчилигини келтириб чиқариши натижасида конвертация балансини издан чиқишига олиб келади.

Шундай экан, Ўзбекистон ташки савдо балансини иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳолаш ва шу орқали мамлакат иқтисодиётига таъсир этувчи таҳдидларни олдиндан аниқлаш ҳамда унга қарши зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, кўпчилик ҳалқаро рейтинг ташкилотлари мамлакатнинг жаҳон бозорида тутган ўрнини белгилашда ташки савдо балансини баҳолаш индикаторларидан фойдаланишади. Бу индикаторлар эса инвесторларни қизиқтирувчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Яъни, мамлакатнинг актив баланси қанчалик кўп бўлса, киритилган инвестицияларнинг кафолати ҳам шунча юқори бўлади. Сўнгги йилларда Республикаизда ташки савдо фаолиятини янада кенгайтириш, мамлакат экспорт салоҳиятини

юксалтириш ва импортни оптималлаштириш ва бу орқали ташки савдо балансида ижобий сальдони таъминлашга қаратилган испоҳотлар тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Бизга маълумки, иқтисодий хавфсизликни таминалаш ва уни ривожлантиришда мамлакатимизга импорт қилинган товарлар катта аҳамият касб этади. Ички ва хориж бозорида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, импорт миқдорини камайтириб, экспортни кўпайтириш ва бу орқали иқтисодиётни ривожлантириш давлат олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айнан шу мақсаддан келиб чиқсан холда мамлакатдаги импорт ҳажми кўп бўлган товарларни маҳаллийлаштириш тизимиға ҳам катта эътибор қаратилади. Бунда мамлакатда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган товарлар қиймати тайёр импорт қилинган товарлар қиймати билан тенг бўлган тақдирда ҳам ушбу товарни ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиёти учун(давлат бюджетига тушадиган солиқлар ва меҳнат бозори яратилиши ҳисобига) анча фойдалари оқидир.

Демак, бу борадаги амалга оширилаётган испоҳотлар шуни кўрсатадики, ташки савдо балансини баҳолаганда, ташки иқтисодий савдони тартиба солувчи барча ҳолатлар ва омиллар ҳисобга олинади ва бунда асосий эътибор мамлакат импортининг экспортга нисбатан ошиб кетмаслигига қаратилади. Шу сабабли, мамлакат ташки савдосидаги импорт таркиби ва уни оптималлаштиришдаги муаммолар мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти нуқтаи назаридан муҳим масалалардан бири ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Джуманов Д.С., Мамадиёров О.У. Ҳалқаро савдо (маърузалар матни), - Т: ТМИ, 2013
2. Ягаров Я.С. История экономических учений: Учебник. 4-е изд, перераб, и доп,- М: <<ИНФРА-М>>, 2006. –С.
3. www.en.wikipedia.org/wiki/Balance_of_trade
4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistikka/merchandise-trade-2>
5. <https://www.thebalance.com>

РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГАХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШДА КОМПЕТЕНТЛИ ВА ТИЗИМЛИ-АХБОРОТЛИ ЁНДАШУВ

Мавлонов Нурали Шерали ўғли
МТТДМҚТваУМОИ таянч докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ахборот компетентлигини оширишда компетентли ва тизимли-ахборотли ёндашувлари ва малака ошириш жараёнида ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал модели, ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар. Компетентция, компетентли, тизимли, ахборотли, ахборот компетентлиги, концептуал, субъект, андрагогик, контекстли, процессуал, операцион, рефлексив, интерфаол.

Аннотация. В данной статье освещены компетентностный и системно-информационный подходы к повышению информационной компетентности воспитателей дошкольных образовательных организаций и концептуальная модель развития информационной компетентности в процессе повышения квалификации, ее особенности.

Ключевые слова. Компетентция, компетентный, систематика, информативный информационная, компетентность, концептуальный, субъект, андрология, контекстуальный, процессуальный, операции, рефлексивный, интерфейс.

Annotation. This article discusses the competence and system-information approaches to improving the information competence of preschool teachers and the conceptual model of the development of information competence in the process of professional development.

Key words. Competence, competence, system, informativeness, information competence, conceptual, subject, andragogical, contextual, procedural, operational, reflexive, interactive.

Ҳозирги замонда жаҳондаги ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган глобаль ўзгаришлар кишиларнинг ўзаро таъсирилашиш ва турмушда талабларини қондириши лозим бўлган таълим тизими олдига янги талабларни қўймоқда. Таълим сифатини ошириш нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Унинг ҳал қилиниши таълим мазмунини модернизациялаш, таълим жараёнини ташкил этишнинг оптималь усусларини ва технологияларини излаб топиш, унинг натижаларининг баҳолаш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда COVID-19 пандемияси туфайли глобал карантин жорий этилиши бутун дунё таълим жараёнида ўз тузатишларини киритди. Хусусан, бугунги таълим тизимининг асосий вазифаси, пандемиянинг барча қийин-

чиликларига қарамай, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, инновацион таълим технологиялари жадал ривожлантириш, педагогдан ўз билим, кўнинка ва малакаларини доимий равишда янгилаб туришни талаб қиласди.

Ўқув жараёни самарадорлигини ошириш муаммоси шу пайтгача педагогик жараённинг алоҳида элементларини такомиллаштириш, ўқиш муддатини ошириш, таълим олувчилик сонини камайтириш, тор ихтисосликларни киритиш, янги шакл, метод ва воситалардан фойдаланишга оид изланишларга қаратилган

Д.Зарипова фикрига кўра ахборотлашган таълим бу барча турдаги ахборот технологияларини, компьютерли технологияларни, ахборот ресурсларни шакиллантириш ва улардан фойдаланиш асосида инсон хукуқларини руёбга чиқаришdir [1]

Ф.Ҳ.Фаффаров тадқиқотларида электрон

таълим ресурслари - билим олувчиларнинг мустақил билим олишига тўлиқ имкониятга эга бўлган қизиқтирувчи, ривожлантирувчи функцияларни амалга оширувчи асосий воситалар мажмуи сифатида берилган. Шунингдек, ЭТР нинг хусусий ҳолати бўлган рақамли таълим ресурслари (РТР) – бу рақамли технологиялар асосида яратиладиган ва амал қиласидаган таълим ресурслари эканлиги таъкидланган, шунингдек электрон таълим ресурслари – технологиянинг бир қисмини эмас, балки унинг бутун бир соҳасини тавсифловчи энг умумий номланиши келтириб ўтилган.[2]

А.Каримов жаҳон тажрибасига кўра кучли рақобатга бардошли бўлиш учун булажак мутахассис компетенциявий талабларга жавоб бериш шарт. Хозирда ҳар бир мутахассисдан касбий компетенциясини изчил ривожлантириб бориш талаб этилмоқда. [3]

“Ахборот компетентлилиги” тушунчасини ишлаб чиқишига урриниш С.В.Тришина томонидан ахборот назарияси [4] ва А.В. Хоторскийнинг [5] “компетентлилик” тушунчасини талқини асосида амалга оширилди.

О.Б.Зайцеванинг ишида ахборот компетентлилиги деганда “инновацион технологиялар соҳасидаги анзарий билимлар, амалий маҳоратнинг интеграцияланиши ва шахсий сифатларнинг маълум бир тўплами асосида ги мураккаб индивидуаль-психологик ҳосила” тушунилади [6]. А.Л.Семёнов ахборот компетентлилигини янгича саводхонлик тарзида олиб қараб, унинг таркиби ахборотларнинг киши томонидан фаол тарзда мустақил қайта ишлай олиш маҳорати, технологик воситалардан фойдаланиш кўмагида кўзда тутилмаган ҳолатларда принципиаль жиҳатдан янгича қарорлар қабул қила олиш кўникмаси кабилар киритилади [7]. М.А.Холоднаянинг таърифи бўйича ахборот компетентлилиги – бу фаолиятнинг мос ҳолдаги соҳасида, шу жумладан – педагогик фаолиятда ҳам, самарали қарорларни қабул қилишга имкон берувчи предметли-ўзига хос билимларни ташкил этишининг алоҳида бир типидир [8].

Фан ўқитувчисининг таянч АКТ компетентлилигини у диагностикаландиган кўрсаткичларнинг иккита гурӯҳи-педагогик фаолиятда умумий фойдаланишдаги АКТ ни қўллаш ҳақидаги тасаввурларнинг мавжудлиги ва улардан фойдалана олиш усусларини эгаллаганлик даражасининг квалиметрик матрицалари кўринишида тақдим этди [9].

“Ахборот компетентлилиги” ва “ахборот саводхонлиги” тушунчаларини деярли

тенглаштирган ҳолда Л.Ф.Соловьевва “ахборотли-компьютерли саводхонлик”ни касбий аҳамиятли бўлган ахборотлар билан ишлашнинг зарурий даражасини таъминловчи ахборот-компьютер технологиялари соҳасидаги билим ва маҳорат тизими сифатида таърифлайди [10].

М.Махкамова фикрича ахборотларни эгаллаш туфайли инсонларда тафаккур, дунёқараш, билим, тажриба, истеъдод намоён булади. [11]

Тизимли ахборотли ёндашувни қўллаш таркибан (кичик тизимлари ва элементлари миқдори бўйича) ҳамда таркибий қисмлари (1-расм) ҳамкорлик характеристида мураккаб динамик тизим саналадиган мактабгача таълим педагоглари малакасини ошириш тизими таълим жараёнини комплекс тадқиқ қилиш ва уни ифодлаш имконини беради. Мазкур таълим жараёнига хос бўлган концептуал ёндашувнинг қиёсий асослари 1-расмда ўз аксини топган.

Ўқитувчилар малакасини ошириш таълим жараёнининг ўзи якуний мақсади касбий-шахсий янгиланишлардан иборат фаолиятлари билан ўртоқлашадиган, унинг субъектлари ҳамкорлигининг намоён бўлиши тингловчилар ахборот компитентлигининг ривожланганигидан далолат беради.

Мазкур масалани муфаффақиятли амалга ошириш таълим жараёни субъектлари сифатида таълим олувчилар ҳаётий фаолиятини ташкил қилишнинг маълум ахборот-дидактик мұхити (АДМ) тизими мавжудлиги шароитида мүмкин бўлади. У моддий-техник таъминот (техник курилмалар жамланмаси, дастурий методик таъминот), таълим мазмуни ва педагогик воситаларни ўз ичига олади.

Ўқитиши мазмуни ва ўқитишининг турли воситаларини қўллаш асосидаги курс тингловчилари ва ўқитувчиларнинг ҳимкорлиги таълим жараёнининг моҳиятли характеристикиси ҳисобланади.

Мактабгача таълим педагоглари малакасини ошириш таълим жараёнининг таркибини шакллантирувчи элементини унинг амалга ошиш жараёнида ҳал қилувчи даражага эга бўлган барча элементлари ва яхлит ҳолдаги педагогик тизимнинг барча компонентларига алоқадор бўлган элементлари ташкил қиласиди. Компетентли ёндашув контекстида мақсаднинг асосий характеристикаси “натижা” тарзида шакллантирилади.

Шундай қилиб, мактабгача таълим ташкилотлари педагогларини малака ошириш таъ-

лим жараёни ўзида ўзаро мувофиқлиқдаги унинг субъектлари томонидан маълум мақсад билан махсус ташкил қилинган фаолият шароитидаги ҳаракатлардан иборат динамик

тизимни тақдим этади. Бу динамик ҳаракатни кузатиш имконини берадиган таълим жараёнининг асосий бирлиги фаолият мақсади ва уни амалга ошириш шароитлари нисбатидан

I.Хамкорлик субъект ва объектлари

Курс
tinglovchilari

АДМ

ПЎТ

II.Лойиҳалаш мақсадлари.

Педагог ахборот компитентлигини
самарали ривожлантириш
шароитларини яратиш

III.Лойиҳалаштиришнинг назарий асослари

Асосий ёндашувлар:

1. Тизимили ахборотли ёндашув
2. Компетенли ёндашув
3. Андрагогик ёндашув
4. Шахсий-фаолиятли
5. Контекстли ёндашув

Лойиҳалаштириш тамойиллари:

1. Илмийлиги, яхлитлиги, тизимлилиги.
2. Очиқлиги ва вариативлиги
3. Субъектнинг ўз таълим фаолиятини мустақил лойилаши
4. Индивидуал интилувчанлиги
5. Таълим ва касбий-шахсий ривожланишининг яхлитлиги(бирлиги)
6. Касбий фаолият ва тажриба интеграцияси
7. Таълим натижаларининг экологик йўналгандиги

IV. Асосий компонентлар

Мақсад-
мазмунли;

Ташкилий-
процессуал;

Операцион-
технологик;

Натижавий-
баҳолаш;

V.Лойиҳалаштириладиган шартлар:

1. Таълим мазмунини ўқитувчи ахборот компитентлиги модели асосида қуриш;
2. Психологик тўсиқ ва хавотирли вазиятларни енгигб ўтишда диагностикани амалга ошириш ва ёрдам қўрсатиш;
3. Тингловчилар субъектив фаолиятларини фаоллаштиришни таъминлаш мақсадида қўйидаги воситаларни қўллаш:
 - тажриба ва касбий фаолият интеграцияси;
 - рефлексив методика ва ўқитишнинг фаол методлари;
 - ИАТ интерфаол имкониятларидан фойдаланиш

1-расм. Малака ошириш жараёнида тарбиячилар ахборот компитентлигини ривожлантиришнинг концептуал модели

иборат педагогик вазифа – педагогик вазият гогик вазифаларни англаб етиш ва уларни хисобланади, унга таълим тизимидағи педа- ҳал қилиш сифатида қаралади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Елизаров А.А. Базовая компетенция как основа Интернет-образования учителя [Электронный ресурс] /А.А. Елизаров //Материалы конференции RELARN-2004. Тезисы доклада. - Режим доступа: http://www.relam.ru:8080/conf/conf2004/section3/3_1.html, свободный.
2. Зарипова Д. Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш. (PhD) диссертация автореферати. Тошкент 2020. 126
3. Зайцева О.Б. Формирование информационной компетентности будущих учителей средствами информационных технологий [Текст]: Дис...канд. пед. наук: 13.00.08 /О.Б. Зайцева. - Армавир, 2002. - 169 с.
4. Каримов А. Касб ҳунар таълимида компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш методикасини такомиллаштириш (PhD). диссертация автореферати. Тошкент 2019. 126
5. Махкамова М. Техника олий таълим мұассасаларининг ўкув жараёнида талабаларда ахборот ахборотни шакллантириш. (PhD) п.ф.б.ф.д. диссертация автореферати. Тошкент 2019. 106
6. Семенов А.Л. Роль информационных технологий в общем среднем образовании [Текст] /А.Л. Семенов. - М.: Изд-во МИПКРО, 2000. - 12 с.
7. Соловьева Л.Ф. Компьютерные технологии для учителя [Текст] /Л.Ф. Соловьева. - СПб.: БХВ-Петербург, 2004. - 160 с. 7-8 б
8. Тришина С.В. Информационная компетентность специалиста в системе дополнительного профессионального образования //Интернет-журнал «Эйдос». 2004. 22 июня. - Режим доступа: <http://www.eidos.ru/jurnal/2004/0622-09.html>, свободный.
9. Холодная М.А. Психология интеллекта [Текст] /М.А. Холодная. - М., 1997.-391 с.
10. Ф.Ҳ.Ғаффаров Махсус фанлар бўйича электрон таълим ресурслари базасини яратиш ва уларнинг ма- софадан фойдаланиш методикаси // Ph.D илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т 2018., 22 б.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎРТАТИББИЙ ХОДИМЛАРНИ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ

Дилфузা Камбарова
Педагогик инновациялар институти мустақил тадқиқотчisi

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак ўрта тиббий ходимларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим жараёнини касбий билим, сифат, компетентлик мезонлари асосида такомиллаштириш, ўрта тиббий ходимларни меҳнат функцияларини аниқлаш орқали уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш методикасини тўғри ташлаш, амалий таълимни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: тиббий таълим, симуляция, сифат, функция, малака, касбий мала- ка, амалий компетенция.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования учебного процесса при подготовке будущих медицинских сестер на основе профессиональных знаний, качества, критериев компетентности, правильного выбора методов развития их практических навыков и компетенций путем определения должностных функций медицинских сестер, совершенствования практических навыков.

Ключевые слова: медицинское образование, моделирование, качество, функция, квалификация, профессиональная квалификация, практическая компетентность.

Annotation. The article discusses the issues of improving the educational process in the preparation of future nurses on the basis of professional knowledge, quality, competence criteria, the correct choice of methods for developing their practical skills and competencies by defining the job functions of nurses, improving practical skills.

Key words: medical education, modeling, quality, function, qualifications, professional qualifications, practical competence.

Республикамизда профессионал таълим соҳасида тарихан қиска вақт ичида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Профессионал таълим мазмунини янгилаш, сифат даражасини яхшилаш мақсадида Ўзбекистонда Таълимнинг халқаро стандарт таснифлаги чи дараҷалари билан уйғуллашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этиш масалалари белгилаб берилди. Ўқитувчиларнинг назарий ва методик савияси ва малакасини оширишни такомиллаштириш орқали малакали мутахассислар тайёрлаш, кўргазмали қуроллар ва техник воситалар билан таъминлаш ишларига катта эътибор берилди. Шу жумладан профессионал таълим тизимидаги тиббий таълимни модернизациялаш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, тиббий таълимнинг самарали тизимини яратиш, тиббий соҳасини касбий компетентликка эга бўлган рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан мамлакатимизда 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этилди. Қарорда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг моддий-техник базасини янада кучайтириш, амалиёт хоналарини белгилangan нормативларга асосан жиҳозлаш, ўқув-симуляцион аудиторияларни ташкил этиш;

валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанларини чукурлаштирилган ҳолда ўқитилишини жорий этиш ҳамда мазкур техникумларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини илгор хорижий тажрибалар асосида ишлаб

чиқиши;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш вазифалари белгилаб берилди.

Замонавий тиббиётда ҳамширалар нафақат шифокор буюртмаларини бажарадиган, балки тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари, касалликнинг олдини оловчи, ўз ўрнида мураббий, психолог, маслақдош ва текширувчи вазифаларини ҳам адо этади.

Тиббиёт ҳамширасининг асосий вазифаларидан бири – жамият ва бемор киши саломатлиги йўлида ҳолис меҳнат қилиш, ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш, беморга диққат-эътибор, ғамхўрлик билан муносабатда бўлишdir. Ўзининг барча ҳатти ҳаракатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилиш, тиббиёт ходими нинг юксак вазифасини англаш, ўз Ватанига меҳр-муҳабbat ва садоқатни, бурчига содикликни тарбиялаш, юксак инсонпарвар касбнинг олижаноб анъаналарини сақлаш ҳамда кўпайтиришдан иборатdir. Буюк алломалар фикрича, ахлоқда диёнат, қаноат, шижаот, илм, сабр, интизом, виждон, бурч, жавобгарлик, масъулият, иффат, ҳаё, идроқ, хайриҳоҳлик, садоқат, муҳабbat, қадрқиммат, номус, хулқ – атвор, баҳт каби инсоний ҳислатлар мужассамлашгандир. Юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган тиббиёт ходими ўз бурчини аниқ ва сифатли бажаради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баёнотига кўра тиббиётда ҳамширалар глобал саъӣ-ҳаракатларнинг(айниқса пандемия шароитларида) муваффақиятли амалга оширилиши учун жуда муҳимdir. Ушбу тоифадаги тиббиёт ходимлари соғлиқни сақлашнинг барча устувор муаммолари, шу жумладан соғлиқни сақлашнинг универсал қамрови, руҳий саломатлик ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш, фавқулодда вазиятларга тайёр гарлик, беморларнинг хавфсизлиги ва туғруқ вақтида соғлиқни сақлашнинг глобал муаммо-

ларини ҳал қилишда ўзларинг бебаҳо хизматлари билан ҳисса қўшадилар.

Ҳамшираларнинг касбий ва амалий тайёргарлигини ва касбий малакасини максимал даражада оширишга қаратилган тизимли ҳаракатларни йўлга қўймасдан туриб, соғлиқни сақлаш бўйича ҳар қандай глобал муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун ҳамширалар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш, уларнинг касбий функциялари аҳамиятини ошириш, шунингдек уларни ўқитишга, малакасини оширишга сарфланадиган маблағлар ҳажмини ошириш орқали максимал самарадорлик ва самарадорликка эришадиган муҳит яратиш сиёсати талаб этилади.

Тиббиёт соҳасидаги жадал ривожланиш, янги технологияларни кириб келиши, тиббий таълимда ўрта тиббий ходимларни тайёрлаш сифатига олдига янги талаблар қўяди. Бу жараёнда тиббий таълим муассасаларида мутахасисларни компетенцияларини ривожлантиришга эътиборни қаратиш, малака талабларини компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, таълим жараёнига янги, инновацион технологияларнинг, симуляцион воситаларни жорий қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тиббий фанлар мазмунини такомиллаштиришни, тиббий фанларни ўқитишнинг замонавий методларини ишлаб чиқишида бевосита амалий таълим ва амалий компетенцияларни ривожлантириш бўйича ишланмаларни ишлаб чиқишини тақозо этади.

Одатда "ҳамшира" деганда ёрдамчи ходимлар таркибига кирадиган, ҳамширалик соҳасида ўрта маҳсус тиббий маълумотга эга бўлган мутахассис тушунилади ва унинг мавқеи мутахассис шифокорга нисбатан анча паст хисобланади. Хорижий давлатларда ва Америка Қўшма Штатларнинг сўнгги ўн йилликда бу қараш мутлақо ўзгарди. Бунга асосий сабаб тиббиётнинг тезкор суръатларда ривожлариши ва таълимда назарияни амалиётга алмаштирилиши, яъни ўқитишини амалиётга йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Ҳамширалик таълимни буғунги кунда тиббиёт билан боғлиқ бўлган бошқа фанлардан кенгроқ хабардор бўлишни ва тадқиқот натижаларидан клиник ва бошқарув қарорларида фойдаланишни назарда тутади. Бу жараёнда ҳамшира шифокор билан хамкорликда ишловчи мутахассисга айланади.

Хозирги пайтда ҳамширалар нафақат шифокор буюртмаларини бажарадиган, балки тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари, касал-

ликнинг олдини олувчи, ўз ўрнида мураббий, маслакдош ва текширувчи вазифаларини ҳам адо этади.

"Ҳамширалик иши" йўналишларида тиббий таълимни ташкил этишда таълимни бевосита амалиёт билан боғлаш, амалий таълимни амалга ошириш, яъни амалий компетентликни ривожлантириш муҳим саналади.

Шуни таъкидлаш керакки, профессионал таълим ҳар доим амалий йўналтирилганлиги билан ажралиб турарди, бу ерда амалий машғулотлар машғулотлар учун ажратилган вақт бюджетининг 60-70 фоизини ташкил этиши лозим. "Ҳамширалик иши" ихтисослиги тиббий таълимнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг мазмуни малака талаблари асосида белгиланади.

Касбий фанлар ва таълим амалиётлари маҳсус жиҳозланган ўқув хоналарида ёки ўқув муассасаси базасидаги ўқув амалий марказларида амалга оширилади. Шунингдек ижтимоий шериклик дастурларини амалга ошириш доирасида тиббиёт ташкилотларида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш амалиётлари ҳам ниҳоятда муҳим саналади. Тиббий таълимда амалиётнинг самарали ташкил этилган шарт шароитлари келажакда ҳамширанинг амалий малакасини изчил шакллантирини таъминлашдир, бу жараёнда ўқувчилар ҳамширанинг касбий фаолияти турлари билан танишиш, танланган касбнинг ўзига хос хусусиятларини, моҳиятини ва ижтимоий аҳамиятини англашлари мумкин бўлади. Ўқувчилар ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари билан биргаликда тиббиёт турларида қатнашадилар, беморларни текширишда ёрдам беришади, операциядан кейинги даврда уларни кузатиш ва парвариш қилиш, тиббий ходимларга тиббий ҳужжатларни тўлдиришда, тиббий ёзувларни расмийлаштиришда ёрдам беришади, яъни ҳақиқий профессионал муҳит шаклланади.

Тиббиёт техникумларидаги амалий таълим жараёнини кузатиш, таҳлил қилиш орқали "Ҳамширалик иши" йўналишида амалий таълимни ташкил этишда дуч келаётган асосий муаммолар ўрганилди ва уларни ечимлари юзасидан хуносалар қилинди.

1. Мутахассислик фанлар бўйича ўқув жиҳозларининг етишмаслиги, мавжуд жиҳозларнинг аксари қисми мунтазам фойдаланиш оқибатида эскирган ва яроқсиз ҳолга келганилиги.

Бу муаммони ечимини республикамиизда фантом, муляжлар ишлаб чиқаришни йўлга

кўйиш, виртуал таълим воситаларини яратиш, симуляцион воситаларни яратиш ва амалдагиларини жорий этиш, илғор хорижий давлатлар билан тиббий жиҳозлар олиш бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини кўпайтириш, коллежларда бюджетдан ташқари маблағларни топиш масаласини ҳал этиш (қисқа курсларни ташкил этиш, симуляцияларни ишлаб чиқиш, электрон ресурсларни яратиш) орқали ечиш мумкин.

2. АРМ ларда ўқув адабиётларнинг ва техник воситаларнинг этишмаслиги.

Бунда эскирган дарсликларни янгидан яратиш, етарли бўлмаган дарсликларни қайтадан чоп этиш, электрон дарсликлар ва маъруза матнлар тайёрлаш, АРМ ўқув залларини компьютер билан таъминлаш ишларини кучайтириш.

3. Амалий базаларда коллеж ўқувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш учун етарли шароит мавжуд эмаслиги, амалий базаларда ўқув хоналар этишмаслиги.

Ўқув муассасаларида малакали педагог кадрлар таркибини вужудга келтириш ва педагоглар салоҳиятини ошириш мақсадида малака ошириш режаларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, коллежларда ташкил этилган «Педагогик маҳорат» курслари, «Устоз-шогирд», «Ёш ўқитувчилар» мактабларининг фаолиятини кучайтириш;

3. Ўқув-услубий иш ҳужжатларини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри ва эстетик жиҳатдан талаб даражасида тайёрлашга эришиш учун услубий семинарлар ташкил этиш, услубий тавсияномалар тайёрлаб тарқатиш, шунингдек ўқитувчиларнинг тажриба алмашишини йўлга кўйиш; АРМларни дарсликлар ва техник воситалар билан етарли даражада таъминлаш учун эскирган дарсликларни янгидан яратиш, етарли бўлмаганларини қайта чоп этиш, баъзи коллежлардаги ортиқча китобларни янги очилган эҳтиёжи бўлган коллежларга бериш, меъёр талаблари даражасида тайёрланган маъруза матнлар билан бойитиш;

5. Амалий машғулотларда телемедицина имкониятларидан фойдаланиш, интелектуал тадбирларнинг таъсир кучи ва самараси-

ни ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчида ўқувчининг ички захираларини очиш қобилияти, ўқитиша фаол усуллардан, хусусан тақлид қилиш ва тақлид қилмаслик усулларидан фойдаланган ҳолда, таълим жараёнида конструктив ўзгаришларни таъминлаши керак, яъни келажакдаги мутахассисга унинг қобилиятлари ва имкониятларини баҳолаш, унинг ўрнини тўғри аниқлаш, касбий фаолиятни давом эттириш учун аниқ йўналеш бера олиши керак. Бўлажак мутахассис маълум бир касбий фаолият билан шуғулланиши учун, муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт деб қараладиган амалий фаолиятни амалга оширишга тайёр бўлиши керак. Шу сабабли, професионал таълим тизимини ўзгаришиш, амалий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган умумий ва касбий компетенцияларга эга бўлган мутахассисни тайёрлаш учун таълим мухитининг амалиётга йўналтирилган шароитларини таъминлаш керак.

Тиббий таълимда ўқитиши усулларини танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил усуллар қўлланса, уни мустаҳкамлашда иккинчи ва мавзуни умумлаштиришда яна бошқа хил усуллар қўлланилади. Дарснинг турли босқичларида пухта ўйлаш ва самарали усулларни қўллаш жуда муҳим. Ўқитувчи-педагогнинг вазифаси самарали усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларда фаоллик сифатларини таркиб топтириш ва қийинчиликларни енгишга ўргатишидир. Бу жуда муҳим бўлиб, назарий билимларни амалий фаолиятга айлантиришни осонлаштиради. Шундай қилиб, ўқитиши усуллари педагог ва талабалар назарий ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришга каратилган тадбирдир. Техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланаётган бир даврида ўқувчиларда дарсга мотивациясини ошириш ниҳоятда мураккаб жараён хисобланади. Амалий дарсларни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак? – деган саволга жавоб топишда ўқитувчи изланиши, тиббиёт соҳасидаги янгиликлар билан танишиб бориши ва татбиқ этиши керак.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ килиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори Lex.uz
3. Ф.А.Акилов, Р.Б.Нуруллаев, Ж.Х.Мирхамидов, Х.Б.Худайбердиев, Р.С.Азизова. **ҲАМШИРАЛИК ИШИ.** Ўрта маҳсус, қасб-хунар коллекларининг тиббиёт йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчилар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун ўқув кўлланма.
4. СОСТОЯНИЕ СЕСТРИНСКОГО ДЕЛА В МИРЕ, 2020. ВОЗ.144 с.
5. Вербицкий, А.А. Контекстное обучение в системе профессионального образования / А.А.Вербицкий // Медицинская сестра, - 2011. - № 6. - С.25.
6. Глухих, С.И. Интегративно-деятельностный подход к подготовке медицинских сестёр в непрерывном профессиональном образовании/ С.И. Глухих// Автореф. дис.канд.пед.наук: 13.00.08. Москва 2012, 302с.
7. Зимняя, И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования / И.А. Зимняя // Эйдос : Интернет-журнал. – 2006. – (Электронный ресурс). – <http://www.eigos.ru>
8. Краснова, С.А. Профессиональная компетентность среднего медицинского персонала / С.А. Краснова // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. - Тольятти : ТГУ, 2011. - № 2 (16). -С. 417-420

ТЕХНИК МЕХАНИКА” ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛАНТИРИШ

**АСРАЕВ З.Р. - Бухоро мұхандислик-технология институти, “Ахборот -
коммуникация технологиялари” кафедрасы докторанти**

Аннотация. Мазкур мақолада электрон дарсліклар, уларнинг хусусиятлари, турлари ва имкониятлари ҳамда “Техник механика” фанидан электрон дарслік яратиш асослари, унинг мультимедиа имкониятларини такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича қўшимча ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: электрон дарслік, компьютерли ўқитиши, визуал моделлаштириш, гиперматн, мультимедиа, гипермедиа технологиилари, ахборот ресурслари, симулятор, математик моделлаштириш, интерактив, анимацион моделлар.

Аннотация. В данной статье представлена информация об электронных учебниках, их особенностях, типах и возможностях, а также об основах создания электронного учебника по «Технической механике», дополнительные работы по совершенствованию и расширению его мультимедийных возможностей.

Ключевые слова: электронный учебник, компьютерное обучение, визуальное моделирование, гипертекст, мультимедиа, гипермейдийные технологии, информационные ресурсы, симулятор, математическое моделирование, интерактив, анимационные модели.

Annotation. This article provides information about electronic textbooks, their features, types and capabilities, as well as the basics of creating an electronic textbook on "Technical Mechanics", additional work to improve and expand its multimedia capabilities.

Key words: electronic textbook, computer learning, visual modeling, hypertext, multimedia, hypermedia technologies, information resources, simulator, mathematical modeling, interactive, animation models.

Замонавий ижтимоий тараққиётнинг энг долзарб ва характерли хусусиятларидан бири бу шахсий компьютерлар ва алоқа телекоммуникация воситалари орқали инсон фаоли-

ятининг турли соҳаларидаги ҳар хил муаммоларни ҳал қилишга мўлжалланган дастурий таъминотни ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланишdir.

Янги авлод компьютерларининг тарқалиши, шахсий компьютерлар имкониятларининг кенгайиши, илғор телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш ва улар асосида компьютерли ўқитиш воситаларини яратиш ўкув жараёнини фаоллаштиришга жалб қилиш учун шароит яратди. Ҳозирда визуал моделлаштириш технологияси, билимларни бошқариш ва синаш технологияси, гиперматн, мультимедиа, гипермедиа технологиялари каби замонавий технологиялар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўкув жараёнини таъминлаш учун анъанавий ахборот ресурслари билан бир қаторда қуидаги ўкув қўлланмалардан фойдаланилади: мультимедиали ихтисослаштирилган дарсликлар, электрон ўкув-услубий мажмуалар, шу жумладан электрон дарсликлар, ўкув қўлланмалар, ўкув дастурлари, компьютер лабораториялари, назорат ва синов тўпламлари ва телекоммуникация каналлари орқали узатишга мўлжалланган бошқа материаллар.

Таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича нашрларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, турли хил фанлар ва турли хил таълим муассасалари учун фойдаланишнинг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги сабабли, ҳозирги вақтда компьютерли ўқитиш дастурларининг аниқ умумий қабул қилинган таснифи мавжуд эмас, аммо уларни синфда ишлатиш тури бўйича шартли равишда тақсимлаш мумкин: намойиш дастурлари, ўкув дастурлари, математик моделлаштириш учун дастурний таъминот, билим даражасини кузатиш ва синовдан ўtkазиш учун дастурний таъминот, симуляторлар, ахборот-маълумот тизимлари, автоматлаштирилган ўқитиш тизимлар, электрон дарсликлар, мутахассисларни тайёрлаш тизимлари, ақлли ўқитиш тизимлари.

Шу ўринда назарий материалларни ва ўкув машғулотларни етказиб берадиган, талабаларни билим даражасини назорат қилишни таъминлайдиган, шунингдек, ахборот қидириш фаолияти, математик ва симуляцион моделлаштиришни таъминлайдиган ҳамда интерактив қайта алоқа қилиш каби комплекс мақсадлар учун мўлжалланган электрон дарсликлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Электрон дарслик, шунингдек анъанавий "коғоз" дарслиги, биринчи навбатда, ўрганилаётган мавзу бўйича асосий маълумотларни ўз ичига олган ўкув материалларидан тузилади. Шу билан бирга, электрон дарслик анъанавий китобга нисбатан афзалликларни белгилайдиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

- ўрганилаётган жараёнлар ва ҳодисаларни моделлаштириш ва тақлид қилиш;

- визуал таълим маълумотларини намойиш этиш: рангли тасвирлардан фойдаланиш материални визуал тарзда намойиш қилиш учун хизмат қилади, уни тушуниш ва ёдлашга ёрдам беради.

- компьютер анимацияси ўкувчига маълумот узатиш тезлигини оширишга ва уни тушуниш даражасини кенгайтиришга имкон беради; дарсликда тасвирланган ҳодиса ва жараёнларнинг қандай давом этишини намойиш этади, ўрганилаётган механизмлар тамойилларини визуал тарзда акс эттиришга ҳисса кўшади, талабага образли тасаввурларни шакллантиришга, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятига кириб боришига имкон беради;

- овоз - бу маълумотларни узатишнинг кўшимча усули, ўрганилаётган материални яхшироқ идрок этишга, ўқитувчиларнинг изоҳлари билан бойитишга ва ўкувчилар эътиборини кўшимча тушунтиришни талаб қиласидиган жойларга йўналтиришга имкон беради;

- видео - ўрганилаётган материалнинг визуал намойишини янада тўлиқ таъминлайди, унинг идрокини яхшилайди ва чарвоқни камайтиради;

- ўрганилаётган материал бўлимлари ўртасида тезкор ўтиш имконияти (маълумотларни ўзаро боғлаш ва бошқа файлга, файл фрагментига, веб-саҳифага ўтишга имкон берувчи гиппермурожаатлар);

- турли хил хизматлар (маълумотнома, калкуляторлар, оралиқ ҳисоблаш натижаларини сақлаш) талабани кўп меҳнат талаб қиласидиган ҳисоб-китоблардан халос қиласиди, бу эса топшириқни бажариш жараёнини тезлаштиради, ўкув фаолияти самарадорлигини оширади.

Юқорида муҳокама қилинган имкониятлардан ташқари, электрон дарсликлар сизга ёндашувни индивидуаллаштириш ва ўкув жараёнини фарқлаш, талабанинг ўзини ўзи бошқариш режимида ишлашини таъминлаш, хатоларни ташхислаш ва тескари алоқа билан билимларни бошқариш, лаборатория ишларини, тажрибаларни виртуал реалликда ўтказиш имконини беради [1].

Электрон дарсликнинг турлари ва имкониятларини келтирамиз.

Биринчи тур (семантик элементлар): электрон дарслик ёрдамида франнинг назарий материалларини ўрганиш, муаммоларни ҳал қилиш ва ҳисоблаш ишларини бажариш, ком-

пьютер тажрибаларини ўтказиш, оралиқ ва якуний назорат орқали олинган билимларни текшириш.

Иккинчи тур (мультидемия имкониятлари): тақдим этилган материалнинг равшанлиги ва ўрганишга бўлган қизиқишини оширишга имкон берадиган видео, овоз, анимация, графикалар ёрдамида ўқув материалларини етказиши ўз ичига олади.

Учинчи тур (интерфейс, хизматлар): компьютер ўқитиш тизимининг тузилишини ва фойдаланувчи билан интерфейсни белгилайдиган имкониятларни ўз ичига олади - кўп даражали меню тизимини, кўп ойнали интерфейсни, гиперматнли ўтиш тизимини, матнни қидириш, турли хил хизматлар (ёрдам, калкулятор, оралиқ ҳисоблаш натижаларини сақлаш ва бошқалар).

Тўртинчи тур (Веб имкониятлари): талаба ва ўқитувчи ўртасида интерактив алоқани таъминлаш (оддий электрон почтадан онлайн конференцияларни ташкил қилишгача), Интернетдаги ўқув ва илмий маълумотларни қидиришни ташкил қилиш, дунё олимларининг асарлари ва бошқа имкониятлар [2].

Электрон дарслик шаклида "Техник механика" фани бўйича компьютерли ўқитиш тизимини яратища юқорида келтирилган стандарт имкониятлар таъминланиши керак. Мультидемия имкониятларига, яъни техник мутахассисликлар учун муҳим бўлган механизмларнинг тўлиқ ҳаракатланиш циклини ўқувчиларга аниқ кўрсатиб берадиган компьютер анимацион моделларини яратишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тўртинчи турдаги имкониятлар (веб-имкониятлар) электрон дарслик ва технологиянинг асосий форматларини танлашда қўшимча шартларни белгилайди, нафақат ўзаро мувофиқлик, балки Интернет билан ҳам мосликни таъминлаш керак.

Асосий натижалар қўйидагича [3]:

1. Техник механикадан назарий материаллар, билимларни бошқариш модули ва турли ҳисоблашларни ўз ичига олган дастурлардан ташкил топган электрон дарслик шаклида

тайёрланган ўқитиш тизиминининг умумий концепцияси ишлаб чиқилди.

2. Матнли маълумот, иллюстрациялар, компьютерли анимацион моделлар, ўзини ўзи ва билимларни бошқариш модуллари, компьютерли ҳисоблашни ўз ичига олган ўқув материалини тайёрлаш учун асосий форматлар танланди ва уларни Интернет орқали узатиш имконияти яратилди.

3. Математик моделлар асосида курилган ва механизмларнинг ҳаракатланишининг тўлиқ циклини акс эттирувчи механизмларнинг анимацион компьютер моделларини яратиш учун дастурний воситалар танлаб олинди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатди, "Техник механика" фанидан ишлаб чиқилган электрон дарсликни янада ривожлантириш учун қўшимча дастурларни такомиллаштириш бўйича қўшимча иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир, жумладан:

- талабалар билимларини назорат қилиш учун турли мураккабликдаги топшириклар банки, курснинг барча асосий бўлимлари бўйича мавзуларро синовларни ва якуний назоратни (шунингдек, оралиқ назоратни) таъминлайдиган саволларни ишлаб чиқиш.
- ҳисоблаш ва график ишлар тўпламини кенгайтириш, кўп сонли механизмлар ва кўплаб мавзулар бўйича ҳисоблаш ва график ишларни яратиш, виртуал эксперимент ва ҳисоблаш амалиётини бирлаштириш.
- электрон дарсликнинг мультидемия имкониятларини такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича ишлар - овоз, видеоклипларни киритиш, механизмларнинг анимацион компьютер моделлари сонини кўпайтириш.

"Техник механика" фани бўйича электрон дарслик талабалар учун курсни мустақил ўрганиш, тест ва имтиҳонларга тайёргарлик кўриш, масофадан ўқиш учун фойдали бўлади. Бундан ташқари ушбу фан ўқитувчиларига ҳам қўл келади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Башмаков А.И., Башмаков И.А. Разработка компьютерных учебников и обучающих систем. – М.: Филинъ, 2012.
2. Гура В.В., Дикарев С.Б. Система проектирования электронных образовательных ресурсов. Ростов-на-Дону. Издательство ООО "ЦВВР", 2013. -125 с.
3. Бибутов Н.С., Ҳожиев А.Х., Асраев З.Р. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг "Амалий механика" фанидан электрон дарсликнинг гувоҳномаси: № DGU 04307.

ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА БАНДЛИКНИНГ МАЪМУРИЙ ВА БОЗОР ЁНДОШУВЛАРИ.

ХАЙТОВ ШЕРБЕК НАИМОВИЧ

**Бухоро мұхандислик технология институти Менежмент кафедраси мудири,
и.ф.н., доцент.**

ҮРИНОВ ЙИГІТАЛИ МУРАТОВИЧ

**Бухоро мұхандислик технология институти Менежмент кафедраси
тадқықотчыси**

Аннотация. Мақолада мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бандликнинг маъмурий ва бозор ёндошувларининг ўрни кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: бандликнинг маъмурий ёндошуви, бандликнинг бозор ёндошуви, мустақил бандлик.

Аннотация. В статье рассмотрено значение административного и рыночного подхода занятости в социально-экономическом развитии страны.

Ключевые слова: административный подход занятости, рыночный подход занятости, самостоятельная занятость.

Annotation. The article examines the importance of the administrative and market approach of employment in the socio-economic development of the country.

Keywords: administrative employment approach, market employment approach, self-employment.

Республикамизда шиддат билан амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ислоҳотларда аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, фаровонлигини оширишга ва янги самарадорлиги юкори бўлган иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағищланган мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисига Мурожаатномаларида: «Республикамиз бўйича тўқимачилик, курилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш кувватлари барпо этилади.» – деб таъкидлашлари, ушбу муаммони мухим ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради¹. [1].

Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2021 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағищланган мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисига Мурожаатномаси.// 2020 йил 29 декабр.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мавжуд меҳнат ресурсларини бошқаришнинг са-марадорлигини оширилиши, бу соҳада омилкор сиёsat юритилиши минтақада ривожланишнинг ва ижтимоий самарадорликнинг пировард натижаларини белгиловчи омиллардан бири аҳоли бандлиги даражасини оширишда мухим аҳамият касб этмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатнинг ихтиёрийлиги, меҳнат фаолиятининг турлари ва шаклларини танлашнинг иқтисодий эркинлиги, ишга жойлаштиришга муҳтож фуқароларни ҳамда фаол иш қидираётган ишсизларни давлатнинг қўллаб-кувватлаши принципларига асосланган бандлик сиёsatи амалга оширилмоқда. Ҳурматли Президентимиз томонидан 1 ноябрдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақа микдори 1,1 баравар оширилиши тўғрисидаги Фармонга имзо чекилиши аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини давлат томонидан қўллаб-кувватланишини кучайтириш, шунингдек, меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимлар иш ҳақи микдорини жадал равишида оширишни таъминлашда мухим аҳами-

ят касб этди. Ҳужжатга кўра 2018 йилнинг 1 ноңиридан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилди [2].

Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари тобора шаклланаётган ҳозирги даврда, янги иш ўринларини яратиша ва аҳоли бандлигини таъминлашда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишнинг илмий жиҳатларини тадқик қилишда бандликнинг икки ёндошувини ажратган ҳолда ўрганилса мақсадга мувоғиқ бўлар эди. Булар қуидагилар:

1. Бандликнинг маъмурий ёндошуви. Бандликнинг маъмурий ёндошуви бандликка кўмаклашувчи давлат тузилмалари орқали ишсизларни касбий тайёрлашга ёрдам бериш ва уларни мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалардаги вакант жойларда меҳнат шартнома асосида ёлланма ишчи, ходим ва раҳбар сифатида ишга қабул қилиш, касб-хунар колледж ва олий ўқув ўртглари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ҳамда ёллашга асосланган янги иш ўринларини ташкил этишда намоён бўлади. Бундай бандлик ёндошувида янги иш ўринларини яратиш суръатлари меҳнат ресурсларининг кўпайиши суръатларидан орқада қолишига олиб келиши мумкин, шунингдек меҳнат бозорида бокимандалик кайфияти шаклланиши ҳамда иш ўринларининг рентабеллик даражасига эътибор пасайиши мумкин. Бандликка кўмаклашувчи тузилмалар бандликни ошириш мақсадида баъзида рентабелсиз иш ўринларини ҳам молиялаштиришини давом эттиришлари мумкин бўлиб қолади.

2. Бандликнинг бозор ёндошуви.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида аҳоли бандлиги даражасини оширишда бандликнинг бозор ёндошуви муҳим роль ўйнайди. Бандликнинг бозор ёндошуви ҳақиқий бозор ва кескин рақобат шароитида амал қиласи. Бунда ходимларнинг касб-хунарини тижоратлаштириш ва тадбиркорлаштиришга асосланган ҳолда хусусий ишини ташкил қилиб ўзини ва ҳамкорларини бандлигини таъминлашни билдиради.

Касб-хунарни тижоратлаштириш ва тадбиркорлаштиришнинг иккита асосий йўналиши мавжуд:

1. Ишбилармонлик йўналиши. Унга кўра касб эгалари мавжуд корхона, ташкилот, муассасаларда ишга жойлашиб ишлайдилар. Ҳозирги вактда биз колледж битирувчиларини ишга жойлаштириш билан фаол шуғулланамиз. Бу иш натижа бераяпти, лекин қачон улар мустақил ишга жойлашиши мумкин? Ўз касбини хунар даражасига кўтара олган тақдирдаги битирувчи ўз-ўзини ишга жойлаштиради!

2. Тадбиркорлик йўналиши. Бу йўлда касбу хунарли киши ўзининг хусусий ишини бошлаб, ўзи, оила аъзолари ва ёлланма ишчиларни ҳам иш билан таъминлайди. Тадбиркорлик йўли битирув-

чиларни ишга жойлаштириш масаласини юмшатади ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш имкониятини яратади.

Ҳозирги пайтда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона ижтиоий-иктисодий ислоҳотлар натижасида меҳнат бозорида рентабел иш ўринлари сони ва иқтисодий фаол кишиларининг кўпайиш суръатлари ўртасида мутаносиблик ўрнатиш имкони вужудга келмоқда.

Бандликнинг маъмурий ёндошуви ва бандликнинг бозор ёндошуви ўзининг қуидаги алоҳида хусусиятлари билан фарқ қиласи:

Биринчидан, агар бандликнинг маъмурий ёндошуви ходимнинг малака даражаси, билим ва кўникмасига асосланса, унинг бозор ёндошуви тадбиркорлик лаёқатига асосланади. Яъни, биринчисида инсон ўз меҳнат қобилиятларини рӯёбга чиқариб иш билан банд бўлади. Иккинчисида эса, киши ўз тадбиркорлик қобилиятларини рӯёбга чиқариб мустақил ўз ўзини иш билан таъминлайди.

Иккинчидан, бандликнинг маъмурий ёндошуви ёлланма меҳнатга асосланса, бандликнинг бозор ёндошуви эркин меҳнат ва хусусий тадбиркорликка асосланади.

Учинчидан, бандликнинг маъмурий ёндошувида иш билан таъминлаш учун корхона, ташкилот ёки муассасалар мавжуд бўлиб амал қилинishi лозим бўлса, бандликнинг бозор ёндошувида корхона, ташкилот ва муасассасиз ҳам одамлар ўз касб-хунарини ўз уйда ёки хусусий мулки негизида фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

Юкоридаги фикр-мулоҳазаларимизда бандликнинг маъмурий ёндошуви ва бандликнинг бозор ёндошувини ижтиоий-иктисодий ислоҳотлар шароитида ўзига хос алоҳида хусусиятларини тадқик қиласи эканмиз, уларнинг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганмок лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича аҳолининг бандлик даражасининг фарқланиши, улардаги табиий-иқлим ва демографик омиллардан ташқари иқтисодиёт ва саноатнинг шаклланган тармоқ таркиби, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш жараёнлари ва улар туфайли иқтисодиётда юз беряётган таркибий ўзгаришлар ҳар бир минтақада аҳолини мустақил бандлигини таъминлашнинг ўзига хос ва ўзига мос дастурларини ишлаб чиқишини тақозо қиласи.

Шу билан боғлиқ ҳолда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида мустақил бандлик тушунчасининг бандлик муносабатлари тизимидағи ўрнини ўзига хос хусусиятларини тадқик этиш долзарбdir. Аҳолининг мустақил бандлиги соҳасида меҳнат самарасининг юқори даражада маҳсулдорлиги таъминланади. Республикализмининг иқтисодиёт тармоқларида юқори суръатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мустақил бандлик соҳасига юқори малакали мутахассис-

ларни жалб қиласы, уларнинг бозор қонунлари асосидаги якка тартибдаги ишбилиармөнлик фаолиятларини юритишларида ҳамда шахсий тадбиркорлик қобилиятларини шакллантиришларига катта имкониятлар очиб беради [3].

Бизнинг фикримизча аҳолининг мустақил бандлиги – бу аҳоли бандлигини таъминлашнинг нисбатан янги күринишдаги шакли хисобланиб, алоҳида гурух фуқаролар (жисмоний ва юридик шахслар) томонидан ўзларининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ҳамда доимий ёки вақтингчалик даромад манбаларига эга бўлиш максадида ўзларинининг шахсий сармоя маблағлари хисобидан якка тартибдаги мустақил меҳнат фаолиятларини юритишлари, ўзларининг мустақил янги иш ўринларини яратишлари ва шунинг хисобидан ўзларининг мустақил бандликларини таъминлашлари тушунилади.

Республикамизда ишсизлик даражасини пасайтириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида аҳоли бандлигини таъминлашнинг замонавий ёndoшувларидан кенг қўламда фойданиш ва уларни иқтисодиёт тармоқларига амалда тадбиқ қилиш, бандликнинг маъмурий ва бозор ёndoшувлари, аҳолининг мустақил бандлиги каби иқтисодий тоифалар чукур илмий жиҳатдан тадқик қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Аҳолининг мустақил бандлиги тушунчаси, унинг бозор муносабатлари шароитида юзага келиш босқичлари ва бандлик муносабатлари тизимидағи ўрнини илмий жиҳатдан ўрганиш ва ривожлантириш учун куйидаги жиҳатларга алоҳида ётиборни қаратмоқ лозим:

- Мустақил бандлик тушунчаси, унинг бандлик муносабатлари тизимидағи ўрни ва уни инновацион ривожлантириш тенденцияларининг назарий-услубий асосларини яратиш;

- Мустақил бандликни инновацион ривожлантириш ва бошқариш назарияси илмий асосларини умумлаштириш ва ривожлантириш асосида ўрганилаётган муаммони ҳал этиш;

- Мустақил бандликнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва инновацион ривожланишини таъминлашда янги ёndoшувни зарурлигини асослаб бериш;

- Мустақил бандликнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир қиласидан омилларни ўрганиш ва ўзаро муносабатлари хусусиятларини белгилаш;

- Мустақил бандликни инновацион ривожлантириш билан боғлиқ билвосита ва бевосита харажатларни бошқаришнинг илмий асосланган йўлларини ёритиши;

- Мустақил бандликни инновацион ривожлантириш жараёнларининг статик ва динамик, чизиқли дастурлаш ва эконометрик моделларини яратиш орқали иқтисодий ривожланишдаги тенденцияларни татқиқ этиш ва истиқболда инновацион, ракоbatбардош тараққиётини таъминлаш;

- Аҳолини мустақил бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ва улардан фойдаланиш тенденцияларини, уларнинг иқтисодиётнинг жорий ҳолатига таъсирини ва самарадорлигини ошириш бўйича тегишли амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида мустақил бандлик тушунчасининг замонавий назарияси ва омилларининг ҳозирги талқинини танқидий жиҳатдан кўриб чиқиш ва бу соҳадаги муноzarаларга минтақа нуқтаи назаридан баҳо бериш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида меҳнат бозори фаолиятининг ўзига хос томонларини тадбиқ қилиш, унинг минтақадаги миллий иқтисодий муаммоларини ҳал этишдаги кучайиб бораётган янги жиҳатларини белгилаш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида мустақил бандлик фаолиятини ва инновацион тараққиётини таъминлаш учун минтақадаги меҳнат бозорининг кўлами ва улардан фойдаланишнинг оптимал тузилмасини шакллантириш бўйича моделлар ва келгусида уларни такомиллаштириш бўйича башоратлар ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида мустақил бандлик фаолиятини илмий асосда бошқариш ва инновацион такомиллаштириш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш услугини таклиф этиш ва уларни минтақалар мисолида апробация қилиш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида мустақил бандлик фаолиятини инновацион барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар яратиш.

Аҳолининг мустақил бандлигини таъминлаш меҳнат бозорида қатнашувчиларнинг фаолият доиралари миқёсинини кенгайтириш, аҳолини ижтимоий меҳнатга қатнашувини фаоллаштириш орқали ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик бўлган ишсизлик муаммосини ечишда, пировардида аҳоли бандлиги даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Аҳолининг мустақил бандлигини таъминлаш аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иқтисодий худудларнинг молиявий ва ишлаб чиқариш кувватларини ривожлантириш, шунингдек жамият аъзолари орасида тадбиркорлик муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг мустақил бандлигини таъминлаш сиёсатида давлат бошқарув органлари бир қатор муҳим вазифаларни бажаришлари лозим, жумладан меҳнат бозоридаги меҳнат ресурсларининг фаоллигини ошириш, фуқароларнинг тадбиркорлик гояларини кўллаб-куватлаш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ишсизларни касб-хунар тайёр гарлигига йўналтириш, ўзининг хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошловчиларга ташкилий ва молиявий жиҳатдан кўмаклашиш, шунингдек тай-

ёрланаётган бандлик дастурларини айнан шу ва-зифаларни ҳал қилишга йўналтириш ва бошқ. [4].

Республикамизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда бандликнинг маъмурий ва бозор ёндошувларининг ўрнини, уларнинг аҳолининг мустақил бандлигидаги аҳамиятнинг илмий жиҳатларини тадқик қиласр эканмиз уларга таъсир этувчи бир қатор омилларни хисобга олиш зарур. Аҳолининг мустақил бандлиги даражасига таъсир кўрсатувчи муҳим омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин: аҳоли сони, унинг жинс ва ёш жиҳатидан таркибий тузилиши, миграция, турмуш даражаси, шунингдек, мулкчилик шакллари, иктиносидёт тармоқ ва соҳалари бўйича мавжуд иш ўринлари. Бу барча омилларни муайян минтақавий шароитларда тадқик этиш зарур. Мазкур шароитлардан муҳимлари бўлиб иктиносидой, миллий ва бошқа муносабатларнинг барқарорлиги, аҳолини ижтимоий-хукукий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, бандлик соҳасида давлат ва минтақанинг фаол сиёсати, иш ўринлари таркиbidагi ўзгаришларга етарли даражада тез мослашувчи мустақил ишчи кучининг ҳаракатчанлиги ва бошгалар хисобланади.

Ўзбекистонда аҳоли бандлиги муаммолари ва меҳнат бозорини шаклланиши жараёнлари кўпгина олимлар ва мутахассислар томонидан тадқик этилди.

Бироқ, илмий ишларнинг кўпроқ қисми бандликнинг умумий ва методологик асослари-

ни ҳамда меҳнат бозорини шакллантириш жараёнларига бағишлианди, меҳнат бозорининг минтақавий муаммолари, иктиносидётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида аҳолининг мустақил бандлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини (хусусан, мулкчиликнинг янги шаклларини ривожлантириш, бандликнинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш ва мустақил бандликка кўмаклашиш, уларни ишга жойлаштириш, вилоятнинг айрим туманларида иш ўринларини яратиш) аниқлашга эса етарлича эътибор берилмаган. Илм фан соҳасининг ҳозирги ривожланишида Республикализ корхона, ташкилот ва муассасаларида янги иш ўринларини ташкил этишда бандликнинг маъмурий ва бозор ёндошувларидан самарали фойдаланиш олдимиизда турган ижтимоий-иктиносидой муаммоларни ечишда муҳимдир.

Мамлакатимизни ижтимоий-иктиносидой ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида бандликнинг маъмурий ва бозор ёндошувлари усулларидан унумли фойдаланиш лозим. Натижада минтақаларда янги иш ўринларини ташкил этишнинг ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги имкониятлари очилади ва пировардида умумий бандлик даражасини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йилда мамлакатни ижтимоий-иктиносидой ривожлантириш якунлари ва 2021 йилда иктиносидой испоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиangan мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисига Мурожаатномаси.// 2020 йил 29 декабр.
- <http://aza.uz/oz/documents/ish-a-i-pensiyalar-stipendiyalar-va-nafa-alar-mi-dorini-oshi111-13-10-2018>
- http://www.vneshmarket.ru/content/document_r_A4F92072-2395-4116-96E5-EE76169118C7.html
- Эсаулова Ирэна Александровна. Развитие системы регулирования самостоятельной занятости граждан в регионе (На примере Пермской области) : Дис. ... канд. экон. наук:08.00.05:Москва,2001.206с.РГБОД,61:02-8/840-8 <http://www.disserr.com/contents/89884.html>
- Хайитов Ш.Н.Аvezova Ш.М.«Управление трудовыми ресурсами как условие формирования инновационной экономики Узбекистана»
- монография “Тафаккур бўстони” нашриёти Тошкент 2020йил
- Хайитов Ш.Н. Тогаев А.Н. Алимова Ш.А. «Софт факторы бизнес – коммуникации в системе стратегического менеджмента промышленных предприятий» монография “Тафаккур бўстони” нашриёти Тошкент 2020йил

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР, МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲАЛҚАРО ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ХУШБАКОВА ЗИЛОЛА БАХОДИРОВНА

Тошкент давлат транспорт университети магистратура талабаси

МУСАЕВ ОЛИМЖОН МАВЛЯНДЖАНОВИЧ

Тошкент давлат транспорт университети т.ф.н., доцент

Аннотация. Мазкур мақолада профессионал таълим тизимидаги ислоҳотлар, мамлакатимизда миллий малака тизимининг жорий этилиши ва унинг муҳимлиги ҳамда олий таълим тизимини ҳалқаро таълим стандартларига мослаштиришнинг аҳамияти тўғрисида фикрлар билдирилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишининг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Республика миздаги давлат олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг ҳалқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўкув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жо-

рий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносаб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сонли Фармони билан ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизими тўлиқ ҳалқаро тажриба асосида ташкил этилди.

Ушбу Фармон билан, Таълимнинг ҳалқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизими, табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ҳамда тегишлилиги бўйича уларнинг меъёрий-хукукий хужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиб келинмоқда.

МСКО	ҲАЛҚАРО ТАЖРИБА	РЕСПУБЛИКАДА АМАЛДАГИ ҲОЛАТ
МСКО 8	Докторантура	Докторантура
МСКО 7	Магистратура	Магистратура
МСКО 6	Бакалавриат	Бакалавриат
МСКО 5	Ўрта маҳсус профессионал таълим (техникум)	Ўрта маҳсус профессионал таълим (техникум)
МСКО 4	Ўрта профессионал таълим (колледж)	Ўрта профессионал таълим (колледж)
МСКО 3	Бошланғич профессионал таълим (касб-хунар мактаби)	Бошланғич профессионал таълим (касб-хунар мактаби)
МСКО 2	Умумий ўрта таълим	Умумий ўрта таълим
МСКО 1	Бошланғич таълим	Бошланғич таълим
МСКО 0	Кичик ёнданғи болалар таълимни	Мактабгача таълим

Ўзбекистонда амалдаги таълим дастурлари ва таълимнинг ҳалқаро стандарт классификатори даражалари

Шунингдек, касблар ва лавозимлар номлари кодлари Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичига (МСКО – 2011) ва янгиланган Машгулотлар халқаро стандарт таснифлагичига (МСКЗ-2008) ва Миллий малакалар рамкасига мослаштирилган.

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторидаги лавозимлар ва касблар қайтадан таснифланди, ўрта бўғин кадрларни тайёрлашда Иқтисодиёт тармоклари учун Квалификацион рамкалар ҳамда профессионал стандартлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий килинди.

Бирок, олий таълим тизимида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлаги чили билан боғлиқ қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши борасида якунига етмаган ишлар мавжуд. Улардан бири, олий таълим классификаторининг халқаро тажрибадан келиб чиқсан холда профессионал таълим тизими учун ишлаб чиқиленгани классификатор билан узвийлиги ҳамда узлуксизлиги қайта кўриб чиқилмаган.

Бугунги кунда, Хизматчиларнинг асосий

лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторини батамом тугаллаш якунига етмаган, сабаби – касблар ва лавозимларнинг идентификациялаш белгилари ҳисобланувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг амалдаги кодлари МСКО-2011 талабларига тўғри келмайди (хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдағи 343-сонли қарорига мувофиқ, бакалавриат ва магистратура йўналишларининг амалдаги кодлаштирилиши “5” ва “5А” деб белгиланган, аммо МСКО-2011 га кўра бакалавриат ва магистратура йўналишлари дастурлари даражаси таълимнинг “6” ва “7” даражасига тўғри келади).

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида олий таълим дарражаларининг мавжуд кодларини қўллаш эса ўрта маҳсус профессионал таълим ва бакалавриат кодларининг айнан бирхиллашишига олиб келади, ва мос равишда, бакалавриат ва техникумлар битирувчиларини таълим дарражаси бўйича тенглаштиришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги "Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўгрисида " ПҚ-4939-сон қарори;
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўгрисида" ПФ-5812-сон қарори;
 3. Международная стандартная классификация занятий 2008 г. (МСК3-08) https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/europe/-/ro-geneva/-/sro-moscow/documents/publication/wcms_306603.pdf;
 4. Международная стандартная классификация образования МСКО 2011 <http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/isced-2011-ru.pdf>;

OBUNA- 2021

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga
2021 yil uchun
obuna davom etmoqda**

“Kasb-hunar ta’limi” jurnalni bir yilda 4 marta nashr etiladi.

Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.

Obuna Indeksi: 1090

Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochtasi” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.

Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnalni tahririyatiga murojaat qiling.

Murojaat uchun telefonlar:

1. Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32.

Manzil: Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

Telefon: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04

E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru, ksbjurnal@inbox.uz

